




R 496

2016/3

# GULISTON





Хотира деганда биз бу фоний дунедан утган аждодларимизни эслаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси булмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани – бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром курсатмоқдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Ислом КАРИМОВ

1. НАХТУ САОДАТ, КСЕУР НАҲОТИНИ ҚУРВОҢ ҚИЛГАН ВАТАРДОШЛАРИМИЗ ХОТИРА  
СТВЕННИКОВ, ОТА ВЕШНА СЕОИ ЖИВНИ ЗА СВОБОДУ И НЕЗАВИСИМОСТЬ, СЧАСТЬЕ



2016/3

# GULISTON

ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-badiiy, madaniy-ma'rifiy jurnal

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

**Muassis:**

O'zbekiston Respublikasi  
Madaniyat va sport  
ishlari vazirligi

**Bosh muharrir:**

Minhojiddin MIRZO

**Jamoatchilik kengashi:**

Muhammad ALI

Suyima G'ANIYEVA

Fotih JALOLOV

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Adhambek ALIMBEKOV

Isajon SULTON

Nurboy JABBOROV

Abduvahob NURMATOV

Fatxulla MA'SUDOV

**Tahririyat:**

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Temur A'ZAM

**mas'ul kotib:**

Komil JONTOYEV

**fotomuxbir:**

Mashrab NURINBOYEV

**sahifalash va dizayn:**

Nigina QODIROVA

**navbatchi muharrir:**

Gulchehra MIRZAYEVA

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz

**USHBU SONDA:**

J

Alifnava Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

*To'liqin HAYIT*  
*Sohibqiron haqida hikoyatlar*

*Sa'dulla SIYOYEV*  
*Daryodek inson edi*

*Muhtarama ULUG'OVA*  
*Jon qizim, jonim qizim,*  
*omonda bo'l...*

*Miraziz A'ZAM*  
*Intizor bo'lgandik oppoq*  
*kunlarga*

*Svetlana ALEKSIYEVICH*  
*Urushning ayoldan yiroq*  
*diydori*

*Oqilxon IBROHIMOV*  
*«Shashmaqom» tarixiga*  
*bir nazar*

*Po'lat TOSHKENBOYEV*  
*Sulola*

*Elyorjon JALILOV*  
*Yaxshidan bog' qolar*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma№ 16-371. Adadi: 1800 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 31.05.2016-yilda topshirildi. Bosishga 31.05.2016-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30.

3/3  
№ 1

# «Onang mehrin tuyib uxlasang, onang mehrin tuyib uyg'ongil...»

Инсон умри давомида ҳамиша бахтга, бахтиёрликка интилиб яшайди. Ёши улуг оталаримиз, оналаримиз ана шу маънода кўпинча бир иборани бот-бот такрорлайдилар: «Инсон бу дунёда жаннатни ҳам, дўзахни ҳам ўзи яратади». Бу сўзлар моҳиятини улғайиб, ёшимизга ёш қўшилиб, дунёни таниб, турли одамлар, турфа тақдирлар, воқеа-ҳодисалар моҳиятини таҳлил қилган ҳолда англаб борарканмиз. Дунёнинг ободлиги ёки аксинча бўлиши кўп жиҳатдан одамзоднинг ўзига боғлиқ бўларкан. Жаҳондаги жараёнларни кузатиб, урушлар ва низолар моҳиятига назар солиб, бу иборанинг бежиз айтилмаганига амин бўларкансан киши.

Қаранг, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган ўтган даврлар мобайнида ўн тўрт мингдан ортиқ уруш кўрибди. Бу қирғинларда не-не мамлакатлар вайрон бўлиб, қанчадан-қанча элатлар йўқликка сингди. Башарият яратган энг нодир бунёдкорлик намуналари, ноёб қўлёмалар, илм-фан, маданият неча бор таназзулга юз тутди. Саноксиз инсонлар нобуд бўлди. Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг шафқатсиз, оламни остин-устун қилган, миллион-миллион инсонлар ёстиғини қуритган фожеалардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбари 9 май – Хотира ва қадрлаш кунида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, «Уруш бошланган пайтда Ўзбекистонимиз аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган бўлса, шундан 1,5 миллион киши, яъни қурол кўтаришга қурби етадиган одамлар урушда қатнашган. Уларнинг орасидан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида ҳалок бўлганини, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ғалаба бизга нақадар қимматга тушгани ўз-ўзидан аён бўлади».

Ҳали-ҳануз дунёда қарама-қаршиликлар авж олмоқда. Ҳар куни қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар қурбон бўлмоқда. Инсоният уруш оловини буткул ўчира олгани йўқ. Жаҳонда тобора янгича кўринишларда намоён бўлаётган зиддиятлар, содир бўлаётган қонли тўқнашувлар мавжуд тинчлик ҳамда барқарорликка ўта жиддий хавф ва таҳдид солиб турибди. Бу эса ҳар биримиздан доимо сергак ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Дунёда неъматлар жуда кўп, лекин шуларнинг ичида тинчлик энг олийси саналиши бежиз эмас. Ҳар тонг бутун инсоният куёшни қаршилайди. Лекин ҳамманинг ҳам кўнглида эзгу ниятлар ёғду сочяптими? Ҳар тонг минг-минглаб гулу лолалар оламга юз очади. Аммо ҳамма кўнгилларда ҳам эзгу ниятлар ғунчаси очилиптими?

**Ажаб, ҳатто мусичалар уруши бор,  
Итларнинг бир-бирин тишлаб-хуриши бор.  
Сен уларга назар қилма, гулзорга боқ,  
Дилим, унда ғунчаларнинг кулиши бор.**



Улуғларимиз «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» дейдилар. Бу — ҳаёт ҳикмати. Дунёда гўзаллик кўп, ибратли ҳолатлар ундан-да кўп. Бироқ шуларнинг ичида ҳаётдан, умридан, эл-юртидан ризо пиру бадавлат оталар ва оналарнинг дуосидан ўтадиган шукроналик тасвири, ифодаси бўлмаса керак. Дунёда гўзаллик кўп, лекин тинч-хотиржам, чақалоғини бағрига босиб, унинг маъсум ухлашига меҳр тўла кўзларини тиккан она чехрасидан ўтадиган гўзаллик бўлмаса керак. Дунёда гўзаллик кўп, лекин меҳр-муҳаббат оғушида, тинч, гўзал, фаровон ҳаёт кучоғида бахтиёр кулаётган бола кулгусидан ўтадиган гўзаллик бўлмаса керак. Шукрки, дилларда жаҳолат эмас маърифат гул очган, эзгу ниятлар эзгу сўзга, эзгу сўзлар эзгу амалга айланаётган гўзал диёрда яшаяпмиз.

**Ҳеч манзилда бахт топмас тайин  
Жаҳолатга асир бўлган жон.  
Жаннатни ҳам обод этгайдир,  
Юртин жаннат этолган инсон.**

Ҳа, боқий ҳикматлардан сув ичган ушбу сўзлар моҳиятан қалбимизга туташ. Жаҳолатга асир бўлган жонлар ҳеч қачон, ҳеч бир манзилда бахт тополмайди. Жаннат ҳам, аввало, ўз киндик қони тўкилган она Ватанини обод қилган инсонлар туфайли обод бўлғусидир.

Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб диёримизда соғлом авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш йўлида барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, уларга катта ишонч ва умид билан келажагимиз эгалари деб қаралмоқда. Юртбошимиз айтган сўзларга эътибор қилинг: «Мени доимо қийнайдиган, тинчлик бермайдиган орзу-ниятим, керак бўлса, худодан сўрайдиган энг катта илтижоим шуки, бетакрор, гўзал, саховатли, Оллоҳнинг назари тушган мана шу юртда, албатта, ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати билан, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак. Бундай олижаноб мақсад билан яшаш, ҳаёт кечириш, бундай орзу-ниятларни амалга ошириш ҳар қайси оила, авваламбор, ёш оилаларнинг инсоний, керак бўлса, миллий бурчига айланишини истардим».

Бугунги билимли, мустақил фикрли, замонавий касб-хунарларга эга, юксак маънавиятли, катта мақсадлар билан яшаётган миллионлаб ёшлар ана шундай эзгу ният ила камол топмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг «Соғлом она ва

бола йили» деб эълон қилиниши, Давлат дастури қабул қилиниб, унинг ижроси таъминланаётганлиги ҳам бу эзгу ишнинг тобора янги босқичларда, юксак сифат ўзгаришлари асосида давом этаётганини кўрсатади.

Биргина ана шу дастур асосида йил бошидан буён амалга оширилган ишларга назар ташлайлик. Мамлакатимиз шифохоналарида туғма ривожланишида нуқсонлари бўлган 44 нафар, туғма юрак хасталиги билан туғилган 10 нафар бола операция қилиниб соғломлаштирилди. Бу билан қанча хонадонларга умид, қувонч кириб келди. Қанча оналарнинг изтироблари, ташвишлари ўрнини бахтиёрлик ва шукроналик эгаллади. 155 минг нафардан зиёд бола 12 хил инфекцияга қарши эмланди. 14 ёшгача фарзанди бўлган 1120 оилага, 2 ёшгача фарзанди бор 8460 оилага, шунингдек, 2310 кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

«Биздан авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!», «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам!», «Соғлом она – соғлом бола, соғлом бола – соғлом келажак» деган эзгу гоғлар тизими бир-бирига уйғун ҳолда жамиятимизда ўз амалий ифодасини топмоқда.

Илоҳим, юртимиздаги бахтиёр кунлар шодмон кунларга уланаверсин. Эл-юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, барқарорлик, бунёдкорлик ҳамиша бардавом бўлсин! Осойишта оқшомлар, тунлар ортидан осойишта, ёруғ тонглари отаверсин! Оналар юзидаги меҳр қуёши, фарзандлар кулгусидаги жаранг, кўзларидаги бахтиёрлик нури ёғдуси тоабод юртимизга чирой бахш этиб турсин. Фарзандларимиз муқаддас Ватаннинг улуғ севгиси туфайли камлик кўрмай улғаяверсин.

**Эй болажон, бахтинг бут бўлсин,  
Сен шу улуғ севгига қонгил.  
Онанг меҳрин туйиб ухласанг,  
Онанг меҳрин туйиб уйғонгил...**



# ХОТИРА АВАДИЧ, ҚАДР – МУҚАДДАС



Ватанимиз тинчлиги ва равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган кексаларимизга эътибор кўрсатиш мамлакатимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Президентимизнинг 2016 йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Истиқлол» санъат саройида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Фахрийларга таъзим» номли хайрия концерти ўтказилди. Тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, маҳаллаларимизда ёшларга бош-қош бўлиб юрган фаол кексалар, «Мурувват» ва «Саховат» уйларида истиқомат қилаётган юртдошларимиз таклиф этилди.



– Мен шу кунларда қадр, қадрият, қадрлаш каби тушунчаларни теранроқ англаяпман, – дейди фахрий шифокор Адиба Ҳайдарова. – Бугун эл ардоғидаги таниқли санъат усталари концертидан бир олам завқ билан чиқдик. Бизни эъзозлаётган давлатимизга, ҳукуматимизга минг ташаккур. Бугунги тадбир ташкилотчиларига, санъаткорларга ҳам раҳмат.


Маслаҳат сўраб маҳаллаларга чақиришларидан, ёшларга намуна ва ўрнак қилиб кўрсатишларидан мамнунмиз. Бундай эътибор туйғайли биз ўзимизни жамиятимизнинг фаол аъзолари сафида ҳис этамиз.

– Мен ёш авлодга таълим-тарбия бериб, на-

фақага чиққанман, – дейди фахрий ўқитувчи Розия Фахриддинова. – Шогирдларим бугунги кунда турли соҳаларда жамиятимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Меҳнатларим самарасини улар мисолида кўриб фахрланаман. Менинг ҳам ёшлигим мана шу мунаввар кунларга тўғри келганида, қани эди. Бор шижоатим, маҳоратим билан бугунги бахтли авлодга сабоқ берардим. Бироқ ҳеч нарсадан афсусланмайман. Биз фахрийлар, ҳамиша эъзоз ва эҳтиромдамиз. – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бу тадбирда маданият ва санъатимиз дарғалари ҳам ёдга олинди. Улар яратган куй ва кўшиқлар ижро этилди. Қадр ва эҳтиром кечасига келган барча фахрийлар бугунги нурафшон кунлар учун давлатимиздан миннатдор эканликларини билдиришди, – дея суҳбатга қўшилди Зангиота тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Мирзо Аҳмедов. – Хотира ва қадр тушунчаси чуқур маъно ва мазмун касб этади. Ўтганлар руҳини ёд этиш, тирикларга меҳр-оқибат кўрсатиш олий қадрият бўлиб ҳар бир инсоннинг бурчи, вазифасидир. Ёши улуғларни, хаста ва эътиборга муҳтож инсонларни қадрлаш, улардан хабар олиш халқимизга хос фазилат саналади.

Ҳа, истиқлол туфайли Хотира ва қадрлаш кунини чинакам инсонпарвар айёмга айланди. Ўтганларни ёд этиш, қадрлаш, юртнинг бугунига ва эртанги тараққиётига хизмат қилиш, Ватан деган олий туйғуни, унинг эрки ва озодлигини барча неъматлардан устун қўйиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

**Ибодулла ҚЎНФИРОВ,  
Бахтиёр ҲАЙИТОВ**





Ҳар йили диёримизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида кенг нишонланади. Мустақиллик йилларида бошқа барча соҳалар қатори мазкур тизимда ҳам муҳим янгиликлар юз берди. Рақамли ва мобил телевидение, интернет нашрлар каби янги тизимлар ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Тезкорлик, изчиллик ва ҳаққонийлик каби сифатлар журналистнинг дастуруламалига айланди.

## QALBIMIZ OVOZI *qalamimizda*

Мамлакатимизда нашрлар, теле-радиоканалларнинг сони ва сифати йилдан йилга ўсиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бу борада қандай катта тараққиёт йўли босиб ўтилганини кўрсатади. Юртимизда аънавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзиде веб-сайтлар сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилди.

Байрам муносабати билан мамлакатимизнинг турли оммавий ахборот воситаларида хизмат қилиб келаётган фаол журналистларнинг бугунги кундаги соҳа ривожини, оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимизда тутган ўрни билан боғлиқ фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Эшқобил ШУКУР,



**«Маънавий ҳаёт»  
журнали бош муҳаррири:**

– Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобида биз бугунги кунда маҳкам туришимиз керак бўлган маънавий тамойиллар, маънавий мезонлар мукамал кўрсатиб берилган. Ҳозирда бутун дунё бўйлаб ўта мураккаб жараёнлар кечмоқда. Бу қалтис жараёнларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, жаҳон халқларининг маънавий ҳолатига бориб тақалапти. Шундай вазиятда катта маънавий таҳдидлардан ўзини ҳимоя қила олган халқ Ватанини, келажagini, истиқболини, Она Ерини ҳимоя қилган бўлади. Бу борада эса, журналистларнинг ўрни катта. Бизнинг халқимизда азалдан, Кошғарийлар, Навоийлар замонларидан қалам юки деган тушунча бўлган ва бунга илоҳий тушунчадай қаралган. Қалами бор одам қадрланган, унга халқ ишонган, унга элнинг тили сифатида қараганлар. Қалам юкини ҳис этиб ижод қилиш журналист ишига катта моҳият ва теран маъно бағишлайди.



**Мадамин САФАРОВ,**  
**«Toshkent» телерадиоканали**  
**ДУК директори:**

– Президентимиз томонидан оммавий ахборот воситалари вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрликни, доимий рағбатни кунда-

лик фаолиятимизда ҳис этмоқдамиз. Мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, юртдошларимиз тафаккурида, тақдирида мислсиз ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бундай масъулиятли жараёнда журналист сўзининг таъсирчанлигини янада ошириш, ён-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга теран, сезгирлик билан муносабатда бўлиш бизнинг энг асосий бурчимиздир.



**Фахриддин АБДУРАХИМОВ,**  
**«Маҳалла» радиоканали**  
**раҳбари:**

– Бугунги мураккаб даврда оммавий ахборот воситалари, жумладан, радионинг масъулияти янада кучайди. Президентимизнинг соҳага кўрсатаётган алоҳида эътибори «Маҳалла» телерадиоканални ташкил этиш тўғрисидаги қарорда ҳам ўз аксини топди. Каналимиз бир йилдан

ошиқ вақт давомида маҳалла ҳаётининг турли жабҳаларини ёритиб келмоқда. Радио журналисти ўз овози билан хонадонларга кириб борар экан, унинг зиммасида кексаю ёшни бирдай қизиқтирадиган, ҳаммининг эътиборини жалб қиладиган мавзулар бўлиши керак. Обод ва саришта маҳаллалар, давримизнинг илғор кишилари, дадил ва ўқтам қадам билан юксак марраларни забт этаётган ёшлар бизнинг диққатимиз марказида. Ёзганларимиз овоздаги оҳанглар орқали қалбларга етиб боради, қалбдаги ҳарорат эса бугуннинг «юрэк уриши»га ҳам оҳанг. Қалбимиз овози қаламимизда бўлсин!



**Анвар ИЛЁСОВ, «Жаҳон»**  
**ахборот агентлиги**  
**фотомухбири:**

– Мен суратга туширишга, ўтаётган лаҳзаларни қоғозга муҳрлашга ёшлигимдан қизиқардим. Қизиқиш ва касбининг ўртасида катта фарқ бор экан. Бугунги кунда суратга олишнинг имкониятлари кенг. Лекин энг ҳаққоний,

ҳаётий суратларни ёритишга келганда фақат интилишнинг ўзи иш бермайди. Бунга юксак малака, устозлар сабоғи ва касб сирларини пухта билиш орқалигина эришиш мумкин. Касбимиз юзасидан мамлакатимизнинг турли гўшаларида бўламиз. Ўзгаришлар, одамлар кайфияти бизга илҳом беради. Энг муҳими – ўз касбингни севиш, қилаётган ишингдан илҳомланиш. Шундагина вазифангизга иштиёқ билан киришасиз. Фотожурналистика аввал қизиқишим бўлса, бугун ҳаёт тарзими, умрим мазмунига айланди.



**Адиба УМИРОВА,**  
**«Хуррият» газетаси мухбири:**

– Биз мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида турибмиз. Бу бир қарашда қисқа муддатдай туюлади. Аммо ҳар бир йил тарихимиз учун ўзига хос янгилик ва янгиланишларга бой бўлгани билан аҳамиятли. Мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, бар-

ча соҳалардаги ислохотлар кўламнинг кенглиги ҳар қандай одамни ҳайрат кўчасига етаклайди. Айниқса, ёшларга берилаётган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда ўз ўрнида ёшларнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари қалбимизда ифтихор уйғотади. Ана шундай юксак ўзгаришларни юртдошларимизга етказиш, улар онгида ўз ватанидан фахрланиш ҳисларини жўш урдириш ва ёшларни янги марралар сари чорлаш йўлидан бораётган журналистика соҳаси ходими эканимдан фахрланаман.



**Азизжон ЭРМАТОВ,**  
**«Бувайда кўзгуси»**  
**газетаси ходими:**

– Бугун дунёнинг бир бурчагида бўлаётган воқеалар сониялар ичида бошқа бир четига етиб боради. Бунда энг муҳими – ростни ёлғондан, оқни қорадан ажрата олиш. Интернет журналистикаси янги соҳа бўлса ҳам бу-

гун ҳаётимизга шу қадар сингиб кетдики, турмушимизни бу соҳасиз тасаввур қилолмаймиз. Мен газетаимизнинг сайтга хабарларни киритар эканман, ҳар бир сўз, ҳар бир хабар учун масъуллим доим фикру хаёлимда бўлади. Президентимизнинг журналистларни яқин ҳамфикр ва маслақдошларим деб биламан, деган гапи менга қанот бағишлайди. Бизда ишлаш учун шароит, ўқиб-изланиш учун имконият бор. Эътибор ва эътирофга мос равишда меҳнат қилиш вазифамиз, деб биламан.

*Бугун журналистнинг қалами, овози кириб бормаган соҳа йўқ. У сиёсатчилар билан сўзлашганда сиёсатчи, муҳандислар орасида муҳандис, шифокорлар ўртасида шифокор, талабалар ичига кирса талаба, боғбонларга боғбон бўлиб гаплаша оладиган юксак билим ва малака эгаси. Шунинг учун ҳам бугуннинг журналисти ўз устида кўп ишлаши, устозлар тажрибасини ўрганиб, дунё журналистикасининг ютуқларини кузатиб бориши зарур. Барча ҳамкасбларимизга байрам муборак бўлсин!*

# Sohibqiron haqida hikoyatlar

*Ёзилган нарсалар авлодлар хотирасида  
қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.  
Амир ТЕМУР*

## БУЮК КУТУБХОНАНИНГ СИРИ

Амир Темур кутубхонаси...

Нимагадир ўша кутубхона тушларимга кириб чиқади. Улкан бино. Ниҳоятда улкан. Чиройли жавонлар тўла китоб. Олтин, мовий, жигарранг, тўқ кўк ва яшил рангдаги китоблар. Сон-саноксиз... Аллақандай ҳид димоққа урилиб, уйғониб кетасан киши. Ё кечаси соат учлар ё тонг отган бўлади. Бу нимага ишора? Нега мени кутубхона безовта қилди?! Ҳеч тушунолмаيمان.

Кўксарой кутубхонаси шунчаки китоб омбори бўлмаган. Бу ерда асарлардан фойдаланиш борасида жиддий тартиб ўрнатилган бўлиб, олиму фозиллар, мударрислар, толиблар, салтанат амалдорлари, уларнинг фарзандлари фойдаланишар эди. Шунингдек, кутубхонада муншийлик, хаттотлик, безак солиш ишлари намунали йўлга қўйилган ва бу манзил Турон давлатининг йирик академиясига айлантирилганди.

Мирзо Улуғбекнинг қарийб қирқ йиллик ҳукмронлик даврида фан, маданият, меъморчилик юксак тараққий этди. Ўнлаб, юзлаб мадрасалар барпо этилди. Бу даврда Кўксарой кутубхонасининг фаолият кўрсатганлиги аниқ. Шу ўринда бизни 1449 йилдан кейинги воқеалар қизиқтиради. Хўш, Али Қушчи ўз қарвони билан нега Ҳазрати Баширнинг хузурига борди ва у ерда етти-саккиз йил қолиб кетди? Мирзо Улуғбекнинг васияти билан у кутубхонадаги нодир китобларни ўзи билан олиб кетмадимикан? Олдин айтганларидек, унинг 1449 йилда Мовароуннаҳрдан чиқиб кетгани ҳақидаги гаплар ёлғон бўлиб чиқди. Хусусан, астроном Ғ.Жалолов ва шарқшунос олим А.Ўринбоев Али Қушчининг 1471 йилгача мамлакатда яшаганлигини манбалар асосида исботлаб кўрсатганлар.

Қисқасини айтганда, Амир Темур кутубхонасининг сири узоқ тарих. Кутубхона ҳақида афсона ва гап-сўзлар шунчалик кўпки, уларни ўқиб, киши беихтиёр қайсидир бири ростлигига ишона боради. Дарвоқе, нимадир борки, у онгимизни ҳамиша жунбушга келтириб туради. Бу сирини очиш келажакда кимгадир насиб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

## СУЮКЛИ НЕВАРАГА СОВҒА

Тарихий маълумотларга кўра, Амир Темур кутубхонасидан фойдаланиш учун махсус рухсатнома керак бўлган. Соҳибқирон суюкли невараси Муҳаммад Тарағай Улуғбекка ҳам ана шундай рухсатномалардан бирини берган ва у доимий равишда бой кутубхонанинг нодир китобларидан фойдаланиб, билимини ошириб борган. Бу ишда унга энг йирик донишмандлар, олимлар ёрдамлашиб, сабоқ берганлар. Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаш керак. Амир Темур авлодларининг қувваи ҳофизалари жуда кучли бўлганки, уларнинг қайси бирларига қараманг, нафақат мамлакатни бошқаришда, балки фаннинг турли соҳаларида ҳам муваффақият қозонганлар. Фарзанд тарбияси қатъий тартибга солинган, энг покиза ва билимли кишилар, юзлаб эртақ, дoston ҳамда термаларни биладиган энагалар, бибилар уларнинг тарбияси билан машғул бўлишган. Биргина Мирзо Улуғбекнинг тарбияси бир неча кито-

бларга мавзу бўла олиши фикримиз исботидир.

### МИНГ ОЛТИНГА СОТИБ ОЛИНГАН ҲИҚМАТ

Муҳаммад Тарағай бир сурув қўйни ўғлига бериб, Самарқанд бозорига юборгани ҳақида ўқиган чиқарсиз.

Темурбекнинг ўзи бу тўғрида шундай ёзган:

«Қўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб сайр қилиб юрардим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб турган экан. Қўлида қоғоз – шеър битилган. У дер эди:

– Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади.

Ҳимматим жўшиб, минг олтуни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди:

– Отанг олдиға борғил, буни унинг олдида ўқи, борғунча очма!

Қоғозни келтириб, падали бузрукворимга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубоий экан. Маъноси куйидагича: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир...

Рубоийнинг муаллифи – ўшал қаландар – аллома шоир Камол Хўжандий эркан. Ул зотни падали бузрукворимиз кўп хурмат қилар эрканлар.

– Боракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтуларни сарф этибсан. Энди минг олтунга олган ушбу ҳиқматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур!

Падали бузрукворнинг айтқонларини бош устида тутдим».

### ҲУРМАТ ВА ҲИММАТ

Темурбекнинг хотираси шунчалик кучли эдики, бир ўқиганини дарҳол эслаб қоларди. Ўша йилларда Арасту, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Мусо Хоразмий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий асарларини ўқиш билан бирга озарбайжонлик шоир Маҳмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз» («Сирлар гулшани») ғазалларини ҳам ёд олган эди. Орадан йиллар ўтиб, Озарбайжонни Тўхтамишнинг ҳужумларидан ҳимоя қилишга борганда, Шабистар деган қишлоққа дуч келади. Сўраб билишса, китоб муаллифи шу қишлоқда яшаб ўтган экан. Қишлоқ аҳли Темурбекка унинг қаровсиз қабрини кўрсатадилар. Соҳибқирон ҳазратлари бу ерда мўъжаз мақбара тиклашни, вақф еридан тушадиган даромадлар ҳисобига катта боғ барпо этишни ва шоир қабрини зиёратгоҳга айлантиришни буюради. Қишлоқ анча катта бўлиб, ўн беш ёшдан юқорилар 3891 нафар экан. Уларнинг ҳар бирига беш мисқолдан олтин улашилади. Бу 20 кило олтин демақдир. Буюк Соҳибқирон ҳазратлари шоирга ана шундай юқори даражада ҳиммат кўрсатади.

### АФСОНАВИЙ ОҚСАРОЙ

Оқсарой шунчалик гўзал қурилганки, уни кўрганлар Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларидан ҳайратга тушганлар. Бино баланд ва жуда улкан бўлиб, дунёда тенги бўлмаган. Бобур Мирзо «Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар», деб ёзган. Руи Гонсалес де Клавихо уни кўриб, бундай серҳашам бино ҳатто Париж қиролларида ҳам йўқ, деб қайд этган: «Саройга кириш жойи жуда узун ва дарвозаси баланд. Бу эшик орқали чорси кўриниш хонага кирамиз: деворлари олтин ва лажвард кошнлар билан зийнатланган. Бу ердан элчилар юқори қаватга олиб чиқилган».

Оқсаройнинг ҳовлисида ва тепасида фаввора отилиб турган, унга Тахти Қорача доводидан қувур орқали сув олиб келинган. Пастдаги ҳовуз қолдиқлари ҳозир ҳам мавжуд, унда ишлатилган мовий кошнлар кишини ҳайратга солади.

Оқсарой тонгда оппоқ келинчақдек, тушда заррин ёғдуларга ўралган фариштадек, кечкурун оқ юзли паривашдек, кечаси эса тўлин ойдек оч сариқ рангда фусункор жилоланган.

Оқсарой чор зобитлари томонидан тўпга тутилиб, вайрон этилган. Эсиз, шундай нодир бино! Оқсарой ҳозир ҳам аввалгидай турганида, дунёнинг ҳеч бир биноси гўзалликда унга бўйлашолмас эди.

# Yo'l yursang ko'ngillar shod

*Пойтахтимиз Тошкентни Фарғона водийси билан боғлайдиган Қамчиқ доvonида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, темир йўл қурилиши кўп-лаб ватандошларимиз қатори биз Фарғона вилояти Данғара туманида яшовчи ижодкорларни ҳам беҳад қувонтирди, ғурурлантирди. Ана шу борада устозларга эргашиб, ифтихор ила битган шеърый машқларимни Сиз, азиз журналхонларга илингим келди.*

**Аҳмад ФОЗИЛ**

Ўзбек ҳалқининг бахтин,  
Мустақиллик қудратин  
Довонимнинг шуҳратин,  
Юрагимдан ҳис этдим,  
Мадҳига дoston битдим.

Бугун ошсангиз доvon,  
Йўллар бир текис равон.  
Борар манзил фаровон,  
Бугуннинг Фарҳодлари,  
Жўшар шижоатлари.

Андижонда Юртбоши,  
Қўйганлар тамал тоши.  
Темир йўл ишнинг боши.  
Ўзбекнинг ори-лафзи,  
Бунёдкорликнинг рамзи.

Ҳар қадамда йўлсозлар,  
Йўл юзасин пардозлар.  
Садоқатли шоввозлар,  
Кўз қувнайди боққанда,  
Ғурур жўш урар танда.

Меҳнатлар бериб самар,  
Қанот қоқди хушхабар  
Барча бўлди сафарбар:  
Қамчиқ бағрин очишга  
Мўъжиза яратишга.

Фарангу Ҳинду, Олмон,  
Тан берди жумла жаҳон.  
Меҳмонга келган инсон,  
Дейди: бу эл баҳодир –  
Буюк ишларга қодир.


Бошланди улуғ ҳашар,  
Ҳали кўрмаган башар.  
Кучларга куч қўшилар,  
Тоннелда иш қизиғи,  
Оламшумул ютуғи.

Бекатлар кўркам, обод,  
«Орзу», «Темирийўлобод»,  
Йўл юрсанг кўнгиллар шод,  
Ипак йўл дарвозаси,  
Машҳурдир овозаси.

Лойиҳачи меъморлар,  
Қалбида ўти борлар.  
Савоб ишга қодирлар,  
Келавердилар бари  
Қамчиқ доvonи сари.

Тушиб Истиклол нури,  
Уйғонди халқ шуури.  
Уфурди шан, ғурури,  
Шиоридир: яратиш,  
Ўзбек номин таратиш!

Тарихда зўр бурилиш,  
Долзарб асрий қурилиш.  
Гўзаллашди кўриниш,  
Кўприклару тоннеллар,  
Довонда янги йўллар.



**Ёзувчи Саъдулла Сиёев адабиётимиз ва маданиятимизнинг улуғ даргалари ҳақидаги ҳикоялардан иборат китоб ёзди. Ўтган улуғларимиз ҳаётига тегишли ушбу битиклар бизга устозлар ҳақида тўлиқроқ маълумот беради. Қуйида Асқад Мухторни эслаб ёзилган ҳикояни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**



## Daryoddek inson edi

Асқад акани ўйлаганимда унинг хислатлари ёдимга тушаверади. У донишманд, ўзини аямайдиган заҳматкаш, бировга озор бермайдиган ҳалим табиатли, ўзгалардан меҳрини, меҳнатини дариг тутмайдиган инсон эди. Бобурнинг машҳур сатри бор: «Йўлни не билгай киши, то раҳнамо кўрсатмагай...»

Мен Асқад аканинг бевосита раҳнамолигида камол топиб, адабиётда маълум мавқега эга бўлган тенгдошларимни, укаларимни санаб беришим мумкин.

Асқад Мухтор донишмандлиги туфайли заҳматкаш эди ва ёки аксинча, заҳматкаш бўлганлиги учун ҳам донишманд эди.

Устоз ҳамиша бетакрор, теша тегмаган, қулоққа ёқимли эшитиладиган янги гап топиб айтарди. Унинг шеърлари ё ҳикоялари, романларинигина эмас, кундалик мавзудаги мақоласини ўқиганда ҳам одам беихтиёр хаёлга толар, ҳайратга чўмарди. Бу – Асқад Мухторнинг бировга ўхшамаганлигида, ўз фикри, дунёқараши, фалсафаси борлигида. Дунёвий ва диний илмлар билимдони сифатида, шубҳасиз, у ўз тенгдошлари орасида беназир ва замон зайлига кўра, ўзини даҳрийнамо қилиб кўрсатишга мажбур эди.

Тақдирнинг мукофоти экан, бир неча йил Асқад аканинг ёнида, унинг ҳомийлигида ишлаш насиб этди. Камина у кишидан дунёга кўнгил кўзидан ташқари ақл кўзи билан қарашни ҳам ўргандим. Асқад ака уфқлар шайдоси эди. «Тепада турган одам уфқнинг ярмини кўради, тоғда турган одам уфқнинг давомини ҳам кўради», деб таълим берарди. Асқад ака чиқиб олган тоғ ўшанда биз ёшлар учун етиб бўлмасдек эди.

Чуқур дарё тинч оқади. Асқад ака дона-дона, бийрон сўзлаши, фикрларининг теранлиги, ҳар бир калимасидан маъно уфуриб туриши, такаллумининг тағдор ва чўгли эканлиги билан тинч оқар дарёни эслатиб турарди. Ардоқли Зулфия опа бир мажлисда мен Асқад билан гаплашсам, ўзимни маънавий бойиб қолгандек сезаман, деган эди.

Асқад аканинг гапи мўътабар, қандайдир маънода мезон эди. Бирор асар кўлёмаси устида баҳс бўлиб қолса, «Асқад ака ўқидими?», «Асқад ака нима дебди?» каби саволлар туғилиши табиий эди. Асар у кишига маъқул бўлса, демек, босишга лойиқ.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. «Гулистон» журналида ишлардим. Асқад аканинг топшириғи билан Миртемир домладан шеър ундиргани тез-тез бориб тураман. Миртемир ака, ўн марта қоралаб, қайта-қайта ишлаган шеърини қизганиб қўлимга тутқазаркан:

– Ҳали хомроқ, – дейди, – Асқадга айт, яхшилаб кўрсин.

Миртемирдек сўз заргари ўз асарининг тақдирини ҳаммага ишониб топширавермас эди. Асқад акага суянарди. Асқад аканинг зукколигини қадрларди.

Мамарасул Бобоев деган шоир бўларди. Хокисор, камтарин инсон. Юракка чиппа ёпишадиган дилбар шеърлари кўп эди. Ўша Мамарасул аканинг мумтоз сатри бор: у киши бир устоз тилидан шогирдига қарата: «Олға юргин, аммо менинг ортимдан!» дейди. Асқад акани эслаб ўтирибману, шу сатр хаёлимда айланаверади. Сир эмас, жилд-жилд китоб ёзган баъзи бир ҳурматли ижодкорларимиз ёшларнинг бошини силашга келганда... нима деса экан, ҳай, жиндай эринчоқликми, лоқайдликми қилишарди. Улар ёш истеъодларни тирсаклаб туртмаса-да, олдинга ўтишига қўймасди. Асқад ака адабиёт — марди майдонники, марҳамат, зўр нарса ёзган ўз ўрнига чиқарверсин, деган фикрда собит турарди. Орқасидан келаётган ёшларни қўлтиқлаб олишни бурчи деб биларди. Бунақа жавонмардлик ўзининг қувваи ҳофизасига ишонган кишиларга хос бўлса керак.

Дўрмон. Асқад ака бир оз хасталаниб ётибди. Гоҳи дала ҳовлисига кираман. «Юринг, дўстим, боғ айланамиз», дейди (Асқад ака ё эркалаб, ё иззатлаб ёшларни ҳам баъзан дўстим, дерди). Беш юз қадамлик текис йўлкани икки-уч бор айланамиз. Одатдагидек, нима қиялмасиз, деб сўрайди Асқад ака. Мен улуғ авлиё Аҳмад Яссавий ҳақида бир нарса ёзмоқчиман, тарих титкилаб, ўйланиб безовталаниб юрибман, дейман. Асқад ака маслаҳат беради: «Яхши мавзу, қутлуғ иш. Фақат Яссавий образини майдалаштирманг. Дунёга, даврга умумбашар кўзи билан қараш керак. Қамровни кенгроқ олинг».

Устознинг нимага шаъма қилаётганини англадим. Буни кейинроқ, Асқад аканинг кечалари хаёл қочганда битган қайдларида ҳам ўқидим.

Асқад ака унутиб бўлмайдиган инсон эди. Бу азиз инсон ҳақидаги ёруғ хотиралар кўнгил тўрида тураверади.

# Қаро кўзум...

**Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.**

**Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.**

**Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.**

**Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тоғда Кўҳқан қилғил.**

**Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.**

**Ҳазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.**

**Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.**

**Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.**

Бу Ҳазрат Навоий қаламига мансуб энг кўп ўқиладиган ғазалдир. «Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирган бўлиб, агар девоннинг 1469/70 йилда тузилгани инобатга олинса, бу ғазал 1470-йилларгача ёзилган бўлиб чиқади.

**Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.**

Байт «қаро кўзим...» дея бошланиш билан ўзига энг яқин одамани «кўзим» (кўзга кўздан яқинроғи йўқ) соғинч билан кутиб, инсонийликни ўзинга одат қил, кўзимнинг қорачиғига жойлашгин; бунда икки маъно: зоҳирий маънода инсон кўз ўнгига одам унинг кўз қорачиғида акс этади, иккинчи жиҳат, кўзимда унинг жавҳари – қорачиғи сифатида доимо ўрин тут, ватан қил.

Тасаввуфий маънода кўз – Тангри каломини қабул этиш истеъдоди, илоҳий ҳақиқатни англаш. Қулоқ орқали эшитилган Ҳақ сўзларини қалб етказувчи. Ҳақни эшитиш сифатига ишорадир (Низомиддин Қандаҳорий, «Қавоид ул-урафо ва адаб уш-шуаро»).

Ҳазрат Навоий «қаро кўзим» дея мурожаат қилаётган яқин киши сифатларни ҳам эгаллаган, қолаверса, туркий тилда «қаро» – улуғ, юксак маъносига келади. Шундай экан, бу шунчаки кўзи қора ёр эмас, балки Тангри сўзларини билишлик истеъдодига эга бўлган, улуғ, юксаклик мақомидаги сўфий тим-солидирки, Ҳазрат унинг доимо кўз ўнгига бўлишини, қалбдан ҳам яқинроқ жой олишини истайди. Кўз қаросида мардум киби ватан қилиш деганда «Ватан» сўзининг-да ирфоний маъносига юзланамиз: Ватан – солиқнинг ўз ҳоли ва мақоми билан таниладиган нуқта, хотир. Халққа яқинлик, ватан эса Ҳақнинг ҳузурда бўлмоқликдир. Рухлар оламида инсон осойиш топади ва у ҳақиқий ватан саналади. Дунёда башар руҳи ўзини ғариб санайди. У абадий ватандагина осойиш топади (Абулҳасан Хужвирий, «Кашф ул-маҳжуб»). Муаллиф кўз қаросида Ватан қилишлик ўзи осойиш топадиган ҳақиқий ватанга жойлашишдир. Ҳазрат ана шу Ватанга даъват этмоқда.

**Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.**

Кўнгул боғи (равза)ни юзининг гулига гулшан ясамоқ, кўнгул боғини келишлик билан обод қилиш, унинг келиши боғни гулшан – фаровон қилади, яшнатади. Юз – тасаввуфда илоҳий гўзаллик мазҳари (Н.Комилов). Гул – илоҳий лутфдан яқинда очилган фараҳ. Пайғамбарга яқин шахслар гулга қиёс қилинадилар. Орифнинг қалбидаги илм самараси, қалбнинг очилиши (Низомиддин Қандаҳорий, «Қавоид ул-урафо ва адабуш-шуаро»). Юз гули, яъни илоҳий гўзаллик мазҳари илм ёрдамида илоҳий фараҳдан баҳраманд бўлиб очилади. Демак, гулшан ободлиги юз гулининг очилиши билан кўнгул боғи фаровон топишидир.

Қад ниҳоли – ўсаётган ёш, тараққиёт сари юз бурган қалб. Қад, одатда, алифга қиёсланлади. «Алиф»нинг бир қанча ирфоний маъноларида тик, гўзал ва тўғри ривожланган қад маъносини олганда ҳам у жон гулшанини, яъни жон – олий неъмат, бирламчи борлиқ экани ва орифлар абадий тириклик топадиган маърифат тўла ҳаёт (Муҳаммад Аъло ибн Али Таҳонавий, «Кашшофи истилоҳот ул-улум ва-л-фунун»). Тараққиёт сари тўғри, тик ўсаётган қалб маърифий ҳаётга уланар экан, у чаманга, яъни абадийлик бўстони, илоҳий маърифат бўстонига айланади.

Ҳазрат Навоий талқинида комиллик сари қадам ташлашлик билан маърифат боғи обод бўлади, ундан нафақат ўз қалби, балки унинг суйган, унга меҳр қўйган қалб ҳам озик олади.

**Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.**

Таковар – тез юрадиган йўрға от (Н.Комилов), айрим манбаларда «ёввойи», ҳали қўлга ўрганмаган, лекин учқур от. У доимо талпиниб кетмоқлик, қочмоқлик истайди. Тасаввуфий маънода эса ҳали маърифатдан тўла баҳраманд бўлиб, унга тамоман берилмаган қалб. Шунинг учун ҳам бу қалб от каби учқурлик билан мақсаддан йироқлашиши мумкин, уни кўз ўнгига, яқинликда сақлаб туришликнинг йўли туёғига ҳино боғлаб (ҳино билан боғланган қўл тез ҳаракат қила олмаганидай, ҳиноли туёқ ҳам тез қочиб кетолмайди), унга боғланадиган ҳино эса бағир қони. Биринчидан, йироқ кетишлик – хижрон азоби бағирни қон қилади, иккинчидан, унинг кўз ўнгига маърифат ошиёнида кўпроқ бўлиши, комиллик сари юришига ирфоний ёрдам беради.

Ит – тасаввуфда нафс рамзи, буни Ҳазрат Навоийнинг ўзи бир ғазалида эслатади:

**Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ.**

Яъни, сенга пеш келган (қарши чиққан) шерни забун қилсанг, ўлдирсанг, бу шижоатдан эмас, агар нафс итини забун қилсанг, оламда сендек шижоатлиси йўқдир.

Нафсни енгмоқ ҳамма маъноларда ҳам маърифат ва эзгулик йўли, агар нафс итинг ғамзаланиб, у дахл қиладиган бўлса, менинг жонимдан ип (ришта) қилиб, уни бойлаб қўйишинг мумкин. Иккинчи ўринда, «ғамзада» сўзи «жон» билан қўшилиб, бирикма ҳосил қиларкан, ғамдан эзилган жон (қалб) маъносини ташийдик, бу юқоридаги мантиқни бузмайди, ансинча, уни янги маъно билан тўйинтиради.

Кўринадики, Ҳазрат ёрнинг кўзи қаролиги туфайли, уни кўз олдига, ўзига чорлаётгани йўқ. Ёр ҳам Ҳазратга яқинлашиш учун унинг каби маърифат гулшанидан баҳраманд бўлиши, қалбнинг таковарларча бебошлиқларига йўл қўймаслиги, нафс

итини (расан – тасма билан) жиповлаб юриши лозим бўлади.

Бундан ташқари, юқоридаги байтлардаги мазмун тано-сублиги (мос келиши, уйғунлиги) билан бир қаторда ранглар уйғунлиги ҳам бор: гул (кўпинча, қизил), хино (қизғиш тусда), бағир қони (қизил рангли).

**Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб, яна ул тоғда кўҳкан қилгил.**

Фироқ – ҳижрон, айрилиқ; тоғ – улкан тўсиқ. Ёрга яқинлашиш мақсадида тўсиққа учраб у ерда туфроқ бўлишлик ҳижрондаги ошиқнинг ташқи азоблари. Руҳоний дунёда эса, чарх – тақдир азалга мурожаат қилиб, илоҳий муҳаббат пойида туфроқ бўлган ошиқ хоки агар фироқ тоғида топилса, ўша туфроқдан хамир қорғину, яна уни Кўҳкан (тоғ қазувчи - Фарҳоднинг лақаби) каби садоқатли ошиқ қилиб яратгин. Чунки солик (ошиқ) илоҳий муҳаббатга элтувчи орифлик йўлида ҳар қандай жафога ҳам тайёр, мабодо, у туфроққа айланиб кетса-да, бу туфроқ лоақал хамир қилиб қорилишга (туфроқни хамир қилиб, ундан инсонларнинг яралишига ишора) яраши мумкин. Лекин, эй чарх, ўшандоқ менинг тупроғимдан яна башар яратилмоғи мумкин бўлса, Фарҳод каби ошиқ қилиб яратгин, дейди. Бунда ошиқнинг қатъий аҳди назарда тутилган.

**Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин аёғ чин ила шикан қилгил.**

Шоир Чархга мурожаатдан, яна Ёрга мурожаат қилишга қайтади: Агар кўнглим, қалбим юзинг висолига етишига изн берсанг, сочингни менинг бошимдан оёғимга қадар, чулғаб бошни «чин», яъни жингалак соч каби ва оёқни шикан (бурам-бурам) қилгин. Бундан ташқари ҳар бир аъзога эмас, балки бошдин-оёғ тугал жисми жингала сочларинг билан ўраб, уни азоб исканжасида қолдир. Аввалроқ «юзинг гули» дея тилга олинган тимсол, энди тараққийда «юзинг висолига» қадар етяпти. Юз – илоҳий гўзаллик мазҳари. Унга интилган ошиқни висолга чорляпти. Кўнгул висолга муштоқ, бунинг учун бош – ибодат сифати (иродат, яъни Ҳаққа тобе бўлишлик) Кўнгул илоҳий гўзаллик мазҳари васлига восил бўлиш (эришиш) учун бошдин оёқ жисмимни чулғаб, унга эриштириш сари йўллагил.

**Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монёъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил.**

Энди шоир боғбонга мурожаат қилиб дейдики, хазон сипоҳи (лашқари)ни йиғиб куз келмоқдаки, унга монёълик қилиб, уни тўхтатиб ёки кечга қолдириб бўлмайди. Бу боғ томига игнадин тиканзор қилиб қўйганинг билан фойдасиз, нафсиз. Ушбу фурсатнинг ўткинчи, вақтнинг эса бемонёъ ўз ҳукмини ўтказишига ишорадир. Бироқ боғбон ирфоний маънода қалбда маърифат меваси етиштирадиган ориф (Низомиддин Қандаҳорий, «Қавойид ул-урафо ва адаб уш-шуаро»), пир, устод маъносида ҳам келиши мумкин. Боғ эса қалб гулистони, бу боғда иймон, тавҳид, муҳаббат ва маърифат мевалари етишади (Шайх Рўзбехон Бақлий, «Шарҳи шатҳийят»). Боғбон эса, уларнинг етилиб самара беришига масъул. Шунинг учун бу боғдаги меваларни хазон лашқаридан асраш учун унинг томларига қадар игнадин тиканаклар қилиб, эҳтиёт қилгин.

**Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.**

Энди, рафиқ – дўстга мурожаат этиб айтадики, Ёрнинг юзида (чунки васл они яқинлашмоқда) терни (форсчада: хай) маъшук юзида тернинг пайдо бўлиши, у ошиқнинг ҳолини тушуниб, хижолат тортиши, қизариши, умумий маънода эса, ошиқни тан олиши демак. Маъшук томонидан тан олинган ошиқ тасаввуфий маънода илоҳиёт сари юз бурган солик, унга эришиш учун абадий висолга – охиратга элтувчи ўлимдир. Агар ошиқ ўлим – абадият сари қадами яқинлашган бўлса, уни гулоб билан ювиш керак, чунки гулоб – ошиқнинг ҳижронда тўккан қонли кўз

ёшлари. Ошиққа изтироб бегона эмаски, уни сўнгги сафарга кузатаётганда ўзининг кўз ёшлари билан ювгин (изтироб суви билан тозалагин) ва гул барги – жамол ва ўзга ишорадирки, унинг кафани ҳам ўзида. Чунки шоир ошиқлик йўлини танлаган солик. Гулоб, гул барги таносибда гулга ишора, юқоридаги ошиқ гулоб билан ювилиб, гул баргидан қилинган кафанда сўнгги манзилга борар экан, бу моддий унсурлар уни ёр хаёли билан боғлайди: Сўнгги йўлимда ҳам ёр хаёли менга ошно бўлсин (Э.Воҳидов).


**Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилгил.**

Муаллиф энди ўзига, ўз борлиғига, сўнгги йўлга кетаётган ўз жисми (жасади)га мурожаат қилиб, агар шу айтилганларни жамлаб жон аро бир анжумани шавқ – қувонч мажлиси тузсанг, ёр томонидан отилган бошоғлиқ ўқи, сўнгги зарбани берувчи ўқ – ўша анжуманни ёритувчи шамъ бўлсин. Чунки ўқлар ошиқ учун сурур келтирувчи, нур манбаидан отилган. Бу сўнгги ўқнинг шамъи анжуман бўлиши жоннинг шамнинг сўнгги нафаси каби ёниши, ёритиш даркор. Бу анжуманни жон аро (араб ёзувида «жим» ва «нун»нинг орасида «алиф» келса, «жон» сўзи ҳосил бўлади). Жонга «алиф»нинг жойланиши инсон руҳиятини илоҳий ишқ қоплаши, эгаллашига ишорадир.

Илк байтдаги қаро кўз (Ёр)нинг мардумлиқни фан қилиши билан сўнгги байтдаги жоннинг шавқи анжуман ҳосил қилиши инсон руҳининг абадият билан қовушишига ишора. Дастлаб, Ёрни ўз кўзига, унинг муҳаббатини қалбига жойламоқчи бўлди, бу йўлда уринди, васли номумкин Ёр сари талпинди, ниҳоят. Ошиқнинг ўзи Маъшуқи бағрига сингиб жамъ – анжуман бўлди.

Айни ғазалнинг «Ушшоқ» («Ошиқлар») куйида айтилиши ва кейинроқ «Катта ушшоқ» («Улуғ ошиқлар», яъни Ҳақ ошиқлари маъносида) дея ном олиши бежиз эмаски, оҳанг қатидаги наволар байтлар ички қатламидаги маънилар каби рангин ва эзгин. Оҳангнинг ўзи Ушшоқ йўли оғирлиғига ишорадир.

Ҳамид УБАЙДУЛЛОҲ





налар аллани, меҳнат қўшиқларини турли хил касбу кор эгалари, муҳаббат наволарини бахтиёру нолон ошиқлар, мадҳияларни бахшилар яратган, дейишади. «Ёр-ёр»ларни-чи? Бир учи бугун эзгу тилаклару дуолар олиб ота ҳовлисидан учирма бўлаётган қизнинг бошига оқ рўмол билан пайваста ёпиладиган бу шоҳи навонинг бошланғич учи Одам Ато ва Момо Ҳавво зурриётларининг

қай бирига насиб этган экан?..

Ота-она бағридан бирданига узилиб, суғурилиб кетиш осонми? Балки, ўзи туғилиб ўсган ҳовли-жойи ҳамда яқин қариндошлар хонадонидан бошқасини кўрмаган, итоатгўй қиз қалбини ё сатрларга солган, ё шоиртабиат ким биландир сирлашгандир:

**«Ёр-ёр» айтсанг мунда кел, айтишайлик, ёр-ёр,  
Оқ милтиқ, қора милтиқ отишайлик, ёр-ёр.  
Оқ милтиқ, қора милтиқ отган отам, ёр-ёр,  
Ўз қизини ёт қилиб сотган отам, ёр-ёр.**

Оҳ қиз бола-я, муҳаббати денгиз бола... Дунё келажаги билан боғлиқ энг улуғ, масъулиятли ташвишларга елкасини тутиб жонажон остонасидан хатлар чоғида ҳам ота-онасининг ҳурмати, ризосини ўйлайди.

**Ўз қизининг ўрнига бодом эксин, ёр-ёр,  
Бодом шохи қайрилса, болам десин, ёр-ёр.**

Балки «Ёр-ёр» оналарнинг ўз-ўзига, бир-бирларига таскинидир? Қизи – палахмон тошининг тушар жойи қандай экан? Гулдек қизи гулга қўшиляптими ёки... – ҳақиқий жавоби йиллар ўта маълум бўладиган бу саволлар қийноғи, қайроғини кўрган-кечирганларидан чиқарган хулосаси юмшатгандир, эҳтимол:

**Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, гул қайда бор, ёр-ёр,  
Бир яхшига бир ёмон ҳар қайда бор, ёр-ёр.**

Бу хазин, ўриш ва арқоғи соғинчу титроқ, армону интизорлик «ипак»ларидан бўлган «Ёр-ёр» чин ошиқ қалбидан кўчирма эмасмикин? Севмаса, висол қасри атрофида девонаю борлиғини заъфарон этган кўксидаги ўтга парвона бўлмаса, шундай дермиди:

**Дарё тўлқин, сувлар тошқин, ўтолмайман, ёр-ёр,  
Отим ориқ, манзилимга етолмайман, ёр-ёр.  
Отгинамни ориқ қилган шул майда тош, ёр-ёр,  
Рангинамни сариқ қилган шул қалам қош, ёр-ёр.  
Дарёларнинг ул юзида уйларингиз, ёр-ёр,  
Оқаришиб кўринади бўйларингиз, ёр-ёр.  
Ипмиди, ипакмиди кийганингиз, ёр-ёр,  
Биздан ҳам ортиқмиди суйганингиз, ёр-ёр.**

Ҳа, ошиқ айтган, дунёда суйганига етишган бахтлилар камми? Улар тўқисин-да шўху шодон, жарангдор, бахтиёр «Ёр-ёр»ларни:

**Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, гул кесгоним, ёр-ёр,  
Маҳаллада қуволашиб тенг ўсгоним, ёр-ёр.**

# Jon qizim, jonim qizim, omonda bo'l...



Бир-бирларини опичлаб-ортмоқлаб, бир кўрпа тагида сирлашиб катта бўлган, вақти келса бир-бирларига онадек меҳрибон, оқибатли, жонкуяр, жони жонига туташ опа-сингилларнинг бир-биридан ажралиши осонми? Айниқса, рўзгор иссиқ-совуғини тотиб кўрган опалар узатилаётган синглисининг тақдирини хотиржам ўйлармиди? «Ёр-ёр» уларнинг ҳазин ўйларидан туғилмаганмикин?..

**Шилдир-шилдир қамишга сирғам тушди, ёр-ёр,  
Синалмаган йигитга синглим тушди, ёр-ёр.  
Синглим учун қовурғам қайишади, ёр-ёр,  
Қўлимдаги қўш узук майишади, ёр-ёр.**

Лекин бувижонлар мисоли тўлиб оққан дарё. Ҳаёт китобини ўқийвериб, унинг измига мойилу қойил бўлиб қолганлар. Тўй маросимининг энг ҳаяжонли, юракларни титратадиган лаҳзалари – келинни куёвни кига кузатиш пайтида фақат моможонлар, бувижонлар, кайвонилар ҳар доимгидек мулоҳазали. Энг зарур гапни улар айтадилар:

**Қат-қатгина қатлама қатланибди, ёр-ёр,  
Қизни олиб янғаси отланибди, ёр-ёр.  
Қизни олиб янғаси шошмай турсин, ёр-ёр,  
Оқ сут берган онаси рози бўлсин, ёр-ёр.  
Жон қизим, жоним қизим, омонда бўл, ёр-ёр,  
Ота-онам қолди, деб хабарда бўл, ёр-ёр.**

Нега энди «Ёр-ёр»ни қизлар ёзмасин? Тўй даврасини қиздирган, ўша куни дугонасининг сочини майдалаб ўриб, ўсмасигача ихлос билан қўйиб қўйган, келиноининг атрофидаги юлдузлар каби юзи, кўзи, сўзи чақноқ қизлар ёзган деб ўйлайман мана бу сатрларни:

**Осмондаги юлдузни саккиз денглар, ёр-ёр,  
Саккиз қизнинг сардори шу қиз, денглар, ёр-ёр.  
Саккиз қизнинг сардори биз бўламиз, ёр-ёр,  
Саккиз боғда очилган гул бўламиз, ёр-ёр.**

Фикрим бир ёқлама бўлиб қоляпти-ёв! Аёллигимга бориб фақат аёллар, келин томонга гул сочяпман, шекилли. Келинликка осмондаги ойга монанд қиз излаганлар – куёв тарафнинг ҳам ўз «Ёр-ёр»лари бўлгандир ахир:

**Куёв тўра томини толдан ёпган, ёр-ёр,  
Бир чиройли барнони қайдан топган, ёр-ёр.**

**Шу чиройли барнога умр берсин, ёр-ёр,  
Пул харжлаган йигитга тўзим берсин, ёр-ёр.**

Эҳ-ҳе, «Ёр-ёр» шуълаларидан кўнгил кўзлари қамашиб, дуоғўларни... ахир ҳаёт занжирига янги ҳалқалар улашдек илоҳий, муқаддас қисмат йўли насиб этган келинчакка элнинг энг ҳурматли дуоғўлари икки қутлуғ остона ўртасида қилган дуолари, тилаклари эмасми?

**Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, ё Бисмиллоҳ, ёр-ёр,  
Ўнг қўлимда китобим – Каломуллоҳ, ёр-ёр.  
Тахта-тахта кўприкдек тахтинг бўлсин, ёр-ёр,  
Пайғамбарнинг қизидек бахтинг бўлсин, ёр-ёр.**

Кўнгилдан кечган бу фикрлардан хулоса қилиб, «Ёр-ёр»нинг ижодкори – аждодларимизнинг барча қатламига мансуб бўлган сўз заргарлари, ҳикмат соҳиблари, қалби уйғоқ одамлар десам, балки Сиз ҳам қўшиларсиз. Юқорида келтирилган сатрларни тўйларда тинглаганман, улар ўз-ўзидан хотирамга нақшлана бошлаганда ҳали мактаб ёшига ҳам етмагандим. Ўшанда биз опаларимизга эргшиб тўйга боришни яхши кўрардик, уларнинг дугоналари – келинни кўриш учун деразадан мўралардик. Яқин қариндошларникида ёки ўзимизникида никоҳ тўйи бўлса, биздан бахтли одам йўқ эди: токи келинни кузатиб ёки кутиб олмагунча ухламасдик. Каттаю кичик аёллар «Ёр-ёр»ни бошлашганда, биз ҳам қўшилиб кетардик. Шундан буён ярим асрдан ҳам кўп вақт ўтди. Бирорта сўзини ўзгартирмай ҳамон ўз-ўзимга бўлса-да хиргойи қиламан. Зеро, бу қўйма сатрларни ўзгартирмоққа, замонавийлаштирамиз, деган ҳаёлда узиб-юлиб енгил-елпилаштиришга, унутишга ҳақимиз йўқ. Дарвоқе, ўзимизнинг асл халқона «Ёр-ёр»лар никоҳ тўйларидек қадим ва мумтоз маросимнинг савту салобати эмасми?!

Мамлакатимизда барча қадриятлар қатори халқ оғзаки ижодининг турли йўналишларига оид меросларни тиклаш, уларни келажак авлодга асл сەҳру оҳори билан етказиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлардан кутилган самаралар сизу бизнинг маънавийтимиз, масъулиятимиз, амалимизга боғлиқ аслида.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими**

# Intizor bo'lgandik oppoq kunlarga



Миразиз АЪЗАМ

\*\*\*

Олмали боғларда,  
Тақир тоғларда  
Ўғлонлар сочини тўзғитар шамол.  
Етти иқлим қадар  
Таратар саслар –  
Сафларда ўғлонлар топгайлар камол.

Нурли кечаларда,  
Кенг кўчаларда  
Ўғлонлар чиниқиб чопмоққа мажбур.  
Машаққатли йўллар,  
Зўр оёқ-қўллар  
Эр йигит ўз юртин қўриқлар мағрур.

Гўзал уйқуларда  
Ётсин уйларда  
Оталар, оналар, опа-сингиллар.  
Мардларда йўқ ҳадик,  
Чопишар тетик!  
Ҳеч бир хавотирсиз югураб йиллар.

Улар қайтишади,  
Қайтишар тезда.  
«Бу ким, – деб қолмангиз, – бургутдай йигит?»  
Кенг елкали бўлиб,  
Қайтарлар кулиб –  
Зое кетмас ҳарбда берилган ўғит.

\*\*\*

Қиш кетди,  
Муҳлати  
Иззати битди,  
Баҳор кириб келди  
Сурури билан.  
Янгилашни билди  
Замонимизни,  
Илиғи,  
Иссиғи  
ҳам нури билан.  
Еллар унга қанот  
Бағишлаётир

Очилик бормоқда  
Тупроқ, коинот.  
Интизор бўлгандик  
Оппоқ кунларга.  
Жамики очилган  
Очилмоқчи бўлган  
Кўк, мовий, қип-қизил  
Оппоқ гулларга  
Қалбимизда мана  
Соғинчли салом,  
Соғинчли салом...

\*\*\*

Фикрларми, орзуларми, хотираларми –  
Нима эди бошимда у

безовта юрган.

Ё уларнинг майда-чуйда парчаларими,  
Марҳамати ё илоҳнинг менга буюрган!  
Руҳан тоза кучли эдим ҳамда бахтиёр  
Лекин тинчим ғойиб бўлди ўзидан ўзи  
Ич-ичимни тилаётган алланима бор.  
Кийикними тулкиними кутган овчидай  
Бир керакли сўзни пойлаб ётарман тунда.  
Сатр келиб қочар зумда тутқич бермасдан  
Аммо овни такрорлаш кўп ҳали олдинда.  
Яна соғлик ва хавотир ҳамда ҳорғинлик  
Бозор куним,  
Байрамим ҳам ўтар шу тахлит.  
Кел, эй қани илоҳий сўз,  
санчил қалбимга!  
Ҳақиқатнинг суврати-ла хаёлни ёрит  
Қолган бўлса халқда жиндай ғуборни арит.

\*\*\*

Оғочлар бошлади олтинланишни,  
Ана, бошланмоқда япроқ тўқими.  
Еллар якунлайди бошланган ишни,  
Кўнгиллар эслайди ёзни ўқиниб.

Табий, бу ўкинч, симфоник ҳусн  
Асло норозилик белгиси эмас.  
Бу оддий хаёлдир узундан узун  
Ўтган йилларингда олинган нафас.

Салом, олтинланган баланд оғочлар!  
Салом сенга, эвоҳ, қутлуғ қарилик!  
Салом, бошим узра кумушли сочлар!  
Хуш келдинг, қарилик, яъни парилик!

\*\*\*

Хушбўй сувлар узра эсар тотли ҳаво,  
Ёқимли шабада сийнага роҳат.  
Яшилликлар кўзга равшанлик берар  
Ва қуяр кўнгилга ажиб латофат.



## Dutorim tori ikkidur...

Дутор ўзбек халқининг сеvimли ҳам ардоқли созларидан биридир. Халқимиз ундан таралган дилбар ва нафис оҳанглар орқали ўз кечинмаларини ифода этган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғулом Қўчқоров ўзининг «Дутор наволари» деб номланган китобида «Дутор овозидаги жило, мулоимлик, осойишталик, керак бўлган жойда ўйноқлик ва мунглилик уни уйимиз тўридан жой олишига замин яратгандир», дея таъриф берган. Бу соз ҳақида сўз борар экан, шу ўринда ўзбек мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган, созгарлик мактабида устоз бўлган Уста Усмон Зуфаровнинг хизматларини айтиб ўтиш жоиз. У кишининг яратган мусиқа асбоблари музейларда, санъатсевар халқимиз хонадонларида, моҳир дуторчилар қўлида муносиб ўрин эгаллаган.

Албатта, устоз санъаткорларимизни халқимиз эъзозлаб эслайди. Бинобарин, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов, Ориф Қосимов, Зоҳиджон Обидов каби буюк созандалар нафақат юртимиз, балки чет эл саҳналарида ҳам ўзбек мусиқа санъатини намойиш қилиб, жуда кўп маротаба томошабинлар олқишига сазовор бўлганлар. Турғун Алиматовнинг дутордаги «Роҳат», «Эшвой», «Тановар» каби куйларини халқимиз ҳамон севиб тинглайди.

Неъматжон Қулабдуллаев истеъдодли созанда бўлиш билан бир қаторда, кўплаб гўзал куй ва кўшиқлар яратди. Куйларини дутор созида чалди, кўшиқларини дутор жўрлигида куйлади, шогирдларига ўргатди. Унинг «Индамади», «Ёр экансиз ўйла-сам», «Тошкентим», «Ўзбекистоним» каби машҳур кўшиқларини халқимиз ҳамон севиб тинглайди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида экспериментал лаборатория ташкил этилгач, бошқа миллий созларимиз қаторида дутор сози ҳам муваффақият билан такомиллаштирилди. Жаҳон мумтоз бастакорларининг турли мураккаб жанр ва шаклларда ёзилган асарларини нота матни ёрдамида ўрганиб, ижро этиш мактаби шаклланди. Бу эса ўз ўрнида дутор-бас созида ижод қиладиган созанда ва талабалар учун жуда муҳим ҳамда фойдали манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Дутор-контрабас сози эса ўзбек халқ чолғулари оркестри таркибида ўз ўрнини топди.

Ўзбек халқ чолғулари ёш ижрочиларининг республика танловларида дуторчи созандалар ҳам муваффақиятли қатнашадилар. Жумладан, дастлаб Боқижон Раҳимжонов ушбу кўрик-танлов лауреати унвонига сазовор бўлди. Рўзиби Хўжаева, Фарҳод Расулов, Султон Қосимов, Улуғбек Юнусов, Турсунбой Парпиев, Фозилжон Саидов, Зулхорбек Туропов ва бошқалар ҳозирги кунда ўзбек мусиқа санъатининг ривожига йўлида фаолият кўрсатмоқдалар.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваторияси халқ чолғуларида ижрочилик ҳамда анъанавий ижрочилик кафедраларида ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти чолғу ижрочилиги кафедрасида дутор синфи йўналиши бўйича ёш созанда талабаларга дарс бериш яхши йўлга қўйилган. Анъаналар давом этиб, дутор созининг янги имкониятлари ёш мутахассислар томонидан очилиб, такомиллашиб бораверади.

Қаҳрамон НАЗИРОВ,  
Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори



# Urushning ayoldan yiroq diydoni

Светлана АЛЕКСИЕВИЧ,  
Халқаро Нобель мукофоти лауреати

(Романдан парча)

Урушда кичик сержант, зенитчи бўлиб жанг қилган москвалик Мария Сергеевна Колесникдан мактуб келди:

«Мен Вильнюс шаҳрининг қай тарзда ёнганини кўрганман... Бутун шаҳар, ҳатто тошлар ёниб қулга айланарди. Бир костел (поляк миллатига мансуб католиклар черкови – таъкидлар таржимонники)нинг қизил тоши қандай ёниб битгани кўз ўнгимдан кетмайди. Дастлабки уч кунда даҳшатли кўрқув ҳукм сургани, тўрт тарафда мурдалару ярадорлар қалашиб ётгани, мен эса ҳомиладор ҳолимда судралиб юрганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Йўлда боряпману, онамнинг агар чиройли бола туғишни истаган, фақат чиройли манзараларга кўз ташла, қувноқ кўшиқларни тингла, деган ўғитларини хотирлайман. Ҳаллослаб югурар эканман, йўл-йўлакай фақат ёнгини, фақат ҳалок бўлганларни, фақат қонни кўрардим, холос. «Бу даҳшатнинг ичида қандай фарзанд туғар эканман?» деган фикр кўрқитарди...

Ўғилчам кўп яшамади. Мен шу заҳотиёқ ҳаракатдаги армияга юборишларини ўтдим...

Сакилик Ксения Сергеевна Осадчеванинг оддий дафтарни тўла эгаллаган каттақон мактубидан икки саҳифани ўқиб кўринг:

«...Қирқ биринчи йилнинг тўққизинчи июнида ўн саккиз ёшга тўлдим, орадан икки ҳафта ҳам ўтмай лаънати уруш бошланиб кетди. Мактаб партасидан тўғри Гагра-Сухуми темирйўли қурилишига йўл олдик. У ерда қандай нонни еганимиз эсимда қолган. Уни типратиконга ўхшатса бўларди. Ғалла қилтаног, чориси ва тўппонига озгина ун аралаштирилиб, асалари мумкатаги каби ёпишиши учун сув билан тўлдирилларди. Бундай нон ликобчага қўйилса, суви оқиб кўлмакча ҳосил бўлар, биз уни тилимиз билан ялаб кўярдик.

Қирқ иккинчи йилда кўнгилли бўлиб уч минг икки юз биринчи сонли эвакуация-саралаш госпиталига ишга бордим. Бу Кавказ-орти ва Шимолий Кавказ фронтлари ҳамда алоҳида Приморье (Денгизолди) армияси таркибидаги жуда катта госпитал эди.

Шафқатсиз жанглар бораётгани учун ярадорлар ҳам ниҳоятда кўп эди. Мени таом тарқатувчи вазифасига тайинлашди. Тонг ёришиши билан нонушта ҳозирланарди. Кўз очиб юмгунча кечки овқат вақти ҳам етиб келади. Бир неча ойдан сўнг чап оёғимдан яраландим, ўнг оёғим билан сакраб юриб ишладим. Кейин хўжалик бекаси лавозимини беришди. Бу ҳам кеча-кундуз бир жойда қоққан қоқиқдек туриш талаб қилинадиган вазифа эди...

Қирқ учинчи йилнинг ўттизинчи майида, кундузги роппа-роса соат бирда Краснодар шаҳри ҳаводан аёвсиз бомбардимон қилинди. Мен ўзимиз ишлаётган бинодан чиқиб, темирйўл вокзалидан ярадорларни жўнатишга улгуришгани ё йўқлигини аниқлашга уриндим. Шу дақиқа ўқ-дорилар сақланаётган иморатга иккита бомба келиб тушса, денг. Менинг кўз ўнгимда ўқ-дорили қутилар олти қаватли бино баландлигига кўтарилиб, портлай бошлади. Портлашлар тўлқини мени чирпирак қилиб, ғиштин деворга урди. Ҳушимни йўқотдим...

Ўзимга келиб, кўзимни очганимда кечки соат олти бўлган экан. Бошим, кўлларимни қимирлатиб кўрдим, қимирлаётти, чап кўзимни аранг очиб, қонга беланган ҳолда бўлимимизга йўл олдим. Йўлакда пешвоз чиққан катта ҳамшира таний олмай «Кимсиз?» «Қаердан келяпсиз?» деб саволга тутди. Яқин келгач, койиди: «Шу пайтгача қаерларда юрибсан, Ксения? Ярадорлар оч, сен эса йўқсан». Тезда бошимни ва чап кўлимнинг тирсакдан юқори қисмини боғлашди ва мен кечки овқатни қабул қилиб олишга чоғландим. Кўзимнинг олди қоронғилашар, тер сувдай қуйиларди. Кечки овқатни тақсимлаётганимда ҳолдан тойиб йиқилдим. Ҳушимга келтиришганда «Тезроқ!.. Бўлақолсанг-чи!..» деган хитобларнигина эшитардим. Ўзимга келибко ишга киришиб кетавардим. Оғир ярадорларга қон ҳам бердим.

Йигирма ой мобайнида ҳеч ким мен билан ўрин алмашмади, фақат бир ўзим ишлашимга тўғри келди. Тиззамгача шишиб кетган чап оёғим дока билан ўралган, операция қилинган кўлим

Бадий-ҳужжатли проза устаси, киносценарийчи, таниқли журналист Светлана Александровна Алексиевич 1948 йилнинг 31 майида Иваново-Франковск (аввалги Станислав) шаҳрида туғилган. Ёзувчи рус тилида ижод қилади. Бўлғуси ижодкор 1965 йили Гомель вилоятининг Петриковский туманида ўрта мактабни, 1972 йилда университетнинг журналистика факультетини тугатади. Гомель ва Брест вилоятларидаги туман газеталарида, «Сельская жизнь» газетасида ишлайди. У саккиз юзга яқин урушда қатнашган аёлларнинг хотираларини ёзиб олади. Шу асосда ёзган ҳикоялари даврий нашрларда чоп этилади. 1984 йилда ўша хотиралар «Аёлнинг урушдан йироқ дийдори» номи билан журналларда босилади. Асар 1988 йилда ёзувчининг уруш мавзусидаги навбатдаги қиссаси «Сўнгги шоҳидлар» (жанггоҳларни кўрган болаларнинг ҳикоялари, 1985 йилда ёзилган) номи билан бирга босилиб чиқади. 1989 йилда ёзувчининг «Темир тобутдаги болалар» (афғон уруши қурбонларининг оналари тилидан ёзилган), 1994 йилда «Ўлимга маҳлиё бўлганлар», 1997 йилда «Чернобыль ояти» (атом электр станциясидаги ҳалокат асоратлари тўғрисида) ва 2013 йилда умумбашарий муаммоларни кўтарган «Вақт секунд-хэнд» қиссалари чоп этилади. Светлана Алексиевич 3 та пьеса ва 20 дан ортиқ ҳужжатли фильмларнинг муаллифидир.

2015 йилда «Урушнинг аёлдан йироқ дийдори» номли бадий-ҳужжатли асарига «изтироб ва жасоратнинг кўп овозга эга сийратини акс эттиргани учун» адабиёт йўналишида Нобель мукофоти лауреати бўлди. Ушбу романдан парчани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Янгибой Кўчқоров таржимасида журналхонлар эътиборига ҳавола этдик. Зеро, урушларнинг тарихда қолгани чин бўлсин.



хам, шикастланган бошим ҳам дока билан боғланган. Мактабда ўқиб юрганимда меҳнат ва мудофаага тайёргарлик нормаларини бажарган эдим. Аммо ер юзида йигирма ой кечаю кундуз шу ҳолатда тиним билмай маррага чоғлан спортчи бўлганмикан? Мен эса шунча вақт барчасига дош бердим.

...Ҳозир бизда ҳаммаси қайта тикланган, ҳамма тараф гуларга бурканган, ораста, мен эса ҳамон оғриқдан ўзимга келолмайман, ҳали ҳам юзим бутунлай аёлга ўхшамайди. Кулиш ўрнига бетиним оқ ураман. Уруш мени шу қадар ўзгартириб ташладики, уйга қайтганимда онам умуман танигани йўқ. Онам истиқомат қилаётган уйга ишора қилишгач, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан жавоб беришди:

– Ким у?

Мен кириб борганимдан сўнг, илтимос қилдим:

– Бир кеча тунасам бўладими?

Онам печкага ўтин қалар, иккита укам эса полда, сомон устида яланғоч ўтиришар, устларида ҳеч вақо йўқ эди. Онам мени танимагани учун шундай жавоб берди:

– Бошқа хонадонга бора қолинг.

Мен яна ялина бошлайман. Онам бечора дейди:

– Аҳволимизни кўрмаясизми? Шундоқ ҳам қанча аскар тунаб кетди. Қоронғи тушмасдан бошқа бирор жойга бора қолинг.

Онамга яқин бораман, у эса яна ўша жумлани такрорлайди:

– Бошқа бирор уйга боринг, дедим-ку, сал ўтмай қоронғи тушади, ахир.

Мен эгиламан, онамни қаттиқ бағримга босаман ва:

– Ойи, ойижоним! – деб юм-юм йиғлайман.

Охири мени танигач, ўзини устимга отади, бағрига босади, уввос тортиб йиғлайди...

Мен жуда оғир йўллари босиб ўтганман. Шу кунгача менинг бошимдан ўтган воқеалар билан солиштириш мумкин бўлган бирор китоб, бирор кинофильм яратилмаган бўлса керак».

Уларни, яъни у пайтлари атиги ўн етти-ўн саккиз ёшларда бўлган қизларни тушуниш учун уларнинг бундан олдинги ҳаётида нималар юз берганига бир назар солиш керак бўлади. Ваҳоланки, бундан аввал уларнинг болалик чоғлари, мактабда таълим олган ўқувчилик даври ота-оналарининг таъсири ҳам аҳамиятга эга эди.

Гвардия кичик сержанти, радиотелеграф боғламаси алоқачиси бўлган Софья Ивановна Шеревера:

«Мен болалар уйда тарбия топганман. Ўшанда еттинчи синфни тугатиб, битириш кечасига тайёргарлик кўраётган эдик. Ногоҳ директоримиз Василий Никифорович Зимонец (биз у билан ҳозир ҳам хат ёзишиб тураемиз, у мактубларида менга «қизим» деб мурожаат қилади) бизларни тўплаб, «Болалар, уруш бошланибди!» деди.

Биз эвакуация қилинишимизни кутаётган эдик. Болалар уйимиз Винница шаҳри яқинида жойлашган эди. Лекин эвакуация ҳақидаги буйруқ етиб келавермаганидан сўнг Василий Никифорович «Болаларим, мамлакат ичкарасига қўлимиздан келганга ўзимиз бир амаллаб етиб олишга ҳаракат қиламиз!» деди. У бизни темирйўл шоҳбекатида бошлар экан, «Катта ёшдаги болалар кичикларни етаклаб олсин!» деб тайинлади. «Кўтаришга қурбингиз етадиган нарсаларингизни оларсизлар!», деб қўшиб қўйди. Оладиган нимамиз ҳам бор эди, дейсиз? Бир бурда нондан бўлак... Узок пиёда юрганимиздан сўнг поездга чиқдик. Поезд далада тўхтаб қолган кезларда машоқ териби, кичкина болаларга берардик, ўзимиз ҳам ердик.

Шу тариқа Пенза шаҳрига етиб келдик. У ердан бизни Бузулука (Оренбург вилоятидаги шаҳар) жўнатишди. Ниҳоят, биз Бузулукадагина бошимиз устида бомбалар портламаётганини ҳис қилдик. Аввал черковга жойлашдик, сўнгра алоҳида уй ҳам беришди. Директор яна бизни тўлаб: «Болалар, сизлар, албатта, таълим олишни хоҳлайсизлар, аммо ҳозир Ватан кўпроқ бизнинг ёрдамимизга муҳтож. Кимдир заводга, кимдир хунармандчилик билим юртига бормаса бўлмайди, кичик ёшдагилар эса паноҳимиз остида ўсади» деди. Мен хунармандчилик билим юртини танладим. Кундузи касб таълимини эгаллаб, кечаси заводда ишлардик. Ўшанда ҳали ўн олти ёшга ҳам тўлмагандим. У ерда мендан кичик ёшдагилар ҳам бор эди. Дастгоҳлар катта бўлгани боис уларда ишлаганимизда оёғимизнинг остига тўнкаларни қўйиб олардик. Милтиқларнинг найзаларини ясаш учун аввал пардозлаш дастгоҳларида силлиқлардик. Ҳамма нарса Ғалаба учун эди».

Нева заставаси томонларда бир қизча яшарди. Шу ерда туғилди, шу ердаги мактабда ўқиди. Дугоналари билан рақс кечаларига борар, ҳашарларда қатнашарди. Кейин машхур заводда фрезерчи бўлиб ишлади.

Қирқ биринчи йилда ҳарбий қисмлар завод ёнидан ўтаётганида қизалоқ улардан «Амакилар, мени ҳам фронтга олиб кетмай-сизларми» деб илтимос қилган эди.

Надежда Васильевна Анисимова хотирлайди:

«Мени аяганлари учун фронтнинг олдинги марраларига юборишмади. Бироқ мен барибир пулемёт ротасида санитария йўриқчиси бўлдим. Улимдан ҳайиқмасдим. Ёшлик шижоати бўлгани боисми, билмадим. Бир гал кечаси бизнинг полк эгаллаган ҳудудда пистирма жангини бутун бошли рота олиб борди. Тонга яқин улар чекинганида бетараф майдон томондан ярадорнинг инграётгани эшитилди. «Яқинлаша кўрма, отиб ташлайдилар, – дейишди менга жангчилар, – Кўрмаясанми, кун ёришиб келяпти».

Албатта, уларнинг гапига қулоқ солмасдан олдинга эмаклай кетдим. Ярадорни топиб, уни қайиш билан қўлимга боғлаб, саккиз соат мобайнида судрадим. Тирик олиб келишга мушарраф бўлдим. Командир бундан хабар топиб, дарғазаб бўлгач, қилган ўзбошимчалигим учун беш кунлик ҳибсга ҳўкм қилди. Полк командирининг ўринбосари эса «Мукофотга лойиқ иш қилибди» депти. Мен уларнинг иккаласини ҳам тушундим...

Ўн тўққизга кирганимда «Жасорат учун» медали билан тақдирландим. Ўн тўққизга тўлганимда сочларим қордек оқариб кетди. Ўн тўққиз ёшимда иштирок этган сўнги жангимда бир ўк иккала ўпкамни тешди, иккинчиси умуртқам орасидан ўтиб кетди. Оёғим шол бўлгач, ҳатто бежонга чиқариб қўйишди... Уйга қайтиб келганимда, синглим менинг жангда ҳалок бўлганим ҳақидаги қорaxатни кўрсатди!..»

Катта сержант, разведкачи Альбина Александровна Гантимурова ҳикоя қилади:

«Онам эсимда қолмаган, юз ифодаси элас-элас ёдимга тушиб туради. Онам вафот этганларида атиги уч ёшда бўлган эканман. Ҳарбий соҳани танлаган отам Узок Шарқда хизмат қиларди. Мени отда сайр қилишга ўргатган эди. Бу болалигимда оид энг кучли таассурот эди. Отам менинг танноз ипакойим бўлиб улғайишимни асло хоҳламас эди. Беш ёшимдан ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрида холам билан яшаганимни яхши эслаяман. У рус-япон урушида раҳм-шафқат ҳамшираси бўлган.

Болалигимда роса ўйинқароқ, ерга урса кўкка сапчийдиган қизалоқ бўлган эканман. Баҳслашиб, мактабнинг иккинчи қава-



тидан сакрадим. Футболни яхши кўрган учун ўғил болалар жамоасига дарвозабонлик қилдим. Фин уруши бошланганда бир неча марта урушга қочиб кетдим. Қирқ биринчи йилда еттинчи синфни тугатиб, техникумга ҳужжат топширгандим. Холам «Уруш бошланибди!» деб йиғласа, мен мана энди фронтга бориб, ўзимни кўрсатаман, деб қувонибман. Қон нималигини мен қаердан ҳам билибман?

Кўнгилли халқ лашкарларидан иборат биринчи гвардия дивизияси ташкил этилганида бизлар, яъни бир неча қизни тиббиёт санитария батальонида олишди.

Холамга телефон қилдим:

– Фронтга кетаяман.

(Давоми 27-28-29-бетларда)

# Fasli navbahor o'ldi, ketibon zimistonlar...

*Ҳар сафар Наврӯзи олам шодиёналари, баҳор байрамлари тантаналарига ҳамоҳанг тарзда янграйдиган бу машҳур ғазал асосида яратилган қўшиқни тинглаганимда, устоз санъаткор, эл суйган ҳофиз Таваккал Қодировнинг бетақрор санъати қаршисида бош эгаман. Уни тинглаганим сайин, мукаммал мусиқий оҳанг, қудратли сўз сеҳри ва бетақрор ижро уйғунлигидаги талқин қалбимни ўзига ром этаверади. Куй, қўшиқ олам бағрига сингиб ажиб бир бутунлик, ҳаёт давомийлиги ва ҳақиқий санъат абадийлигини тараннум этаётганга ўхшайди, гўё.*

*Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров ҳаёт бўлганида ҳозир 90 ёшни қаршилаган бўларди. Мамлакатимизда унинг қўшиқларини севиб эшитмайдиган инсон бўлмаса керак. Бугунги кунда ҳам устоз ҳофиз қўшиқлари халқимиз ёдида, ардоғида.*

Камина ажиб бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Андижонда бир тўйнинг наҳор ошида устоз қўлларига торни олиб қўшиқ бошладилар.

**Эй тан, бас айла ғамли қиш ўтса баҳор бўлур,  
Сахро юзи бинафша билан лозазор бўлур.**

**Булбул чаманда нола қилур бесабаб эмас,  
Гул очилганча қанча тиконга дучор бўлур...**

Ногаҳон ҳовлига соя солиб турган олма дарахти шоҳида бир булбул пайдо бўлди ва қўшиққа жўр бўлиб сайрай бошлади. Устоз қўшиқнинг авжига чиққанида булбул тор дастасининг юқорисига келиб қўнди ва қўшиққа маҳлиё бўлиб, сайрамасдан бир неча дақиқа турди-да, сўнгра қойил қолгандай бир сайраб учиб кетди. Бу воқеани кўрган одамлар ҳайратдан ёқа ушладилар.

Таваккал Қодиров деганда, бутун умрини халқ хизматида бағишлаган, миллионлаб қўшиқ шинавандаларининг қалбларига қувонч олиб кирган, тақрорланмас овоз соҳиби, камтар инсон кўз олдимизга келади. Улуғ санъаткор 1926 йил 10 июнда Қува туманининг Султанонобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Ҳофизнинг онаси Тўтибу ая саккиз фарзанд кўриб, биронта-

си ҳам турмаганлиги сабаб, тўққизинчи фарзандини удумга кўра ё ерники, ё меники бўлар деган умидда, исмини Таваккал деб қўйди.

Таваккал Қодиров ўтган асрнинг 50-йилларида янги овоз, янги соз билан санъат оламига шаҳдам қаддам билан кириб келди.

Унинг тимсолида санъатсевар халқимиз яна бир булбулзабон ҳофизни кашф этган эди. Ҳофизнинг қалбидан чиққан қўшиқлардан қанча-қанча маҳзун кўнгиллар баҳра олганди. Вақтлар ўтиб у бизни ташлаб кетди...

**Бизни ташлаб қайга кетди, ул қаро  
қошим менинг,  
Термулиб йўлида кўздан оқадур  
ёшим менинг.**

**Чорасиз қолдим нетай, ҳижрон ўтига ўртаниб,  
Тўлди ҳасрат бирла куйган бу тану  
жоним менинг.**

Бугун бу қўшиқ, гуёки ҳофизнинг вафотидан сўнгра куйланиши керак бўлган айтимдай туюлмоқда. Гуёки ҳофиз:

**Фасли навбахор ўлди, кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.**

**Қумрилар қилиб кук-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,  
Сарви гул уза доим тортар оҳу афгонлар...**

деб куйлаб, баҳорнинг ғаниматлигидан воқиф этиб, барчани Наврўзи оламга чорлаганда, унинг мусаффо, тиниқ овозини қўмсаб, ҳофизга жўровоз бўлган булбулнинг хонишидай туюлмоқда. Анъанавий қўшиқчилигимизни бир дарё деб фараз қилсак, ҳофиз Таваккал Қодиров ўз услуби, овози билан бу дарёнинг катта ирмоғи бўла олди. Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов сингари улуғ ҳофизлар яратиб кетган мактабнинг давомчиси сифатида ўзига хос услуб яратди. Ҳофизлик санъатида «Таваккал Қодиров йўли» деган эътирофга сазовор бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров Фарғона давлат университетида профессор даражасини олди.

Ҳофиз ижоди давомида юзлаб қўшиқлар ижро этди. Қатор халқ ашула ва яллаларини алоҳида услуб билан куйлаб, уларга иккинчи умр бағишлади. Таваккал Қодиров ижросидаги «Бизни ташлаб», «Шунчамиди», «Ўхшайди-ку», «Кеча ойдин», «Тошкент ироқи», «Сувора», «Найларам», «Қўқон ушшоғи», «Насруллоҳи», «Феруз», «Сайёра», «Фарғона тонг отгунча», «Танавор», «Фасли навбахор ўлди», «Доғман», «Жамолларингдан», «Ўргилай», «Сарвиноз», «Ўзбекистоним» ва «Жоним, Фарғона» сингари қўшиқлар ҳамон қалбларимизни ларзага солиб келмоқда.

Таваккал Қодиров узоқ йиллар Фарғона вилояти ўзбек мусиқали драма театрида меҳнат қилди. 1978 йилда Фарғона филармониясини ташкил этиб, ўзи бир неча йил раҳбар бўлиб ишлади. Унинг ижодини ёритувчи қатор телефильмлар, видеофильмлар, грампластинка ёзувлари, республика радиосида элликдан ортиқ қўшиқлари ёзиб олинди. Ҳаётлигида «Таваккал Қодиров» номли бадиий-публицистик қисса ёзилди. Вафотидан кейин «Ўзбекистон булбули», «Фасли навбахор ўлди» сингари китоблар дунёга келди. Фарғоналик ижодкор Омонжон Ҳошимов устознинг хотирасига бағишлаб, «Бизни ташлаб...» номли рисола ёзди.

Таваккал Қодиров ижро этган қўшиқлар ўз сеҳри ва жозибаси билан ажралиб турарди. Назаримда, унинг ҳар бир қўшиғи фақат устознинг ўзи учун яратилгандек эди. Бир қўшиқни ҳар куни беш-олти маротаба эшитсак ҳам, ҳар бир ижро ўзгача бир жило билан намоён бўларди. Айниқса, «Ўхшайди-ку» қўшиғи жуда машҳур бўлганида, базмлар шу қўшиқ билан бошланиб, шу қўшиқ билан якунланар, концертларда қайта-қайта ижро этиларди. Таваккал Қодиров қўшиқларини шинавандалар интизорлик билан кутишар, унинг бетакрор оҳанглари билан олам-олам завқ олишарди. Санъаткорнинг халққа бунчалар яқинлиги боиси, назаримда,

ҳофиз ижодида икки воҳа Фарғона ва Хоразм йўли қўшиқчилик мактабининг уйғунлашгани, қолаверса, устозлари Жўраҳон Султонов ва Комилжон Отаниёзовлар ижодидан самарали фойдаланганлигида эди. Шахсан ўзим иккала буюк ҳофизнинг сеvimли шогирдига «Феруз» ҳамда «Қўқон ушшоғи»ни айттириб, завқланиб ўтирганларининг гувоҳи бўлганман.



Ҳа, Таваккал Қодиров ўзи туғилган диёрни, унинг дилкаш, меҳнаткаш одамларини жуда севар ва уларни доимо ардоқлар эди. Куйлашни умрининг саодати деб биларди. Умрининг сўнгги ойларида устоз шундай деган эди:

– Андижондан шифокорлар келишди. Бироз дармонга кирсам, кўзимни даволашар экан. Кейин Тошкентга бориб, радио ва телевидениега янги қўшиқлар ёздирамиз. Сўнгра бир давра қиламиз, барча кадрдонларни таклиф қиламиз...

Афсус... Янги қўшиқлар ёзиб олинмай қолиб кетди. 1996 йилнинг 13 апрель куни устоз омонатини топширди.

Устознинг вафотига 20 йил бўлган эса-да, қўшиқлари республикамиз, вилоятимиз байрамларида, телевидение ва радиода янграб турибди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг қарори билан ҳар икки йилда Таваккал Қодиров номидаги республика кўрик-танлови ўтказилиши кўзда тутилган. 2015 йил 15 майда Тошкент шаҳрида биринчи кўрик-танлов ўтказилди. Устознинг хотирасига бағишланган кўрсатувлар, хотира концертлари намойиш этилмоқда. Таваккал Қодиров бугун ҳам бетакрор оташ нафаси, сержило қўшиқлари билан халқимизга хизмат қилишда давом этмоқда. Санъаткор учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Таваккал Қодиров умр бўйи Ватан мадҳини, халқимиз орзу-умидларини куйлаб ўтди. Умр бўйи ҳалол хизмат қилди. Инсон бахти сўнгги манзилга йўл олган пайтда дўстлари ва яқинлари қўлидан сепилган бир ҳовуч Ватан тупроғидан баҳраманд бўлишди. У ана шундай улуғ бахтга муяссар бўлди. Бугун устоз санъаткор орамизда бўлмаса-да, унинг уйғоқ руҳи ҳамisha биз билан. Демак, у санъати тимсолида яшамоқда. Устознинг иккинчи умри фарзандлари, шогирдлари, дўстлари, айниқса, сержило қўшиқлари тимсолида давом этмоқда.

**Султонали МАННОПОВ,  
Ўзбекистон халқ артисти**

# Yangi gaplar sotaman



**Anvar OBIDJON,**  
O'zbekiston xalq shoiri

## Xabar sotuvchi

Yangi gaplar sotaman,  
Eski gaplar ham.  
Bolajonlar, keppoling,  
Qoldi juda kam.  
Surishtirmang narxini,  
Arzondan arzon.  
Xo'rozqandga – rost xabar,  
Pishloqqa – yolg'on.  
Almashaman yangisin  
Kepaksiz unga.  
Eski gapni – puch yong'oq  
Yoki sovunga...  
Bugun tongda eshitdim  
Eng yangi xabar:  
Yeb qo'yganmish tushida  
Burgutni kaptar.  
Quyvon yo'lbars po'stinin  
Yopinib yurib,  
Hushdan ketdi, ko'zguda  
O'z aksin ko'rib.  
O'tgan kuni Tulkivoy  
Opkelib xo'roz,  
Hiringladi bo'riga  
Taltayib bir oz.  
Bo'ri esa xush ko'rmas  
Hazil, kulkini.  
Avval yedi Xo'rozni,  
So'ngra Tulkini.  
«Savodsiz», deb ayiqni  
Qilganmish ermak —  
Uch yil bitta sinfda

O'qigan eshak.  
Kecha Arslon do'xtirga  
Arz qildi tuya,  
Qimmatbaho terimga  
Tushdi deb kuya.  
Do'xtir uning arziga  
Soldi-yu quloq,  
Shilib olib terini,  
Tekshirdi uzoq.  
Bugun tog'da uchratdim  
Ochko'z to'ng'izni.  
Yamlaganmish u birdan  
Besh ming qo'ng'izni.  
Kirpi borib bozorga,  
Olганmish igna...  
Qiziqsangiz, yangi gap  
– Topilar yana.  
Bolajonlar, keppoling,  
Xilma-xil xabar!  
Uni sotib olganlar  
Ko'rmaydi zarar.

## Masxaraboz bola

Katta qizil burunli  
Qiziqchiman, bilasiz.  
Aybingizni gapirsam,  
Xafa bo'lmay kulasiz,  
Vax-xax-xa!  
Gapirishdan qo'rqqanlar  
Olsin mening o'rnimni.  
Qarzga berib turaman  
Katta qizil burnimni,  
Vax-xax-xa!

## Husanning po'pisalari

Agar meni ursang, Hasan,  
Yuragimda o'ch yig'aman.  
Sezdirmay saryog'ingni yeb,  
Mushtlashgani kuch yig'aman.  
Anqayibroq turganingda,  
Sutchoyingni ichvormayin.  
Bitta saqich qarz beruvding,

Shu qarzimdan kechvormayin.  
Katta-katta qandni tanlab,  
Ko'nglingni sal g'ashlab qo'ymay.  
O'zimnikin yeb, sening ham –  
– Somsangni shart tishlab qo'ymay.  
Ko'chadayam kun bermayman,  
Pista chaqsang, talab qochib.  
Hakillatib quvlataman  
Xo'rozqandning yalab qochib.  
To'yda to'ymay qopketmagin,  
Oshingdan bir cho'qib o'tsam.  
Zo'rg'a topgan nisholdangga  
Besh panjamni tiqib o'tsam.  
Shoxga chiqib o'rik qoqsang,  
Men tagida turvolsam-chi?  
Tushuningcha, mevalarni  
Xappa-xappa urvolsam-chi?  
Bayram kuni sayildayam  
Boshingni ko'p qotirgayman.  
Shinnili muzqaymog'ingga  
Bexos qoshiq botirgayman.  
Bundan buyon inoqroq bo'l,  
Do'qni chetga surib qo'yib.  
Keyin attang qilib yurma,  
Meni bilmay urib qo'yib.

## Fatxullaning kurkasi

Kelib Norga arz qildi  
To'rt yasharli ukasi:  
Meni quvdi,  
Atajon,  
Patpillaning kulkasi...  
G'ijinib musht tugdi Nor:  
Boplab qasos olamiz.  
Kurkani...  
Yo'q, yaxshisi,  
Fatxillani solamiz!



## Birinchi maqtoʻv

– Koʻrinmaysan, Mamajon?  
 – Oʻqiyapman, ammajon.  
 – Oʻqishlaring durustdir?  
 – «Balli!» dedi direktor.  
 – Nega «balli» dedi u?  
 – Shoshib kelar edi u,  
 Men darrov yoʻl boʻshatib,  
 Salom berdim oʻxshatib!

## Tushimda

Sakkiz koʻzli alvasti  
 Men bilan xoʻp gaplashdi.  
 Bitta koʻzin qildi loʻq,  
 Ikkinchisi oʻynar shoʻx,  
 Uchinchisi suzdi sal,  
 Toʻrtinchisi qisdi sal,  
 Beshinchisi yiltirar,  
 Oltinchisi moʻltirar,  
 Yettinchisi yigʻlardi,  
 Oxirgisi uxlardi...

## Osmondan tushgan sozanda

Koʻrganmisiz  
 Turli sozni  
 Chala olgan mashshoqlarni?  
 Men barglardan chang yasayman,  
 Dutor qilib boshoqlarni.  
 Goh uraman chirmandani,  
 Tomingizni tiriqlatib.  
 Tomchilarni oʻynataman,  
 Koʻlmaklarda diriklatib.  
 Lol qolasiz  
 Qiyoqlardan  
 Oʻzim gʻijjak yasab olsam,  
 Uzun-uzun zinalarni  
 Pianino qilib chalsam.  
 Meni oddiy yomgʻir deysiz,  
 Bilmaysizki, sozandaman.  
 Sozandani sevar hamma,  
 Shuning uchun arzandaman.

## Botirvoy yozgan marsiya

Junpaypogʻim bor edi  
 Issiq va yumshoq.  
 Tutingandik oʻtgan qish  
 Ikkimiz oʻrtoq.  
 Mana, yana qish keldi,  
 Men-ku sogʻ-omon.  
 «Oʻrtogʻim»ni, he afsus,  
 Yeb ketdi sichqon.

## Bolakay bilan Toʻrtkoʻz

Oʻylamaski, tinglashga  
 Zormi, zormasmi birov,  
 Koʻcha kezib daydi it  
 Qoʻshiq kuylar:  
 – Vov-vov-vov...  
 Qargʻar uni somsapaz:  
 – Yoʻqol deyman! Chip, tentak!  
 It pinagin buzmasdan,  
 Kuylab borar:  
 – Vak-vak-vak...  
 Suyaklarni yashirib,  
 Qassob der: «Bas! Jagʻni yop!»  
 It balandroq ovozdada  
 Kuylay boshlar:  
 – Vopira vop!  
 Choyxonachi darchadan  
 Separ unga qaynoq suv.  
 Qoʻshiq esa battardan  
 Avjga minar:  
 – Uv-v-v! Uv-uv!  
 Soʻng olakoʻz qoʻrs novvoy  
 Kosov ushlab, boshlar jang.  
 «Gup!» etgan tovush yangrab,  
 Oʻzgarar ohang: — Ang, ang!!!  
 ...Hamma hayron, it birdan  
 Nuqta qoʻydi nolaga.  
 Hidlab-iskab suykandi  
 Qand tashlagan bolaga.  
 Choyxonachi va novvoy  
 Buni koʻrib gezardi.  
 Somsapaz ham, qassob ham  
 Oʻz-oʻzidan qizardi.

## Aniq hisob

Qoʻlingdagi  
 Magʻiz qancha?  
 Senga bitta,  
 Menga ancha.

## Izzatlab

Nega pashmak  
 Bermaysan?  
 Yeysan...  
 «Rahmat» demaysan.

## «Bilagʻon»

Shuncha dengiz, okean  
 Kerak nimaga?  
 Bu «yoʻllar»ni odamlar  
 Qurgan kemaga.

## Bahromning hikoyasi

Zoʻr tovugʻim bor edi  
 Semiz va sergap.  
 «Yapaloq» deb men unga  
 Qoʻygandim laqab.  
 Tuxum tugʻib berardi  
 Har kuni oppoq.  
 Shu tufayli u bilan  
 Yashardik inoq.  
 Ammo, soʻnggi paytda u  
 Boʻpqqoldi ayyor.  
 Tuxum desang, yuz burar,  
 Don sochsang — tayyor.  
 «Dangasa!» deb kecha sal  
 Qilgan edim doʻq,  
 Bugun koʻrsam, katakda  
 Tovuqqinam yoʻq.  
 «Yapaloq»ni qidirdim,  
 Chaqirdim rosa.  
 Nahotki, u arazlab  
 Ketvorgan boʻlsa?  
 Katagida qolibdi  
 Faqat bitta pat  
 Va oydinga yozilgan  
 Aji-buji xat:  
 «Menga juda mehribon,  
 Shirinsoʻz eding.  
 Doim suyib, erkalab,  
 Tuxumim yerding.  
 Seni doʻst deb yurardim,  
 Tushundim bugun,  
 Faqat oshna ekansan  
 Quymoqlar uchun.  
 Tuxumni ham berardim,  
 Kutmading picha.  
 Qoʻpol soʻylab, ayniqsa,  
 Ranjitding kecha.  
 Garchi sendan ayrilmoq  
 Boʻlsa ham ogʻir,  
 Qaror qildim bosh olib  
 Ketmoqqa oxir.  
 Chunki, doʻst deb yurgani  
 Tamagir chiqsa,  
 Hatto oddiy tovuq ham  
 Oʻksinarkan ja...  
 Endi boshqa joylarda  
 Solaman dovrugʻ.  
 Seni eslab yurguchi:  
 Yapaloq tovuq». ...Mendan bitta iltimos,  
 Bolalar, sizga.  
 «Yapaloq»ni koʻrsangiz,  
 Qaytaring tezda.  
 Qaytsa chin doʻst boʻlardim,  
 Soʻzlardim «siz»lab.  
 Kechirim ham soʻrardim,  
 Patlarin silab.

# “Shashmaqom” tarixiga bir nazar

XVIII asrning ўrtalarida Buxoro musiqachilari va musiqashunos olimlari tomonidan nodir mumtoz musika namunasini – «Shashmaqom» maʼobatli turkumi tasnif etilgan edi. Bugungi kunga qadar ўzining yuksak badiiy qiymatini jahon xalqlariga namoʻn etayotgan hamda kadri toбора ortib borayotgan mazkur sanʼat turkumi kuyida olti maqomni ўzida mujassam etgan: buzurk – katta, ulugʻ, buyuk; rost – tўgʻri, chin, haqiqiy; navo – ishq kuyi; dugoʻx – ikki joy, ikki ўrin; segoʻx – uch joy, uch ўrin; iroq – yurt nomiga nisbat.

«Shashmaqom»ning noʻb musika sanʼati ekanligi unda insoniyat uchun abadiy bʻlgan mavzuning ham cholgʻu-kuy, ham ashula namunalari teran va muqammal ifodalanganligi bilan tavsiflanadi. Xususan, maqomlarning botin maʼnosida insonning koʻnnot bilan uzviy bogʻliqligi haqidagi falsafiy gʻya ilgari surilgan bʻlib, uning mazmunini Aziziddin Nasafigʻning kuyida misrasi bilan ifodalash mumkin: «Katta oʻlam kichik oʻlam orqali angʻlashiladi. Zoro, inson katta oʻlamning uygoʻq zarrafidir». Bu gʻyani musika amaliy ifodalashda koʻnnot uygunligining badiiy aksi hisoblangan muqammal maqom parada uoshmalari ahamiyatlidir. Shu bois ham «Shashmaqom» deganda, avvalo, tovush-pardalarning olti xil muqammal uoshmasi hamda shu asosda ijod etilgan kʻp qismli cholgʻu va aytim turkumlarning yahlit majmuasi angʻlashiladi. Chunonchi, ham qism, ham qismlarni qamragan turkum darajasida tatbiq etilishini «Shashmaqom»da kuzatish mumkin. Jumladan, olti maqom tizimida har bir maqom ikki yirik – cholgʻu va ashula turkumlaridan tarkib toparadi.

«Muskiyot» nomli cholgʻu kuylar bʻlimida tasnif – tasnif etilgan, ijod etilgan, muqammal asar; tarjeʻ – qaytarik, takrorlash, takrorlanuvchi; gardun – falak gardishi, qismat; muhammas – beshlik, boʻshlangan; saqil – vazmin, ogʻir, kabi besh ta tarkibiy qism bʻlib, ular doira vositasida ifodalantuvchi muayyan usullar (uzgarmas ritmik formulalar)ni angʻlatadi. Doira usullarining (demakki, cholgʻu bʻlimi qismlarining) bir tartibda navbatma-navbat ulanib kelishida kichik va katta oʻlamlarning uzviy bogʻlanishiga ishora etuvchi «oddiydan-murakkabga», «kichikdan-kattaga» tamoyilini pайqash muvkuyl emas. Bunda dastlabki qismlarda kʻllangan oddiy va kichik hajmli doira usullari urta qismlarga kelib nisbiy murakkab va yirikroq doirani tashkil etuvchi usullarga aylinishini, sʻnggi qismlarda esa murakkab va keng hajmli usullar qaror topishini kuzatamiz. Maqomning kuy mavzusini baʻn etishda tanbur cholgʻusi etakchilik qiladi. Bu jaraʻnda dastlabki urinda kelgan kuy tuzilmasi kuyidan uz chʻkkisi tomon yuksalib borishi asnosida tanbur dastagida tizilgan muqammal pardalarga izchil tayanadi va nihoyat, avj chʻkilarini zabt etgach, dastlabki tayan ch tovuushga qaytib yakunlanadi. Mavzuning butkul cholgʻu bʻlimi darajasida rivojida doira usullarining har bir qismda uzgarib va yangilani b turi shi ham ahamiyatlidir. Zoro, maqomning kuy asosi har galda qismda kelgan usulga bogʻlanib, uzining yangi jilo va mazmun qirralarini oshkor eta boʻshlaydi. Shu asosda kuy mavzu qismdan-qismga, asardan-asarga rivojlanib, uning salobati va maʼno kʻlami ortib boradi. Shunday qilib, maqomlarning «Muskiyot» bʻlimida baʻn etilgan asosiy kuy tuzilmasi murakkabligi turli doira usullari sinovi va kiyinchiliklarini engib utib, «Nasr» nomli yangi darajalar ga yuksaladi.

Bu urinda kuy mavzusining xofiz ovozi ila uzgacha tarovat kasb etilishining «Saxbor», «Talqin» va «Nasr» nomli asosiy ashula yʻllarida yangi sifatlarining dunega kelishiga guvoʻ bʻlamiz.

«Nasr» bʻlimida ikkinchi guroʻx aytimlar turkumi ham mavjud bʻlib, ularning asosini «Savt» va «Mʻgʻulcha» nomli shʻbalar tashkil etadi. «Shashmaqom» tarkibiga XIX asr oxirida kiritilgan bu asarlar Sharq badiiy ijodida keng maʼlum bʻlgan «nazira» anʻanalari asosida ijod etilgan. Atoqli olim Isxoq Rajabovning ilmiy tadqiqotlaridan maʼlum bʻlishicha, «Savt»lar 1-guroʻx shʻbalaridan «Talqin» va «Nasr»lar ga nazira etilgan, «Mʻgʻulcha»lar esa «Saxbor»larning kuy-oʻxanglari asosida ijod etilgan. «Savt» va «Mʻgʻulcha»larning har biri uzaro nomdo bʻlgan «Talqincha», «Qashqarcha», «Soqiyнома» va «Ufar» nomli shoxobchalari bilan bir-biriga ulanib ijro etiladi. Binobarin, bu shʻbalar alohida-alohida bʻlgan nisbiy mustaqil besh qismli turkumlarni tashkil etadi.

Shu aytish lozimki, maqomlarning barcha asosiy aytim yʻllarida «zafar» gʻyasi botiniy ifodalantadi. Shu bois ham «Shashmaqom»ning aytim bʻlimi umumiy nom bilan «Nasr» (kʻmak, zafar, galaba) deb yuritilishi bejiz bʻlmasa kerak.

Bu urinda maqom xofizlarining yuqori pardalarda ijro etilishi kʻzda tutilgan avjlar ga alohida etibor berishlari diqqatga sazovordir. Aynan shu avjlar da kʻllaniladigan namudlar (boʻsha maqom qismlaridan olingan kuy tuzilmalarini avjlar da kʻllash sanʼati) esa maqomlar moxiatini tushunishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ustoz olim Isxoq Rajabovning aniqlashicha, «Shashmaqom» ashula yʻllarida asosan 10 avj-namud (8 asosiy namud va namud vazifasini bajaruvchi 2 avj) kʻllanib kelina di. Binobarin, maqom shʻbalarini ashulachilik sanʼatining murakkab va muqammal namunalari namoʻn etadi. Shu bois ham ularni kuylash uchun maxsus amaliy malaqa va ijroviy maʼorat talab etilgan.

Maʼlumki, maqomlar bizning davrga asosan ustozning shogird ga urgati shi vositasida etib kelgan. Bu jaraʻnda shogirdlar ustozlari ijrosida maqom namunalari hotirasiga muvragan xolda amaliy ijro jaraʻnida urganlar va ijodiy uzlashtirganlar.

Shuningdek, maqom ashularida kʻllangan aruz vaznida kʻplab fazal namunalari ed olishlari ham mumtoz talablar doirasida bʻlgan.


Maqom xofizlari uz sanʼatlarini namoʻish etishda masʼuliyat bilan ish tutganlar, yaʻni har bir maqomning aytim yʻli puxta ishlani b, qiʻmiga etgach, tinglovchi hukmiga xavola etilgan. Shogirdlar esa, ustozlaridan bejizat omma oldida kuylamaganlar. Etuk darajaga eri shgan shogirdlar gina ustozlar duosini olib, mustaqil ijroni boʻshlaganlar.

XX asr davomida «Shashmaqom»ning anʻanaviy namoʻn bʻlish shakli tubdan uzgar di. Bir qator ustoz xofiz va sozandalar maqomlarni saqlab qoʻlish hamda uni eʻsh avlod ga etkazish yʻlida uz xizmatlarini aya dilar. Bular qatorida Ota Jalol Nosir, Ota Fiʻs Abdugʻani, Xoji Abdulaiz Rasulov, Domla Halim Ibodov, Levi Boboxonov, Borux Zirkiyev, Yunus Rajabiy, Maʼrufjon Toshpʻlatov, Bobokul Fayzullov, Fazliddin Shaʻobovlarning xizmatlarini alohida kʻrsatish kerak. Shuningdek, Abdurauf Fitrat tashabbusi bilan etnoqraf olim va kompozitor Viktor Uspekʻiy xofiz Ota Jalol Nosir hamda tanburchi Ota Fiʻs Abdugʻanilar ijrosida «Shashmaqom»ni ilk bor besh chizikli nota ezuviga oldi. Bu tʻplam 1924 yilda nashr etilgan. Keyinchalik Uzbeiston xalq artisti, akademik Yunus Rajabiy «Shashmaqom»ni ikki bor nota ezularida bosmadan chiqardi.

Uzbeiston davlat mustaqilligiga eri shgach, boʻsha badiiy ijodiy soxalari kabi musika madaniyati va sanʼatida ham chin maʼnoda haʻet-baxsh uzgarishlar rʻy bera boʻshadi. Endilikda milliy musika merosimiz maxsus fan sifatida madaniyat va sanʼat taʻlim tizimiga joriy etildi. 2003 yil 7 noybr da xalqaro YUNESKO tashkiloti «Shashmaqom»ni jahon nomoddiy madaniy merosining durdonasi, deya etlon qil di hamda uning anʻanalari ni yangi shart-sharoitlar da saqlash va tarqib qilish ga qaratilgan maxsus dastur qabul qil di. Uzbeistonda kʻrilgan muhim chora-tadbirlar natijasiga ularoq xalqchil, milliy, shu jumladan, mumtoz maqom anʻanalari ni rivojlan tirish borasida yangi ufqlar namoʻn bʻlmok da.

**Оқилхон ИБРОХИМОВ,**  
Санʼатshunoslik fanlari doktori





## “*Ўз вужидингга тафаккур аylaгил...*”

**Таниқли олим Нажмиддин Комиловнинг 1965 йили қатағон жафоларини чеккан, шарқ тиллари ва адабиёти билимдони Қутбиддин Муҳиддинов билан яқиндан танишиши унинг ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Қутбиддин Муҳиддинов Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида бирмунча вақт ишлаб, «Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати» тўрт жилдлик китобининг фаол муаллифларидан ҳисобланади.**

Шунингдек, Нажмиддин акани илмий, ижодий давраларга, дорилфунун муҳитига олиб киришда ажойиб инсон, улкан олим Ғайбулла Саломовнинг ҳиссаси катта бўлди. Икки забардаст олим Тошкент давлат дорилфунуни ҳозирги ЎзМУда «Таржима назарияси ва амалиёти» фанига асос солиб, филолог ва журналистларга сабоқ беришди.

Худди шу йилларда Нажмиддин Комилов муаллимлик касби билан бирга, таржимонликни ҳам баравар олиб борди. Кеча-кундуз тиним билмай, илм ва ижод завқи билан яшади. «Куч-қувватга тўлган, соғлиғим яраган пайтда, барига улгуришим керак», деган фикрга амал қилди.

Устоз Шарқ шеърятининг пешқадам вакиллари Абдурахмон Жомий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийнинг бебаҳо асарларини ўзбек тилига маҳорат ила ўғирди. Қарангки, қисқа муддатда «Ўлмас сатрлар қудрати», «Ишқни оловлантирган сув», «Жон ва жонон можароси», «Тимсоллар тимсоли», «Ахтарин ашк этдию...», «Эрур кўнгилларга сафо ишқ», «Аҳд қилдим...», «Соқий, талх бўлди айшим» каби теран илмий-таҳлилий мақолалар «Ёшлик», «Гулистон» журналларида чоп этилган, олимни халқимиз янада кенг-роқ таниди.

Нажмиддин Комилов «Ибн Сино ва Данте» (1983) китобида ўзбек олимларидан биринчи бўлиб Шарқу Ғарбнинг адабий алоқаларини даврларга кўра таснифлаб чиқди. «Шарқ Уйғониши улуг алломалар, қомусий билим соҳиблари, тафаккур ва ижод паҳлавонларини майдонга келтирди, — дейди Н. Комилов. — Бу улкан маданият умумбашарий цивилизацияга қўшилиб, унинг узлуксиз ривожига омил бўлди, турли алоқа воситалари орқали Ғарбга ўтиб, янги Европа тафаккури тараққиётига таъсир кўргазди. Етти аср давомида араб халифалиги қўл остида турган Испаниянинг Қурдоба, Шивилия, Фиронада вилоятларида Шарқ илм-маърифати кенг қанот ёйди».

Устознинг таъкидлашича, Шарқ илм-фани ва маданиятининг Европага кўчишида таржиманинг роли буюк бўлган. Араб тилида яратилган илмий адабиётларни латин тилига ўғириш XII асрлардан бошлаб авж олган. Кейинчалик бу адабиётларни испан, француз, кастил тилларига таржима қилиш кучайган, Толедо ва Болонья шаҳарлари ўша давр таржимачилигининг йирик марказларига айланган.

Маълумки, собиқ шўролар даврида дин — афюн, тасаввуф — реакцион мистик оқим, деб қора тамға босилган эди. Бундан кўзланган пинҳона мақсад — жамиятда комил инсонни эмас, сохта, ёлғон ғояларга эътиқод қўйган авлодни шакллантириш ҳамда итоаткор тизим

ўрнатиб, одамларни бошқариш бўлганди. Афсуски, шўро даврида яшаган олимлар, жумладан, Бертельс ҳам Навоий «Хамса» дostonларигаги илоҳий муҳаббат ғоясини инкор этади: олим илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббатни бир-бирига зид қўйиб, шоир кўпроқ иккинчисини қўйлаган, деган хато фикрни билдиради. Бертельсдан фарқли ўлароқ, Н. Комиловнинг Шарқ адабиёти йирик намояндалари ижодига доир илмий талқинларида бошқача ёндашувларга дуч келамиз...

Нажмиддин Комилов икки жилдди «Тасаввуф» китобини ёзиб, бу соҳада ўчмас из қолдирди. Унинг ҳар бир саҳифаси, жумласи ҳикмат ва маърифатга тўлиқ. Тасаввуфни яхши англамасдан туриб, миллий маънавият тарихи, Шарқ фалсафаси, адабиёти ва санъатини пухта эгаллаб бўлмайди. Ислom тарихи бизда тасаввуф тарихи билан бирга олиб қаралгандагина тўғри ёритилиши мумкин, деб ҳисоблайди олим. Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби машҳур шайхларимиз эътиқод қўйган ва ривожлантирган йўналиш тасаввуф ҳисобланади. Халқ маънавиятининг ўчмас хазинаси Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Саъдий, Ҳофиз, Лutfий, Атойи, Жомий, Навоий, Машраб, Огаҳий, Амирий, Сайқалий ва яна ўнлаб улуг шоирлар асарларининг бош ғоялари, тимсол ва тамсиллари тасаввуф негизда қурилганлигини устоз кўп тадқиқотларида шарҳларкан: «Тасаввуф, бу — Мутлақ илоҳни таниш ва севиш; авлиёлар эътиқодидан туғилган; покиза ахлоқ ҳақидаги илмдир», деган хулосага келади.

Домла суҳбатларда ҳазрат Навоийнинг:

**Ўз вужудингга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсан, ўзунгдин истагил...**

деган байтини такрорлашни яхши кўрарди. Инсон фақат ўзига ишониб, мақсадлари сари интилиши даркор, бошқаларнинг кўмагини кутишга зарурат қолмаслиги керак, дерди.

Устоз ёзиб қолдирган китоблардаги чиройли услуб, ғаройиб талқинлар, ажойиб фикрлар ўқувчини ҳайратга солмай қўймайди. Бу китоблар қалбимизга Аллоҳ яратган илму ҳикматни билиш, ҳаётда мусоффо рух, пок ният билан яшашга ўргатади. Ўз навбатида, фалсафа, ҳикмат ва тасаввуф илмидан бохабар этади. Улар бизни дунёни қалб кўзи билан кўришга ҳозирлайди...

**Бахтиёр ОМОНОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**



(Давоми. Боши 18-19-бетларда)

Гўшакнинг нариги томонидан:

– Дарҳол уйга томон чоп. Тушлигинг совиб қолди! – дейишди. Телефоннинг гўшагини жойига илиб кўйдим.

Кейин холамга жоним ҳам ачиди. Ундан сўнг қамал бошла-ниб, бояқиш ёлғиз ўзи қолиб кетди. Кексагина холам-а.

Шаҳарга бориб келгани ижозат теккани ёдимда. Холаминикига боришдан олдин дўконга кирдим. Урушгача ширинликлар жону дили эди. Сотувчига:

– Менга конфет берсангиз! – дедим.

Сотувчи эса менга худди телбага қарагандай тикилиб қолди. Егулик харид қилиш учун махсус карточкага эга бўлиш кераклигини-ю, қамал нима эканини қайдан билибман? Навбатда турган одамларнинг ҳаммаси менга ўгирилиб қарашди, елкамдаги милтигим бўйимдан баланд экани уларнинг эътиборини тортган эди. Винтовкани бизга беришганларида «Қачон менинг бўйим шу милтик билан баравар бўлар экан?» деб ўйлаган эдим.

Ногоҳ навбатда турганларнинг барчаси бир бўлиб, сотувчи-дан:

– Бизларнинг талонимиздан қирқиб, унга конфет бера қолинг! – дея ўтинишди.

Ва шу тариқа менга конфет беришди.

Кўча бўйидаги гузарда фронтга ёрдам уюштирилган экан. Майдондаги столларга катта баркашлар қўйилган бўлиб, кимдир бармоғидаги тилла узугини, кимдир қўлоғидаги қимматбаҳо сирғасини шу ерда ечиб, инъом қиларди. Соатлар, пуллар келтиришарди... Ҳеч ким бирор нарсани рўйхатга олмас, ҳеч ким бирор қоғозга имзо ҳам чекмас эди... Аёллар кўлидаги никоҳ узукларини ҳам ҳада қилишарди. Бу ҳолатни, шу жумладан, дўкондан харид қилинган ўша бир ҳовуч конфетни ҳозиргача хотирамдан чиқара олмайман.

Мазмуни «Бир қадам ҳам ортга чекинилмасин!» деган қатъий шиордан иборат икки юз йигирма еттинчи буйруқ чиқди. Бу буйруқ мени бир зумда балоғатга етганлар қаторига қўшиб қўйди. Яраланганлар шунчалар кўп эдики, бир неча кунлаб ухлай олмасдик. Бир гал уч кеча-ю уч кундуз бирортамиз мижжа қоқмаганмиз. Мени ярадорлар юкланган машинада госпиталга юборишди. Ярадорларни сиҳаттоғга топшириб, бўш машинада ортга қайтар эканман, тошдек қотиб ухлаб қолибман. Тетик бўлиб қайтсам, ҳамкасбларим силласи қуриганидан оёқларида зўрға турганини кўрдим.

Комиссарга дуч келганимда:

– Ўртоқ комиссар, уялиб турибман! – дедим.

– Нимага?

– Ухлаб олган эдим.

– Қаерда?

Унга қай тариқа ярадорларни элтганим, қайтишда бўш машинада ухлаб қолганимни айтиб бердим.

– Нима бўпти? Баракалла, жуда тўғри қилибсан. Мана бу кўзини очолмай юрганлар орасида жуда бўлмаса, битта тетик одам бўлсин, ахир.

Мен эса ҳақиқатан ҳам хижолатда эдим. Урушнинг бошидан охиригача ана шундай тоза виждон билан яшаганмиз.

Тиббиёт-санитария батальонида менга қанча яхши муносабатда бўлишмасин, аслида разведкачи бўлишни истардим. Ижозат бермайдиган бўлишса, пешқадам жанг маррасига қочиб кетишимни айтдим. Шу боис ёшлар ташкилоти сафидан чиқариб ташлашларига бир баҳа қолган».

Қатор орденлар, «Жасорат учун» медали Альбина Александровнанинг жанглардаги, унинг ўзи айтмоқчи, «разведка»даги қахрамонликлари учун берилган жанговар мукофотларнинг атиги бир қисми, холос.

«Пешонамга учинчи «Шуҳрат» орденини олиш ёзилмаган экан... Разведкачи дўстларим «Альбинахон, сен яна озгина жанг қилганинга эди...», деб ҳазиллашишарди. Менинг энг қимматли мукофотим – биринчи марта берилган «Жасорат учун» медали-дир. Ўша жангда аскарлар эмаклаб, ётиб олишган эди. «Олга! Ватан учун олга!» деган буйруқ янгради. Буйруқ яна такрорланди. Аммо аскарларимиз бош кўтаришмади. Қиз бола эканимни кўрсинлар, дея атайин бош кийимимни ечиб, қаддимни ростладим... Барча аскарларимиз бир тану бир жон бўлиб ўрнидан турдилар-да, жангга кирдик.

Менга медаль беришган куни жанговар топшириқ билан разведкага йўл олдик.

Урушдан кейин ҳам ўн беш йил давомида сурункасига разведкага йўл олганман. Ҳар кеча... Тушимда эса гоҳ автоматимнинг тепкиси босилмай қолади, гоҳ қуршовга тушиб қоламиз... Кўзимни очсам, қўрқувдан тишларим такиллайдди.

Уруш тугаганида менда уч ажойиб орзу – жангда қорним билан эмаклаб лой кечиш ўрнига троллейбусда сайр этиш, битта оппоқ батон сотиб олиб, маза қилиб ейиш, оппоқ, ғичирлайдиган чойшабда ҳузур қилиб ухлаш нияти бор эди».

Ҳарбий ҳамшира бўлган Ада Васильевна Ключева хотиралари: «Бизларни Маданият уйи олдига тўплашди. Ҳарбий комиссар келиб:

– Қани, қақажонлар, қайси кароматларинг учун биз сизларни фронтга юборишимиз керак? Қўлларингдан қандай ишлар келади? – деди. Ҳаммамиз бир бўлиб:

– Барча ишни уддалай оламиз. Ярадорларнинг жароҳатларини боғлаймиз, – дея жавоб қайтардик. У биттамазни олдига қақариб:

– Қани, менинг бармоғимни жароҳатланган деб ҳисобла-да, боғлаб кўр! – деди. Дугонамиз бинойидек боғлаб қўйди.

– Хўп, – деди ҳарбий комиссар. – Энди қўлимни боғлаб қўй! Кўл эса конуссимон бўлгани учун боғловчининг докиси бир томондан ҳилвираса, иккинчи тарафдан таранг тортилиб кетади. У бир текис чиқиши учун докани куч билан тортиш зарур. Аввал ўқиб-ўрганмагани боис дугонамиз бу ишни охиригача бажара олмади.

Ҳарбий комиссарнинг димоғи чоғ бўлиб:

– Мен сизларга нима деган эдим-а? Сизларни фронтга юбора олмаймиз, «рокк курс»лари очамиз. Ўқийсизлар, – деди.

Қандай шовқин кўтарилганини кўрсангиз эди:

– Роппа-роса олти ой ўқишимиз керакми?

– Олти ой ичида уруш тугайди. Кейин биз кимга керак бўла-миз!

Тахминан юз эллик нафар кўнгилчилар ичидан ҳар бири йигирма тўрт кишилик икки гуруҳ тузишди. Қолганлар курсга кириб ҳам ўтиришмади, тезда уруш тугайдиган бўлса, ўқишнинг нима кераги бор деган ҳаёлга боришди. Биз ўқишни тугатган, қолганлар ҳам ҳамширалик ихтисосини эгаллашди. Ҳали урушнинг охири кўринмас, қирқ иккинчи йил эди.

Мен жарроҳлик бўлимида ҳамширалик қилардим. Чекмайдиганларга тамаки ўрнига шакар беришарди. Мени палаталарда навбатчи ҳамшираликка ўтказишганида у ер тамаки тутунига тўла эди. Қизлар атайин, йиринг ҳидини босиб кетиши учун роса тамаки тутатишарди. Мен эса ҳеч қачон чекмайман, деган ўйда эдим. Эрталаб нонушта қилган эдим бу бўлимга йиринг ҳиди шу қадар ўтириб қолгани учун тушликни ея олмадим. Шу куни тушлик ва кечки таомни, эртасига нонуштани ҳам тановул қила олмадим, бошим гир-гир айланарди. «Чекиб кўргин!» деб маслаҳат беришди қизлар. Шу тариқа кашандага айландим.

Уйга қайтиб келганимдан сўнг онажоним бор папиросларимни улоқтириб юборди».

Зенитчи Валентина Павловна Максимчукнинг хотираларидан:

«Биз, Педагогика институтининг талабалари қирқ биринчи йилнинг йигирма саккизинчи июнь санаси пешин чоғида босма-хона ҳовлисига тўпландик. Тараддуд қисқа бўлди. Шаҳардан Смоленска олиб борадиган эски йўл бўйича чиқиб, Красное шахрига жўнадик. Эҳтиёткорликка риоя қилган ҳолда гуруҳ-гуруҳ бўлиб юриб борардик. Куннинг охирига бориб жавзо тафти бироз сусайди, юриш осонроқ кечди, орта қарамасдан жадал қадам ташлайвердик. Қўналғага келганимиздан кейингина ўгирилиб кунчиқар томонга назар ташладик. Осмоннинг тенг ярмини қирмизи шафақ қоплаган, қирқ қақиримлик масофадан бутун шаҳарни қамраб олгандек таассурот қолдирарди. Бу ўн ёхуд юзта бино эмас, балки бутун Смоленск шаҳри аланга ичида қолганини аңглатарди.

Менда бурмали оппоқ ҳарир кўйлак бор эди. У яқин дугонам Верага жуда ёқарди. Ҳаваси келганидан бир-икки бор кийиб ҳам кўрган эди. Унга «Кўйлакни никоҳ тўйинга совға қиламан», деб ваъда берган эдим. Бинобарин, у турмушга чиқишга шайланаётган эди. Танлаган йигити ҳам рисоладагидек инсон эди.



Шу орада бирданига уруш бошланиб қолди. Окопларга қараб кетяпмиз. Ётоқхонадаги буюмларимизни комендантга топширдик. Кўйлакни нима қиламан, энди? Шаҳардан чиқиб кетаётганимизда: «Вера, кўйлакни олақол!», дедим. Унамади. Ялли олов ичида кўйлак ҳам ёниб кетди.

Кетиб борарканмиз, беихтиёр ортга ўғирилардик. Елкамизга тандир тафти урилгандек бўларди. Туни бўйи йўл юриб, тонг оқариши билан юмушга чиқдик. Танкларга қарши мудофаа хандаклари қазинг, дейишди. Етти қулоч баландликдаги тик девор ва уч қулоч чуқурликдаги хандақ. Ер қазарканман белкуракнинг тиғидан олов чиққандай, кум эса қизил тусга киргандай бўлиб кўринади. Настарин бутаси ва бошқа турфа гулларга бурканган ҳовлимиз кўз олдимга келади...

Биз икки дарё орасидаги сув босган ўтлоққа тикилган чодирларда яшадик. Ҳам иссиқ, ҳам намгарчилик. Чивин деган мўр-малахнинг кети кўринмайди. Ухлашдан олдин тутатқи кўмагида чайладан қувамиз, лекин тонгда яна тешик-тирқишлардан кириб, хотиржам ухлагани кўймайди.

У ердан мени тиббиёт-санитария қисмига олиб кетишди. Ҳеч вақо тўшалмаган полда думалашиб ётавердик. Кўпчилигимиз касал бўлиб қолган эдик. Ҳарорат баланд. Эт увишади. Полда ётганимча юм-юм йиғлайман. Палата эшиги очилиб, шифокор остонадан туриб (тўшаклар бир-бирига тиғиз тўшалгани учун ичкарига ўтишнинг иложи йўқ эди) «Иванова, қонингга плазма (қаттиқ қизиш ёхуд урилиш оқибатида қоннинг ионлашиб, яъни суюлиб қолиши)» деди. Демак, бу менга тегишли ташхис.

Олтинчи синф дарслигида ўқиганимдан буён плазма десалар, ваҳимага тушишимни бу шифокор аёл қаёқдан ҳам биларди, дейсиз. Мени Рославл (Смоленск вилоятида, Остёр дарёси бўйида жойлашган) шаҳри яқинидаги Козловка деган аҳоли яшаш масканига олиб боришди. Йиқилмаслик учун ўриндикқа маҳкам ёпишиб олганману, кимнингдир худди тушимга киргандай хитоб қилганини эшитдим:

- Шуми?
- Ҳа! – деди фельдшер.
- Ошхонага олиб бориңлар.

Ва ниҳоят, каравотдаман. Зах ердаги гулхан ёни ёки дарахт остидаги Чодир – яқтақда эмас, госпиталда, иссиққина каравотда ётиш қандай фароғат эканлигини билсангиз эди. Етти кун кўзимни очмасдан ухлабман. Ҳамширалар бир амаллаб уйғотиб, овқатлантиришганини кейинчалик айтиб беришган, ўзим эслай олмайман. Уйғонганимда шифокор кўздан ўтказгач:

- Организми бақувват экан, соғаяди, – деди.

Ва мен яна ухлаб қолибман.

Урушда энг қийини уйқуни енгиш эди. Кетма-кет бир неча кунлар давомида уйқуга тўймаслик оқибатида одам ўзини идора қила олмайдиган даражага тушарди. Ишлаётган пайтингда-ку унчалик сезилмайди, пича кўлинг бўш бўлса бироз пинакка кетиш мумкин. Навбатчилик пайтида ухлаб қолмаслик учун тиним билмасдан у ёқдан-бу ёққа юрар, аввал ёд олган шеърларимни қайта такрорлардим.

Фронт фақат фронтнинг ўзидагина мавжуд эмас эди. Менинг она заманимда яшагучи ҳар бир одам аскарга айланган эди.

Франя Васильевна Адашкевичнинг сўзларидан:

«Мински бомбардимон қила бошлаганларида биз шаҳардан чиқиб кетишнинг иложини кўраётган эдик. Эсимда қолгани шуки, қочиб бораётганлар орасида эркаклар умуман кўринмас, чиқиб кетаётганлар фақат аёллар, болалар ва кексалардан иборат эди. Мен ҳеч қачон бу қадар кўп болани кўрган эмасман. Не сабаб ана шундай таассурот қолганини ҳам билмайман. Ёинки биринчи навбатда болаларни қутқариб қолишга жазм қилингани учун шунча туюлдим, билмадим. Ҳақиқатан ҳам, бунчалик кўп болани кейинчалик бирор марта кўрганам йўқ...»

Душман ҳудудимизни босиб олган илк кунларда нималар билан машғул эдим? Ўқ пистонларини териб олиб, кир ювилганда қолган кўйқаларга қўшиб, эски-туски идишларга жойлаб ерга кўмардим. Ўрмонда қалашиб ётган қурол-аслаҳаларни тўплардим. Бу билан менинг битта ўзим шугулланмас эдим. Агар омон қолсак, бу қурол-яроғ бирор куни асқотиб қолишини билардик. Манфур фашистларнинг товони тупроғимизни бемалол топтаб юрганига ҳеч биримиз тоқат қила олмасдик».

Яширин ҳаракатлар иштирокчиси Мария Васильевна Жлоба ҳикоясидан:

«Минскдан ярадорларни олиб чиқаётган эдик. Бўйим кичкина бўлгани учун баланд пошнали туфлида юрардим. Бир туфлимнинг пошнаси синган кезде «Ҳаво ҳужуми!» деб ҳайқиришади. Бир оёғимда туфли, иккинчиси яланг ҳолда, бир кўлим билан пошнаси синган пойафзалимни маҳкам бағримга босганча югурдим.

Бизларни қуршаб олганларида санитар дугонам Даша билан яширинган аригимиздан қаддимизни тик тутганимизча кўтарилдик. Негаки, уларга асир тушиб, таҳқирланганимиздан кўра бошимизни снаряд узиб кетгани афзал эди. Яраланганлар ичидан ҳам қурби етганлари ўрнидан туришди...

Биринчи фашист аскарига кўзим тушганида бир сўз айтолмасдан тилим томоғимга текилиб қолди. Улар эса навқирон қиёфада, қувноқ ҳолда кулиб келишарди. Қаерда тўхташмасин, қудуқ ё жўмрак кўришса, дарров ювинишга тушишарди. Доим энглари қайрилган. Ювинаверадилар, ювинаверадилар. Атроф қон, фарёд, улар эса ювинаверадилар. Ичингдан шундай бетизин нафрат тошиб чиқади-ю, ўзингни зўрга ушлаб қоласан. Уйга келишим билан икки бор кўйлак алмаштирдим. Ёвлар шу ерда юргани учун ичим шу қадар қизидики, тер дарё бўлиб оқди. Кечалари ухлай олмадим».

Слукклик яна бир яширин ҳаракат иштирокчиси Мария Тимофеевна Савицкая-Радюкович хотирлайди:

«Фашистлар қишлоғимизга мотоциклларда кириб келишди. Улар ёш, шўх-шодон, кулиб келаётганини кўриб бутун вужудим нигоҳга айланди. Қаҳ-қаҳалари авжига чиққан эди! Уларнинг бизнинг юртга бостириб кирганлари, бизнинг еримизда юрганлари етмагандай, хандон отиб қулганларини кўриб, юрак тўхтаб қолгандай бўларди.

Мен фақат қасос олишни, уларнинг кўлида мардларча ҳалок бўлишни, она Ватаним учун барча ишни бажаришга тайёр эдим.

- Аммо сизнинг митти чақалоғингиз бор эди-ку?

– Қирқ учинчи йилда қиз туққан эдим. Ботқоқликдаги пичан ғарами устида кўзим ёриган. Йўрғак докасини кўйнимда куритардим, қиздирардим-да, болагинамни яна ўшанга ўрардим. Чоратроф, ҳатто теварақдаги қишлоқлар аҳолиси билан бирга ёқиб юборилган эди... Бизнинг Гресск туманимизда тўққизта қишлоққа ёппасига ўт кўйишди.

Менинг ўзим шам қолдиқларини йиғардим, дугонанинг оиласига ҳам берардим. Одамларнинг сўнгалларини топсак, кийими ё либосининг парчасидан эгаси ким экани ҳақида хулоса чиқарардик. Ана шунча кийим парчаларидан бирини кўлга олганимда дугонам «Онагинанинг кофтаси...» деди-да, хушидан кетиб йиқилди. Кимдир чойшабга, кимдир ёстиқ жилдиға, хулласи калом, топилган тоза матога сўнгалларни йиғарди. Сўнг умумий қабрга кўярдик. Фақат оқарган сўнгалларни...

Шундан сўнг ҳар қандайин топшириқ беришмасин, бош тортмасдан боравардим. Чақалоғим эндиғина уч ойлик бўлса ҳам уни кўлдан кўймасдан топшириқни бажаргани кетаварардим. Комиссар мени жўнатарди-ю, «Кўнглим бузилиб кетди!» дея кўзларига ёш оларди. Шаҳардан дори-дармон, дока, сиворотка олиб келардим... Уларни чақалоғимнинг кўлчалари, оёқчалари орасига кўйиб, дока билан боғлаб, сездирмай келаварардим. Бинобарин ўрмонда ярадорлар ҳаёт билан видолашишарди. Мен уларнинг олдиға шошилишим керак эди. Ҳар қадамда немислар ва полиция (душманга сотилган ерликларнинг) постлари бўлиб бирор зоғ бу ерлардан ўтолмас, эмизикли бола билан фақат мен ўта олардим.

Ҳозир ҳикоя қилиб беришнинг ўзи қийин... Боламинг иссиғи чиқishi, биғиллаб йиғлаши учун баданини туз билан ишқалашга тўғри келарди. Шунда бояқининг териси қизариб, баданида тошма пуфаклари пайдо бўлар, бор овозда чинқириб йиғларди. Поста яқин келиб: «Терлама, пан... терлама!» дердим. Улар эса ваҳимага тушиб, ўз тилида «Век! Век!», чамаси «Кўзимиз олдинда даф бўл!», деб ҳайдаб солишарди. Туз билан ишқалашдан ташқари саримсоқ пиез суркардим. Қизалоғим эса ҳали бир парчагина эт эди... Уч ойлик бўлмасидан вазифамни уддалашга чиқиб кетганман... Ҳали эмизикли чоғидан...

Постдан ўтганим заҳоти ўрмонга яшириниб олиб, йиғлашга



тушардим. Тишимни тишимга қўйиб дод солардим. Боламга раҳим келганидан увлардим. Бир-икки кун ўтгач, яна йўлга тушишга тўғри келарди. Шундай қилиш керак эди...»

Мария Тимофеевнанинг ёнида аввал биргаликда яширин ҳаракат, кейин партизанлар сафида бирга бўлган қалин дуго-наси Мария Михайловна Матусевич-Заяц ўтирарди. Тингларди-ю, йигларди. Ўзининг бошидан ўтганларини ҳам киприклари намланган қўйи ҳикоя қилди:

«Урушдан уч кун аввал ўғлимни туққан эдим... Антонимни... Одамлар «Уруш!» деб бақирарди, бизлар эса туғруқхонада бола туғардик. Эсимда қолгани шуки, у чоғлари туғилган чақалоқларнинг деярлик ҳаммаси ўғил болалар эди.

Немислар бостириб келган биринчи кунлардан бошлаб ўрмонда учраган ҳар бир патрон (пистонга жойланган порох йиғмаси)ни яшириб қўярдик. Қурол-аслаҳа ҳам тўплаганмиз. Онам «Қўлингга митти жон билан қаёққа кетяпсан? Худодан кўрқмайсанми?» дер, рухсат бермасликка тиришарди. Мен ҳам бўш келмасдан «Бу босқинчиларнинг ўзлари худодан кўрқишадими? Бизнинг одамларимизни қай аҳволга солаётганларини кўрма-япсизми?» дердим.

Ёшгина йигитларимизни уйларида судраб олиб чиқиб, остона олдида отиб ташлашарди. Икки қўшини худди шу тарзда қийратишиди. Ўз кулбалари олдида. Айнан ўз бўсағаларида...

Қўл қовуштириб ўтириш қўлимдан келмасди. Варақалар тарқатиб, маълумотлар йиғардим. Боламини ҳаммиша қўлимда кўтариб юрардим. Уларга бир йўла икки бошни садақа қилгандим. Қанчалар кўп кўз ёши тўқдим-а. Дарё бўлиб кетгандир.

Ўғилчам ҳалок бўлиб кетди. Менинг айбим билан, яъни партизанлар тарафда юрганимда нобуд бўлди норасида. Онам билан бирга ёқиб юборишибди. Хата (уй)мизга югуриб келдим... Оловнинг ҳовури сўнмаган, тупроқ ҳали иссиқ эди... Топганим бир қадоқ ҳоки туроб бўлди... Бундай кул менга олдиндан таниш эди...

Урушдан кейин яна ўғил кўрганимда, худога уни воёга етказиш, қўлчалари билан менинг бўйимни кучиши, онаси эканимни билиши насиб этсин, деб ёлвордим... Уруш мени ана шундай хастаҳолга айланттирган эди...»

Партизан аёл Вера Иосифовна Одинец:

«Вужудимизни шу қадар нафрат қамраган эди. Чунки уларнинг бизнинг заминимизда қандай қабих ишлар билан шуғулланаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турардик. Юракда фақат нафрат бор эди. Менинг йўлларда қанчалар қон ҳалқоблари ва мурдаларни кўрганимни билсангиз эди. Ўз онасининг кўзлари олдида норасидасини ўлдирганларини кўрганман. Ҳатто марҳумлар ҳақиқа овоз чиқариш одати унутилди, ҳисоб...»

Яширин ҳаракат иштирокчиси Наталья Николаевна Акимованинг ҳикоясидан:

«Мен Новинки шаҳарчасидаги руҳий хасталиклар шифохонасида ишлардим. Одамлар шу ернинг ўзида ҳам даволанар, ҳам меҳнат қиларди. Катта ферма, уч юз гектар ер, кўчат етиштирувчи иссиқхоналар бор эди. Шифохонадаги беморлар сони ҳам уч юз нафар эди. Минскни бомбардимон қилишди. Бизнинг уйимиз ҳам, кўчамиз ҳам буткул ёниб кетди. Эсимда, ёниб кетган уйимизнинг ўрнига келганимизда у ерда фақат роялнинг қопқоғи қолган, кул орасида иккита хитой кўзаси қаққайиб турарди.

Бош шифокор дарҳол ҳарбий комиссариатга равона бўлди. Бироқ беморларни ҳам ўз ҳолига ташлаб кетиш мумкин эмас эди. Мен улар билан қолдим. Шаҳарни фашистлар эгаллади. Биз ва бизнинг еримизга СС(фашистлар куллоли кучларининг жазо қўшини) гуруҳини бириктириб қўйишди. Немис Вернер гуруҳ бошлиғи эди. Бир гал «Юринг, сизнинг одамларингиз постлар ёнида нелар билан машғул эканини кўрамин!» деди. Бир пост қошида бемор аёл югуриб ёнимизга келди-да, чекиш учун тамаки сўради. Дарвоқе, беморларимиз ўзларини ўта эркин тутишар, шу билан ажралиб ҳам туришарди. Бошлиқ эса уни ҳайдаб юборди. Шунда бемор душман зобитининг бўйнига осилиб, уни ўпа бошлади. Зобит эса буни ўзининг орийлик, яъни олий табақалик шаънига ҳақорат деб қабул қилган ҳолда дарҳол тўппончасини чиқариб, ақли ожиз жувоннинг энсасига ўқ узди.

Бу воқеа айнан қаерда бўлганини сизга аниқ кўрсатиб беришим мумкин. Сабаби ҳозир ҳам у ерда иккинчи палата жой-

лашган. Мен унга ғазаб билан ташланиб, бақирганимча қаерда турганини унутмаслигини, бу ер шифохона, бу бечоралар эса беморлар эканини таъкидладим. Бутун вужудимни тутқаноқ босди. Мени бошқа хонага судраб олиб кетишди, бироздан сўнг у ерга Вернернинг ўзи борди. У таржимон орқали ниманидир тушунтироқчи, чамаси, ўзининг ҳақ эканлигини хаспўшламоқчи бўларди. Унинг наздида, мен ортиқча эҳтиросга бериляману, бунигиндек ортиқча даҳмазалардан халос бўлиш керак эмиш.

Кейин нима бўлди, дейсизми... «Душегубкалар», яъни фашистларнинг одам ўлдирадиган машиналари етиб келди. Куч ишлатиб, беморларни ўша машиналарга тиқдилар. Юролмайдиган заиф беморларни эса ҳаммасига қамаб, устлариндан эшикларни зич ёпиб, ҳаммомнинг деразасига машинанинг тутун чиқарадиган қувурини киритиб, заҳарлашди. Сўнгра мурдаларни худди саржин ўтинлардай машинага тахлашди.

Бу ишларнинг барчасини бошқариб турган раҳбар ниҳоятда жазавага тушаётганимни кўриб, мени хонасига чақирди. Ўзининг қабих қилмишларини оқлашга уриниб, «Айни чоғда ортиқча эҳтиросга бериляпсиз. Лекин кейинчалик бу даҳмазалардан қутқарганимиз учун хурсанд ҳам бўласиз. Бу ночор бандаларнинг кимга кераги бор? Аёлларга хос кўнгли бўшлиғи тантилигингизни йиғиштиринг!» деди. Улар бундай даҳшатли қотилликни таомилдаги оддий юмушдек хотиржам бажаришарди.

Мана кўрдингизми, қандай аблаҳ кимсалар эди улар. Шундай экан, бу йиртқич маҳлуқларнинг заминимизда юришига йўл қўйиб бўлармиди?»

Менинг ён дафтарларимга ўнлаб, юзлаб ана шундай ҳикоялар муҳрланган. Хотираларга айланган ҳаёт вақт исканжасидан ўтган сари қуюқлашиб, энг муҳимлари ёдга қалқиб чиқади. Менинг бугунги оламим эса ўша ўтмиш хотиралари билан «портлатиб» юборилгандай.

Собиқ партизан аёл Елена Фёдоровна Ковалевскаянинг хати бир неча сатр:

«Бизнинг оиладан уч киши: отам, эрим ва мен бир кунда урушга отландик, акам аллақачон жанг майдонида эди. Онам фақат сигир билан қолиб кетди...»

Урушдан қайтиб келиш оиламиздан фақат менгагина насиб этди. Онам билан сигирни аравага кўшиб, ўтин келтирган ўрмонга йўл олдик...»

Яширин ҳаракат иштирокчиси Софья Васильевна Осипкова-Вигоннаянинг ҳикоясидан:

«Институтни энди битирган пайтларим. Жомадонимни олиб уйга қайтаётганимда урушга янги олинган азаматлар рўбарў чиқишди. Агар эркаклар озлик қилса, мен ҳам урушга борганим бўлсин, деган қарорга келдим...»

Уйга келганимда онам юм-юм йиғлаб ўтирар, отамнинг кайфияти тушкун эди. Онам мени бағрига босиб, юзимдан ўпиб, «Қайтиб келганинг яхши бўлди, бирга бўламиз! Хўш, энди нима қиламиз?» деди. Мен, «Албатта, ёвларга қарши курашамиз!» деб жавоб бердим.

Ўша тунда фашистларнинг самолётлари шаҳарни бомбардимон қилди, ухлаётган одамлар устига бомбалар ёғилди. Эртасига атрофга нигоҳ ташлаб, одамзод чекига тушган мусибат билан табиатнинг ҳолати орасида кескин фарқ борлигини кўрдим. Оқтоб ётоғидан кўтарилиб, она заминни мунаввар қиларди. Фақат биз кулишни тўхтатдик. Ҳар биримиз жангчи бўлиш вақти етиб келганини англаган эдик».

Гомеллик яна бир «подполье»чи аёл Ольга Андреевна Емельянова хотирлайди:

«Уруш кетяпти-ю, мен иккиқатман. Учраган одам мамлакат ичкарисига, эвакуацияга кетишинг керак, дейди. Мен эса туғилган жойимда қолишни, айнан шу ерда кўзим ёришини истайман. Шу ерда туғишим керак. Тугсам, чақалогимни кимникида йўргаклайман? Хулласи калом, урушнинг ўнинчи кунда туғдим...»

Фашистлар юртимизга кириб келганини кўрган заҳоти онажоним шол бўлиб қолди. Ва шууриmdа биттагина фикр – партизанлар отрядини топиш фикри айланарди. Менинг қалбимда Ватандан қимматлироқ ҳеч нарса йўқ эди».



## Madaniyat va aholi dam olish markazlari barkamol avlod tarbiyasida muhim ahamiyatga ega

Юртимиз мустақилликка эришгач, жамият тараққиётининг барча соҳалари сингари маданият ва санъатни ривожлантиришга ҳам жуда катта эътибор берилмоқда. Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган барча ҳужжатларнинг асл мазмун-мақсади ҳам жамият, унда яшаётган инсонларнинг яшаш тарзини янада юксалтириш, уларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш, баркамол авлод тарбиясини янада яхшилашга қаратилган. Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий камолотини янада юксалтириш, уларнинг мазмунли дам олишларини ташкил этиш ҳамда ҳамюртларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар юсак самара бериб, бугун чекка туманларда, қишлоқ ва овулларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча соҳалари тубдан янгилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этишга кўмаклашиш, аҳолининг маданий ҳордиқ олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида кенг кўламли вазифалар белгиланган.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари шахси маънавий камол топтириш, маданий савияси ва билимини ўстириш мақсадида фаолият юритмоқда. Жойларда турли соҳа вакилларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг маданий, маърифий, ижодий фаолиятлари, ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар, имконият ва қулайликлар яратиш, халқ моддий ва номоддий маданияти ривожига ҳисса қўшиш, аҳоли бўш вақтини мазмунли ўтказиш каби вазифалар ҳам айнан мана шу марказлар фаолиятининг устувор жиҳатлари ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, инсон салоҳияти, истеъдодини маданият ва санъат воситалари орқали рўёбга чиқаришга имкон яратади, ташкил этади ҳамда бу жараённинг узлуксиз амал қилишини таъминлайди. Айниқса, ўсиб бораётган ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этишга диққатини қаратаётгани эътиборли.


Бу марказларда бадиий ҳаваскорлик, халқ ижодиёти, миллий амалий санъат каби турли йўналишлар бўйича тўгарак ва студиялар фаолият юритмоқда. Халқ ҳаваскорлик ижодиёти, миллий амалий санъат,

номоддий маданий мерос дурдоналарини ўрганиш бўйича тўгараклар, ижодий студиялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари, мунозара клублари, спортнинг кўплаб турлари ҳамда интеллектуал ўйинлар, мусобақалар, танловлар, фото ва амалий санъат кўргазмалари ташкил этилади. Халқ ижодиёти ва томоша санъатининг минифестиваллари, маҳаллий урф-одатлар ҳамда анъаналарни акс эттирувчи оммавий театрлаштирилган байрам томошалари, халқ сайилларини ташкил этиш орқали бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш, миллий анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш муҳим вазифалар қилиб белгиланган. Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, чекка ҳудудларда яшаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидорли ёш ижрочиларни бадиий ҳаваскорлик ҳамда фольклор жамоалари, замонавий студия ва тўгаракларга жалб этиш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича шуғулланишлари учун кенг имконият яратиш бу муассасаларнинг олдида турган мақсадли вазифалар ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш кафедраси, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек тумани маданият ва аҳоли дам олиш марказида «Баркамол авлод тарбиясида маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг роли» мавзусида илмий-амалий семинарнинг ўтказилиши айнан шу соҳага тегишли бўлган масалаларнинг ечимига амалий жиҳатдан ёндашиш ифодаси бўлди. Семинарда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 34 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг раҳбарлари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир» деган сўзлари айнан мана шу соҳага алоқадор бўлган барча ходимларга жуда катта масъулият юклайди.

**Мансур БЕКМУРОДОВ,  
Ваҳобжон РУСТАМОВ**



# Sulola



*Ўзбек цирки асосчиларидан бири Тошкенбой Эгамбердиев ва унинг авлодлари нафақат юртимизда, балки жаҳон цирки ареналарида ҳам моҳир дорбозлар сулоласи сифатида тан олинган. Қарийб 150 йилдан бери сулола томонидан дорбозлик санъати муносиб тарзда давом эттириб келинмоқда.*

Ўзбекистон халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев ўзбек цирки тарихида ёрқин из қолдирган улуғ санъаткорлардан бири. У қадимий дорбозлик санъатини бир неча поғонага кўтариб, уни замонавий циркнинг бадий ифода воситалари ва мураккаб ўйинлари билан бойитиб, жаҳон цирки майдониغا олиб чиқди. Ҳозирги кунда сулоланинг бешинчи ва олтинчи авлоди вакиллари бу анъанани давом эттирмоқда.

Асли фарғоналик бўлган Тошкенбой Эгамбердиев дорбозликнинг сир-асрорларини 7 ёшлигидан халқ орасида Ҳожи-дорбоз номи билан танилган отасидан ўргана бошлайди. Уларнинг бозорлар, халқ сайилларида ташкил этган томошаларини кўриш учун минглаб одам йиғиларди.

18 ёшида отасидан айрилган Тошкенбой Эгамбердиев мустақил ишлашга мажбур бўлади. Дор устидаги эркин ва моҳирона ҳаракати билан юртимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида донг таратади. 25-30 метр баландликда ҳам ҳеч қандай муҳофаза воситасидан фойдаланмай, хатарли ҳаракатларни бажариши халқнинг эътирофига сабаб бўлади.

1908 йилда Тошкентда цирк санъаткорлари ўртасида танлов ташкил этилади. Унда Тошкенбой Эгамбердиев бутун минтақанинг энг маҳоратли дорбози сифатида тан олиниб, олтин медаль билан тақдирланади. Тошкенбой ота доим ўзининг миллий томошалар кўрсатиш принципига содиқ қолади. Улар ўз томошалари намойиш этиладиган жойни шарқона кўринишда безатишар, Қўқон аравалар, карнай-сурнайлар билан цирк ареналигига миллий либосларда чиқиб келишарди. Айниқса, томошалар олдидан биринчи ўзбек дорбоз аёли Марямхон Фахриддинованинг «Тановор» куйига тушадиган рақси нафақат ўзбек миллий цирк томошалари, балки рақсининг ҳам тилга тушишига сабаб бўлган. Шу тариқа икки йил давом этган цирк томошалари катта шов-шувга айланади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларининг оғир шароитига қарамай, Тошкентда Ўзбек цирк жамоаси ташкил этилади ва Тошкенбой Эгамбердиев унинг бадий раҳбари этиб тайинланади. Бу биринчи миллий цирк жамоаси эди. Унинг таркибига дорбоз Тошкенбоевлар, чавандоз Зариповлар, от ўргатувчи Хўжаевлар, ҳаво гимнастлари Мадалиевлар, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов кирди.


Уша йилдан бошлаб, Тошкенбоевлар томонидан анъанавий дорбозлик санъатига бир мунча ўзгаришлар киритилди. Энди дор қурилмасида жун арқон ўрнига трос, ёғоч устунлар ўрнига темир устунлар ишлатилди. Натижада дор устида янги, мураккаб ўйинларни ижро этиш учун имконият яратилди. Яқка ижрочи бажарадиган машқлар билан бир қаторда, икки, уч, тўрт киши ижро этадиган машқлар репертуарга киритилди. Горизонтал дор устида бир йўла уч, тўрт, беш киши иштирок этадиган «уч кишилик устун», «тўрт кишилик устун», «обкаш» каби мураккаб ўйинлар кашф этилди. Жаҳон цирки тарихида дорбоз Тошкенбоевлар илк маротаба ижро этган уч қаватли пирамида, иккитали шпагат, учтали шпагат каби ўта мураккаб ўйинларни ҳозирги кунгача дунёнинг биронта дорбози такрорлагани йўқ. Тошкенбоевларнинг кўплаб шогирдлари ва

издошлари ўзларининг ижодий фаолиятида ҳозирги кунгача бу ўзгаришлардан самарали фойдаланмоқда.

Бугунги кунгача ушбу сулоланинг ижод мактабида Обиджон Тошкенбоев ва унинг фарзандлари – Доноҳон, Мамлакат, Олимжон, Жумабой, Алишер, шунингдек, Шокиржон Тошкенбоевнинг ўгли Эркин Тошкенбоев, машҳур қизиқчи Ақром Юсуповнинг дорбозлик маҳорати тўла намоён бўлди.

Мустақиллик барча соҳалар каби ўзбек циркининг ҳам жаҳонга чиқишига имкон берди. Тошкенбоевлар сулоласининг ёш вакиллари кўплаб мамлакатларга гастроль сафарларини уюштириб, миллий дорбозлик санъатини юксак маҳорат билан намойиш этиб келишмоқда. Улар Германия, Голландия, Бельгия, Италия, Россия, Қозғистон, Хитой, Жанубий Корейда бўлиб ўтган нуфузли халқаро цирк санъати фестиваллари ва кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

**Пўлат ТОШКЕНБОВ,  
Санъатшунослик фанлари  
номзоди**



# Loydan yaralgan San'at

*Севимли иши билан шуғулланаётган инсон ҳар бир ҳаракатини катта иштиёқ билан бажаради. Унга бор меҳри, қалб қўрини бағишлайди. Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, уста кулол Абдулла Нарзуллаев эл-юрт орасида обрў-эътибор топган ҳунармандлардан биридир. Нарзуллаевлар кулолчилик ҳамда каштачилик билан шуғулланиб, ўз ишларини санъат асарларига айлантиришган. Бугунги кунда бу сулолани нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам яхши билишади.*

– Суҳбатимиз аввалида ҳунармандчиликнинг машаққатли, аини пайтда инсонга завқ улашадиган жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз?!

– Биз ўз анъаналарига, удумларига содиқ халқмиз. Шундай анъаналаримиздан бири фарзандларга хунар ўргатиш бўлса, яна бири ўз ҳунарини авлодларга қолдириш. Бизнинг сулоламиз шундай шаклланган. Қадимдан юртимизда заргарлар, мисгарлар, кулоллар, тандирчилар, тунукачилар, каштачилар сингари маҳаллалар бўлган. Мазкур маҳаллалар бир оиланинг вақт ўтиши билан сулола сифатида кенгайишидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам қадим хунарлар такомиллашиб, илдиз отиб, аждодлардан авлодларгача етиб келган. Шу боис ҳам эртақ, ривоят, ҳикоятларимиз замирида бирор хунар этагини тутиш, касб ўрганиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш сингари ғоялар мужассам. Бу беҳуда эмас. Халқнинг турмуш тарзи асарларга кўчган. Демак, сиз айтган хунар ва ҳунармандчилик бизнинг қадим анъаналаримиздан ҳисобланади.

– Ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида эришган ютуқларингиз ҳақида гапирсангиз?!

– Дарҳақиқат, юртимизда ҳунармандчиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. 100 дан ортиқ Халқаро кўргазма иштирокчисиман. 90-йилларда фақатгина республика миқёсидаги кўргазмаларда қатнашардик. Усталар сони бармоқ билан санарли эди. Ҳозирги кунда эса уларнинг сони ниҳоятда кўп. Яқиндагина АҚШнинг Санта шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли «Халқ усталари» халқаро кўргазмасида иштирок этдик. Дунёнинг турли мамлакатларидан бир юз элликка яқин уста қатнашган ушбу кўргазмада йўқолиб бораётган ҳунармандчиликни тиклаш, муаммоларини ечиш истиқболлари тўғрисида сўз юритилди.

2014-2015 йилларда мамлакатимизда кулолчилик мактаби вакиллари орасида Тошкентда халқ ҳунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди. Чет элларда ҳам халқ кўргазмасини намойиш этиш ниятимиз бор. Қолаверса, Париж, Лондон, Берлин, Токио, Мадрид каби қатор шаҳарларда ўтказиладиган миллий кўргазмаларда мунтазам

равишда қатнашиб келмоқдамиз.

– **Ижод инсонга қанчалар завқ беради?**

– Ижод завқдан ташқари бахт ҳамдир. Ижодкор эканлигимдан фахрланаман. Инсон тупроқдан яралган, дейишади. Шу сабабли бўлса керак, тупроқ устида ишлаб мадад оламан. Инсон чарчаганида нима қилади? Ўзига бироз вақт ажратиб, дам олади. Менинг ишим ҳам ижод, ҳам меҳнат, ҳам завқ, ҳам мартаба. Бу иш инсонни чарчатмайди. Бошқа юмушларимдан чарчаган пайтларимда устахонамга бораман-да, ижодга шўнғийман. Ҳар бир яратаётган ишимга меҳр билан ёндашаман. Шундагина кўнглимдагидек асар ҳосил бўлади.

– **Бугунги Ғиждувон кулолчилиги борасида нима дея оласиз?**

– Ҳасан Шарипов, Илҳомжон Саъдуллаев ҳамда Илҳомжон ва Акмалжон Нарзуллаев сингари сулоламиз давомчилари билан янги иш режаси устида ишляпмиз. Ҳозирда чет эл музейларида сақланаётган, XII асрда яратилган кулолчилик асарлари дунё санъатшуносларини лол қолдириб келмоқда.

Биз ҳозирги кунгача давом эттириб келаётган Ғиждувон кулолчилигида 100 га яқин нақш композициялари мавжуд. Улар асосан геометрик ва ўсимлик шаклларида иборат. Лаган, коса ва декоратив безакли буюмлар жуда катта меҳнат талаб этади. Ғиждувон кулолчилигида уй-рўзғор учун ишлатиладиган идишлардан дукки коса хумдонда пишириб ясалади. Шокосалар ҳам катта-кичиклиги, ишлатилишига қараб турлича кўринишга эга бўлади. Ясаган хум-кўзаларимиз, қандилларимиз ҳам ўзига хос шакл ва жилолардан иборат.

Шогирдим Нигора Нарзуллаева ҳамда қизим Дилноза миллий ўйинчоқлар ясашади. Миллий ўйинчоқ яшашнинг тарихи узоқ мингйилликларга бориб тақалади. Ғиждувон кулолчилигида кўпроқ қизил, яшил, сариқ ва жигар рангдан фойдаланишган. Риштон кулолчилик мактабида эса кўпроқ мовий ранг етакчилик қилади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ҳудуднинг иқлими ва табиий шароитига хос ва мос ранглари мавжуд.

– **Мана, бир сиқим лой. Ундан нима ясалишини олдиндан режалаштирасизми ёки иш жараёнида ўз-ўзидан илҳомга қараб ҳосил бўладими?**

– Бу ҳам қизиқ жараён. Баъзида иш ашёларим шунчалар ўзига жалб қиладики, ўз-ўзидан кўлингизда шакл ҳосил бўлиб, лой бирор буюмга айланади. Баъзида режа асосида идишлар тайёрланади. Аввало, лойдан идиш ясалади ва қуритилади. Сўнгра идишга ранг бериб, нақш солинади. Бир бор пиширилганда сир берилади. Иккинчисида эса гуллар нақшинкор кўриниш олади. Кулолчилик санъатининг ҳам ўзига хос сир-асрори бор. Ҳар бир жараён ўзига яраша қизиқ.

– **Шогирдларингиз, умуман, ёшларга маслаҳатларингиз...**

– Ҳазрат Амир Кулолнинг «Ўз юзингни ойнада эмас, шогирдларингизда кўргин» деган ҳикмати бор. Дастлабки шогирдларимнинг ўзлари ҳозир устоз бўлиб қолишган. 25 йил давомида шогирдим Шароф ва ўғлим Акмалжон билан ишлаб келмоқдамиз. Мен учун кулолчилик санъати ҳаётимнинг мазмуни ҳисобланади. Бугун бу борада амалга ошираётган ишларимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, умримиз бекорга ўтмаяпти. Дунёни ташкил этган тўрт унсур – тупроқ, ҳаво, олов ва сув кулолчилик санъатида мужассам. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кулолчилик табаррук касб, шарафли хунар.

– **Орзулар, режалар...**

– Шогирдларим уста, деб гап бошлаганда фахрланаман. Улар ҳам ўз шогирдлари билан фахрланишсин. Биз ясаган идишлар кимларнингдир рўзғорида асқотса, токчаларини безаб турса – бизнинг бахтимиз. Миллий кулолчилик санъати турларини кўпайтириш ва янада ривожлантириш асосий мақсадимиз.



**Мунира РАМАЗОНОВА**  
суҳбатлашди



*Маданият ва истироҳат боғлари ҳар бир ҳудуднинг кўрки, қолаверса, аҳолининг маданий ҳордиқ олишлари учун муҳим маскан ҳисобланади. Тинчлик, барқарорлик, шукроналик ҳукм сурган улкада барака, яратувчанлик, бунёдкорлик бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, маданият ва истироҳат боғлари аини пайтда аҳолига хизмат курсатиш, савдо ва сервисни ривожлантириш маскани ҳамдир.*



Бу борада Президентимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган. Давлат дастурида юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида камида биттадан замонавий маданият ва истироҳат боғининг фаолият юритишига эришиш, уларнинг барчасини замонавий аттракционлар ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг маданий дам олишлари учун шароит яратиш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш асосий мақсад қилинган.



Дастур асосида 2011-2015 йилларда 120 дан ортиқ Маданият ва истироҳат боғларига 1000 дан зиёд янги замонавий аттракционлар ўрнатилди, дам олиш масканлари барпо этилди. Ушбу ишларга 200 миллиард сўмга яқин бюджет, ҳомий ва тадбиркорлар маблағлари сарфланди. Ҳозирда маҳаллий ҳокимликлар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, яна 100 дан ортиқ

боғда босқичма-босқич таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Дастур ижросини тўлақонли таъминлаш ҳамда Маданият ва истироҳат боғларига аттракционлар ва ўйин қурилмалари сотиб олиниши ва ўрнатилишида кўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда четдан олиб кириладиган аттракцион ва ўйин қурилмаларини 2018 йил 1 январга қадар бож тўловларидан озод қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 июндаги фармойиши қабул қилинди. Бу ўз навбатида боғларнинг янада ривожланиши ҳамда тадбиркорларга берилган кенг имкониятлардан ҳисобланади.


Бундан ташқари, юртимиз боғларида умумхалқ байрамлари, халқ сайиллари, оммавий томошалар уюштирилиб, бу тадбирлар номоддий маданий меросимизнинг ажойиб намуналари бўлган дорбозлик, кўғирчоқбозлик, халқ ўйинлари билан бойитилмоқда.

Маданият ва истироҳат боғларини замонавий аттракцион ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш, уларда замонавий кўнгилочар масканларни барпо этиш баробарида истироҳат боғлари билан боғлиқ азалий анъаналаримизни ҳам сақлаб қолиш ва улардан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланишни ташкил этиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.



**Элёржон ЖАЛИЛОВ,**  
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходими

## *Yaxshidan bog' golar*



ХУРШИДА



*Ўзингиздан истиiyor ~  
игрор истадим*

\*\*\*

Мен сўзлардан сўрадим кўмак,  
Тутқаздилар бор бисотини.  
Сизга атаб яратдим дoston,  
Меҳр кўйдим унинг отини.

Саболардан сўрадим кўмак,  
Саломимни элтдим Сизга?  
Унсиз соғинчимни фақат у  
Билар эди, айтдим Сизга?

Ҳолингиздан хабар олгани  
Боргим келар, боролмагайман,  
Сиз менга қор келганингиздек,  
Корингизга яролмагайман...

\*\*\*

Умид қандай яхши,  
Умид қандай соз!  
Кўзга нур, дилга қўр бергувчи рўё,  
Умид борки, танда айланади қон,  
Умид борки, юздан таралур зиё.  
Наботот куёшга интилган каби,  
Уммонга қўшилмоқ дарё матлаби,  
Умидсиз манзилга етолмас инсон,  
Умиддан яралар ҳаёт мактаби.  
Бедаво дардларни енгмоқлик мумкин,  
Тегса юракларга умидвор эпкин,  
Умид бор – яшайди муҳаббат, орзу,  
Умид бор – дил нафас олади эркин.



\* \* \*

Осмон, қуёш, гулзор,  
Дарё – жилвакор...  
Мендан кўнгил сўраб чирқиллар қушлар...  
Сабо юзларимни силар авайлаб,  
Япроқлар пойимга пойандоз тўшар.

Борки мавжудотдан тиланмоқ шафқат,  
Меҳр излаб топмоқ мумкиндир, аммо  
Сизнинг юрагингиз тафтини туймоқ,  
Сизнинг тилагингиз билмоқ – муаммо...

\* \* \*

Менга бедардликдан сабоқ берингиз,  
Ё юрак торларим узингиз ишқдан!  
Меҳр дарёсининг қирғоқларида  
Юравермай ҳамон тинмай сиришқдан!

Бешафқатлик ҳиссин кўксимга кўминг,  
Дийдам билмай қолсин кўзёш нелигин.  
Кибр фанини ҳам қўшиб ўргатинг,  
Қаддим расо тутай, бўлмайин нигун.

Худбинликдан бироз дарс беринг, токи  
Хаста дил ғамини тинглай бир бора.  
Бедор юрагимга ором илинай,  
Бир бор унинг учун қидирай чора!

\* \* \*

Бирам бахтли эдим ўшанда:  
Пойимга йўллар гул тўшарди,  
Бошимда куларди офтоб,  
Юлдузлар мен билан яшарди!..

Бирам шахдли эдим ўшанда:  
Кўкларга шай эди парвозим,  
Дарёлар тингларди дилимни,  
Тоғлардан ошарди овозим!

Бирам тахтли эдим ўшанда!  
Давлатим – ишқ эди қудратли,  
Мағлуб этолмасди юз ғаним,  
Савлатим бор эди шуҳратли.

Сизсиз дунё бўлди кушанда!  
Дарёга чўктирди муродим,  
Мен ишқсиз бир ғариб – гунг ва лол,  
Бўғзимдан бўғмоқда фарёдидим...

\* \* \*

Изингиздан ихтиёр – иқроқ истадим,  
Дилингиздан изтироб – изҳор истадим,

Ғанимдан ижтиноб бисёр истадим,  
Топдимми, топмадим, билмадим!?

Сўзингиздан маъжозий қарор истадим,  
Юзингиздан самовий шарор истадим,  
Бағрингиздан баҳорий ифор истадим,  
Топдим-у, тутдингиз, олмадим –  
Самодан ижозат бўлмади!

\* \* \*

– Айт, ҳаётдан нолиб нетасан?  
– Ишқсиз урмай қўймоқда юрак,  
Бақога ишқ излаб кетаман!  
– Сабр қилсанг, кўниб кетасан!  
– Қирқ йил қилган сабрим – бесамар!  
– Самолардан келмиш хушхабар:  
«Муродинга энди етасан!»

\* \* \*

Куйлашдан толма, дилим,  
Нурларга қилма парво,  
Сен тупроқсан хокисор,  
Уларнинг кўнгли осмон!

Йиғлама, бас, самога  
Жилмайиб қўй бир бора,  
Дунё ҳайратда қолсин,  
Куйла бир шўх тарона!

\* \* \*

Санда йўқ гар эҳтиёж, манга даркор суҳбатинг,  
Гарчи ер, осмон эрур чин харидор суҳбатинг?

Сув, ҳаво нондин кечиб, кун кўриб бўлгайми, айт!  
Рад этур дил жонни ҳам айласа зор суҳбатинг.

Қизғонолмас-ку қуёш нурини ер юзидан,  
Ер-самодан топмадим, мунча душвор суҳбатинг?

Сабрима ўт кетди бас, минг ёниб сўнмас ҳавас,  
Минг синаб, минг айлади зору афгор суҳбатинг.

Садқаи умрим кетур, билмасанг Хуршидани,  
Кел, тараҳхум бирла эт садқа бир бор суҳбатинг!

\* \* \*

Ойдин хаёлимда асрайман сизни,  
Висол орзусига бас, сиғмас ҳаддим,  
Хазон япроғидек, эй титроқ дилим,  
Тақдир қўшиғига жўр бўлгил қадим.



# М

укаррамой холанинг ҳовлисидаги марварид тут мева-сидан емабсиз, бу дунёга келмабсиз. Ҳар йили тут пишиғида холанинг уйи ажиб тароват касб этади. Тутхўрлик баҳонасида келган маҳалламиз аёллари мириқиб суҳбат қурадилар. Рўзгор ташвишлари бироз унутилиб, ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба авжига чиқади. Аёллар айвондаги хонтахта атрофига, ёш келин ва қизлар марварид тут соясидаги сўрига жойлашиб олишади.

Мавсум давомида Мукаррамой холанинг уйдан одам аримайди. Ўзиям хола бошқача-да. Баҳона топилди дегунча дастурхон ёзиб, шинамгина ҳовлисига одам йиғишни, тансиқ таомлар билан маҳалладошлар кўнглини олишни хуш кўради. Сумалак сайлини-ку, айтмай қўя қолинг.

Ҳар йилги одатимизни қанда қилмай бутун маҳалламиз хотин-қизлари тут пишганда яна Мукаррамой холаникига тўпландик.

Бу хонадон ҳаммадан ҳам кўра, менга жуда қадрдон. Беғубор болалигимнинг энг ширин хотиралари шу ҳовли ўртасидан оқиб ўтадиган ариқ бўйидаги мана шу катта марварид тут дарахти билан боғлиқ. Назаримда, баҳор, энг аввало, бизнинг қишлоққа келарди. Ариқ ёқаларидаги ялпизлар бўйи чўзганини ҳам дугонам Ҳамидахон билан биринчи бўлиб биз кўрардик. Эсимда, дугонам Ҳамидахон иккаламиз тутга тўйганимиздан сўнг, ариқ ёқасидаги ялпизларни теришга тушардик. Мажнунтолнинг тахир новдасини тишларимиз билан юмшатиб, сочимизга толбаргаклар тақиб олардик. Бугун негадир ўша дамлар шукуҳини, жонажон дугонамнинг кўнғироқдай ширали овозини соғиниб энтиқиб кетдим:

**Сочим учи кўнғироқ, ўзим айланай,  
Ёр менга қилманг димоқ, эй воҳ санам...**

Айни тут базми авжига чиққанида, маҳалламиз кайвониси Ҳабиба хола келиб қолди. Холанинг кайфияти бошқача – муҳим бир янгилик борга ўхшайди. Доим шунақа, янги гап топилди дегунча, шошилиб маҳалла хотинлари тўпланган уйга киради-да, пиёладаги совуқ чойни хўплаб, ҳикоясини бошлайди:

– Мен минг маротаба айтдим-а, ҳей, Соҳиббахон, хато қилясиз, деб. Опа-сингил ҳам қуда бўладими, охири вой бу ишингизнинг десам, кўнмади. Йўқ! «Бегонанинг бети қурсин, биринчи келинимдан куйганим етар. Ягона синглимнинг қизи, ўз боламдай бўлиб қолган, устига-устак, уй-жойим, шунча йил йиққан давлатим бегонага қоладими», деб тор ўйлади. Эй, ҳатто шаҳардан келиб мажлис ўтказган шифокорларнинг гапини ҳам бир четга суриб, ўз билганидан қолмади-я, бу Соҳиббахон тушмагур.

Тушунишимча, гап ҳаммамиздан эрта турмушга чиққан синфдошим Ҳамидахон ҳақида. Ҳозиргина уни ўйлаб тургандим-а. Яқинроқ бориб, Ҳабиба холанинг гапига яхшилаб қулоқ солдим.

– Опа-сингилни танитай қолдим, – гапида шошилиб давом этарди у. – Бир-бирига шунақа гаплар айтишяптики, куракда турмайди. Шўрлик Ҳамидахонга ачинаман-да. Нима кўрди, холасига келин бўлиб. Ҳамида бечора холасига дил ёрса, ўглининг тарафини олармиш. Менимча,

сабаби икки-уч маротаба ҳомила туширгани бўлса керак.

Кайвони холанинг ғамгин ҳикоясини эшитиб, тутнинг мазаси ҳам татимай қолди. Ҳамида жуда аълочи қиз эди. Коллежни битиришимиз биланоқ иккаламиз Тиббиёт институтига ҳужжатларимизни топширдик. Биринчи йили омадимиз чопмай, иккимиз ҳам ўқишдан йиқилганимиздан кейинги тушкун аҳволимизни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Кечагидек ёдимда, қишлоққа қайтганимиздан кейин Ҳамидахонни кўярда-қўймай холасининг ўғли Азизга узатишди. Ўзиям тўйларининг овозаси етти маҳаллага тарқалди. Донги кетган тўйхонада, машҳур санъаткорлар иштирокида ўтган тўй таассуротларини одамлар анчагача гапириб юришди. Аммо Ҳамиданинг тақдири омонат орзу-ҳаваслар исканжасида қолгани ойдек равшан эди.

Коллежда ўқиб юрганимизда шифокорлар қизларни бир хонага жамлаб, эрта турмушга чиқиш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида суҳбат ўтказиб, фильм қўйиб беришганида роса таъсирлангандик. Шу боис ҳам Ҳамидахонга бу тўйга рози бўлмаслигини кўп уқтирдик. Аммо қариндош-уруғлар истаги бизнинг орзуларимиздан устунроқ чиқди. Ҳамидахон бир маҳалла наридаги холасига келин бўлиб тушди.

Мен эса бир йил тайёрлов курсига қатнаб, иккинчи йили орзумдаги институт талабасига айландим. Ҳар сафар қишлоққа борганимда дугонамнинг тақдири билан қизиқардим. Афсуски, доим бирор нохуш хабардан дилим хира бўларди. Яқинда ўртоғимнинг бир йилда 3-4 маротаба касалхонада даволанаётганини эшитиб, ачиниб кетдим. Ҳабиба холанинг айтишига қараганда, шу галги касали оғир ўтибди. Кетма-кет ҳомила тушириш оқибатида Ҳамида оғир дардга чалинибди. Шифокорлар унга бошқа ҳомиладор бўлолмаслигини айтишибди. Эридан қандайдир касаллик ҳам орттириб олган эмиш. Бўлажак врач эмасманми, бу каби касалликлар оқибатини ўйлаб фиғоним ошарди.

Қарахт бўлиб қолдим. Талашиб-тортишиб тут еяётган болаларнинг шовқини ҳам қулоқларимга кирмасди. Катта марварид тут дарахтига суяниб, қанча вақт шу ерда қолиб кетганимни билмайман. Бир пайт ўзимга келсам, ҳамма тарқаган. Мукаррамой хола чодирларни йиғиштириб бўлибди. Секин кўча эшик томон юрдим.

– Болам, тўхта, қиз бола бемаҳалда кўчага чиқмайди. Ҳозир амакинг велосипедида олиб бориб қўяди. Ҳа, айтганча, бувингга тут олиб қўйгандим, эсингдан чиқмасин.

– Холажон-ей, ажойибсиз-да. Сиздай меҳрибон, қалби дарё инсонларнинг борига шуқр. Амакимни овора қилманг, мен Ҳамидахон ўртоғимни анчадан буён кўрмадим, соғинганман, йўл-йўлакай кўриб ўтаман.

Тўғри Ҳамидахоннинг ота уйига бордим. Кайвони холанинг айтганлари рост экан. Ҳамидахонни чинданам кўч-кўрони билан олиб келишибди. Мени кўриши билан ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди. Чорбоғ ортидаги ихчамгина сўри устида анчагача гаплашиб ўтирдик. Ҳамида бир гапириб, бир йиғларди.

– Ҳамма айб ўзимда. Тўғри насихат қилсаларинг, қулоқ солмадим. Ғўр эканман, ўз акамдай бўлиб қолган холавачамга тегибман. Нима қилай, бир томонда ота-онам, бир томонда холам ялиниб туриб олишди. Менинг кўнглим билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Орадан бир ой ўтмасидан холам ва поччам бизни ҳайхотдай ҳовлида қолдириб, хорижга ишлагани кетишди. Азиз акамни



биласан, кўлида пул ўйнайдиган, кўчанинг боласи эди. Ота-онаси узоққа кетиши билан эрта кетиб, кеч келадиган одат чикарди. Уйда бир ўзим ёлғиз қолган кунларимни эсласам, хўрлигим келади. Мана, беш йилдан буён аҳвол шу, ҳомилам турмайди. Шифохонага қатнайвериб, безиб кетдим. Устига-устак эрим ҳаммасига мен айбдордек, ургани урган. Чала туғилиб нобуд бўлган болаларимга бир куйсам, калтаклардан минг куйиб шу ҳолга тушдим. Шу сафаргиси ҳаммасидан ўтиб тушди. Яқинда операциядан чиқдим, энди фарзанд кўролмасам керак. Врачлар холамга роса бир нималарни тушунтиришди. Холам шу аҳволимга қарамасдан кўч-кўроним билан уйга ташлаб кетди. Аям билан дадамнинг аҳволига ачинапман. Орага совуқчилик тушгани бир томон, холамнинг эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетгани бир томон бўлди. Дилобар, ахир мен ҳам ҳамма қизлар қатори тўқис бахтни орзу қилгандим. Келажаким учун нега кураша олмадим? Нега ожизлик қилдим? Энди эса...

У ич-ичидан ўкиниб йиғлар, мендан нажот кутгандай кўларимни кафтлари орасига олиб, сира кўйиб юборгиси келмасди. Ўртоғимнинг сўлғин юзларига термулиб қараб ўтиришдан бошқа чора тополмасдим. Унга қандай таскин беришни, қандай юпатишни билмасдим. Дориларини ичиб уйқуга кетгандан кейин уйга қайтдим. Тошкентда ҳам негадир ўртоғимни тез-тез эслайдиган бўлдим.

Ёзги имтиҳонларнинг югур-югури, ташкилий ишлар билан овора эдим. Ётоқхона почта қутисидан менинг номимга бир мактуб борлигини айтишди. Олиб ўқисам, Ҳамидахондан экан.

«Салом Дилобар, ўқишларинг яхшими? Ўртоқжон, мендан хафа эмасмисан, ўша куни ўз дардим билан бўлиб сени кузатолмадим. Сен келган куннинг эртасига «Тез ёрдам» машинасида касалхонага олиб боришди. Бир ойдан ошиқроқ даволандим. Эрим бирор марта келиб хабар ҳам олмади. Шифокорлар жавоб берадиган куни эрталаб қайнонам мен ётган палатага кириб келди. Бир маҳал, холам кўлларимни маҳкам ушлаб олиб роса йиғлади. «Мени кечир, болажоним. Ўзини ўйлаб сенларни бебахт қилган гуноҳкор холагни кечир. Истасанг бола асраб оламиз, ҳеч нарсадан каминг бўлмайди. Хоҳласанг ўқишга кирасан, меникида яшайсан. Сен кетиб уйим ҳувиллаб қолди. Мен ҳам жабрини тортяпман. Азизжон ёмонларга аралашиб қолди, шекилли, кеча маҳалла нозири бир дунё қоғозга кўл қўйдириб кетди. Уйдан ташқарига чиқолмай қолдим. Биламан, мени деб кўп азоб чекдинг. Агар кечиролсанг, мени кечир», деб роса ҳасрат қилди. Дилобар, нима қилай. Ичимдаги дардларимни ота-онамга қандай айтишга, қайси йўлни танлашга ожизман.

Сени соғиниб, Ҳамида».

Ичимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Қадрдон дугонамнинг хатини юзимга босдим. Ундан болалигимнинг майин ифори келгандек бўлди. Ҳамидахоннинг мактуб орқасига ёпиштириб қўйган бир дона ялпиз барги қоғоз билан бармоқларим орасида бўлақларга бўлиниб ётарди...

Гулчеҳра МИРЗАЕВА





**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бирлашма Миллий симфоник оркестри, Давлат академик халқ чолғулари оркестри, Миллий эстрада-симфоник оркестри, Ботир Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри, «Ўзбекистон солистлари» ва «Туркистон» камер оркестрлари, Хизмат кўрсатган хор жамоаси, Давлат хор академияси каби ижодий камолотга эришган бадиий жамоалардан таркиб топган. Ансамблларда халқимиз ардоғидаги санъаткорлар билан бир қаторда ёш истеъдодлар ҳам фаолият олиб боради.**

## *Yaxshi konsert puxta tayyorgarlikdan boshlanadi*

Бирлашма жойлашган musiqa saroyiga кириб борар эканмиз, ҳар бир оркестр ўз йўналиши ва услубида машғул олиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси бош директори Зоир Зоиров биз билан суҳбатда куйидагиларни гапириб берди:

– Дунёда кўплаб musiqa гуруҳлар фаолият кўрсатади. Одамларни чалинаётган musiqa асарнинг катта ёки кичиклиги эмас, ижронинг жонли ва жозибали эканлиги, асарнинг ким ва қайси миллат композитори томонидан яратилгани эмас, ички эҳтирос ҳамда умум тилда сўзловчи илоҳий талқини қизиқтиради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи айрим муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Президентимизнинг 2014 йил 14 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарорига асосан, Ўзбекистон миллий симфоник камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ташкил этилди. Бу биз учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Бирлашма ўз олдига қўйилган мақсад сари дадил илдамламоқда. Шу билан бирга, миллий ва мумтоз musiqa меросимизни келгуси авлодга борича, керак бўлса, янада сайқаллаган ҳолда етказиш вазифаси йўлида самарали меҳнат қиляпмиз. Жаҳон musiqaси дурдоналари, бастакорларнинг энг яхши ижод намуналарининг юртимиз musiqaчилари томонидан маҳорат билан



ижро этилиши натижасида ёшлар орасидан янги иқтидор эгалари кашф қилинмоқда. Буни жамоаларимиз сафига келиб қўшилаётган ёш ижрочилар мисолида кўришимиз мумкин. Танлов асосида оркестрларга қабул қилинаётган йигит-қизлар зўр иштиёқ ва маҳорат билан мусиқа ижро этишади. Натижада мухлисларнинг дилларини забт этиб, уларнинг қалбида чуқур из қолдиришмоқда.

Бирлашма ўз таркибидаги ижодий жамоаларнинг концертларини календарь-режа асосида ташкил этмоқда. Унинг таркибидаги жамоаларга истеъдодли ёш мусиқа ижрочилари, хонандалар, дирижёрлар жалб қилинаётир. Уларнинг билим ва маҳоратларини мунтазам ошириб бориш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– Мусиқий кечаларнинг унутилмас таассуротларга бой бўлиши, энг аввало, танланган асар ва албатта, ижрочилар маҳоратига боғлиқ, – дейди биз билан суҳбатда «Туркистон» камер оркестри бадий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Элдор Азимов. – Бироқ шунинг унутмаслик керакки, концерт ташкилотчиларининг ташаббуси, ҳаракатлари ҳам мусиқий кечаларнинг мухлислар олқишига сазовор бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Мен шу ўрнда икки йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган бирлашма ходимларининг етакчилик қобилиятига таҳсинлар айтишни ўринли деб биламан. Боиси, мен ўзим узоқ йиллик тажрибага эга санъат кишиси сифатида, бирлашма ташкил топганидан буён ўтказилаётган концертлар сифат ва самарадорлигида сезиларли ижобий натижаларга гувоҳ бўляпман. Буни ўтган йиллар давомида ўтказилган ижодий чиқишларимиз, маҳаллий ва хорижий миқёсдаги симфоник оркестр иштирокидаги дастурларимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда бу йўналишда жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини ёшларимизнинг миллий ва замонавий оркестр ижроларини севиб тинглаётгани ҳамда бевосита шу санъат йўлини танлаётганидан ҳам билса бўлади. Фаолиятимизнинг дастлабки кундан бошлаб оркестримиз аъзолари мураккаб ва ранг-баранг усулдаги мусиқаларни ижро эта олиш имкониятига эга эканликларини намён қила олишди.

Миллий эстрада оркестри машғулот ўтайдиган залда оркестр раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Алишер Икромовни кўриб қолдик. Тайёргарлик жараёнига халақит бермаслик учун бир четда кузатдик. Устоз санъаткорнинг овоздаги ички оҳангларга диққат қилиши, кунт билан машғулот ўташини кўриб, биз икки соат завқ билан томоша қиладиган концерт ойлаб ўтадиган мана шундай машғулотлар меваси эканига амин бўлдик.

– Бизгача қилинган меҳнат нашидаси, мана, бугунги кунгача ижодимизга ижод, шижоатимизга янги куч ва ғайрат қўшиб келмоқда, – дейди Алишер Икромов. – Йиллар давомида мисқолаб тўпланган тажриба мактаби ҳамда аънаналарни унутиш асло мумкин эмас. Бизгача этиб келган эъзоз ва эҳтиром мавқеини кунда бир сайқалламасликка ҳақимиз борми? Мен ҳар доим, ҳар ерда Миллий эстрада оркестримиз таркибида кўп ва хўп фаолият кўрсатган устоз санъаткорлар номини жуда катта эҳтиром би-



лан ёдга оламан. Улар қолдирган илмий ва бадий мерос туфайли ҳам бугун миллий эстрада оркестри телевидение орқали намойиш этилаётган «Дилхуш наволар», «Олтин микрофон» ёшлар эстрада концертлари ҳамда ҳисобот концертларида иштирок этиб қатор муваффақиятларга эришиб келмоқда.

Яқинда биз ижодий сафар билан вилоятларга бордик. Халқ орасида, ёшлар даврасида оркестримиз репертуаридаги миллий ва классик дастурларимизни биз ўйлагандан ҳам кўпроқ олқишладилар. Дастур яқунланганидан сўнг кўплаб ёш мусиқачилар, миллий эстрадамиз илҳомландлари жамоамиз атрофига йиғилиб, биз билан оркестрнинг истиқболлари ҳақида, келгусидаги ижодий лойиҳаларимиз борасида дилдан суҳбатлашдилар. Улар кўзидаги ҳайрат, эртанги кунга ишонч, ёшларимизнинг мусиқа санъатига бўлган меҳри бизни қувонтиради.

Бирлашмадан чиқиб борар эканмиз, машғулот залларидан таралаётган наволар, албатта, бўлажак концертларга ташриф буюриш истагини уйғотди. Бу маскан ўз меҳмонини мусиқа билан кутиб олиб, мусиқа билан кузатиб қўяди. Энг муҳими, ҳамма ўз вазифасини аниқ бажаради. Биз бугунги кунда эзгу мақсадлар йўлида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси аъзоларига келгусида бундан катта муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.



# Maqomni o'rganish

Ўзбек миллий мақом санъати жуда катта жанр бўлиб, уни ўргатиш педагогдан билим, малака ва катта маҳорат талаб этади. Педагогика олий таълим муассасалари мусиқа факультетлари ва бўлимлари учун тайёрланган «Анъанавий кўшиқчилик» ва «Мақом асослари» ўқув дастурларида кўплаб мумтоз мақом шўъбаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида юксак бадиий дидни шакллантиришда мазкур дастур талабларига тўла риоя қилиниши ижобий натижаларга эришишни кафолатлайди.

Ўзбек мумтоз мусиқаси воситасида шаклланган бадиий диднинг тармубий унсурлари сирасига қуйидагиларни кириштириш мумкин:

- мусиқий асарнинг ғоявий мазмуни ҳамда уларда акс этган бадиий образларни аниқ тасаввур қилиш;

- мусиқий асар ғоявий мазмунининг оҳангда тўла акс этишига эътибор бериш, улардаги ўзаро мутаносиблик ва синхронлиқни англаш;

- куй ва оҳангни мукамаллаштирувчи: нола, қочирим ва бошқа безакларни мукамал ижро этиш;

- ижрочининг маҳоратини баҳолаш.

Мумтоз мусиқий асарлардан намуналар тинглаш, ўрганиш жараёнида бўлажак ўқитувчилар мусиқий асарларнинг муаллифлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маълумотларни ўзлаштирадilar. Ўзбек мумтоз мусиқий асарларининг бошқа халқлар мусиқий асарларидан фарқли жиҳатларидан хабардор бўладилар. Ижрочиларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлиш билан бирга ижро услуби ўзига хос хусусиятлари, ижрочининг нутқини баҳолаш кўникмаларини эгаллайдилар. Ўзбек мумтоз мусиқий асарларидан намуналар ижро этиш ва улар тўғрисида ўқувчиларга маъ-

лумот бериш имкониятига эга бўладилар.

Мақомларнинг алоҳида бўлимлари шакл ва мазмун тузилишига хос хусусиятлари билан умумийлик, яхлитликка ҳам асосланади. Умумийлик уларнинг маълум далилий асосларга эгаллиги билан тавсифланади.

Мақомларни ўрганиш жараёнида мақом шўъбаларининг лад тузилишига алоҳида эътибор қаратиш, лад ўзгариши юз берадиган лавҳалардан айнан мисралар келтириш талабалар томонидан мақомларнинг онгли идрок қилиниши учун катта имкон яратади. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари, шунигиндек, ҳар бир мақомнинг ўзига хос мусиқий тузилишини ифодаловчи лавҳаларини ўрганиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Юнус Ражабий «Шашмақом»да учрайдиган намуд ва авжларнинг турли вариантларини муайян тизимга солган. Талабаларга мақом ижрочилиги ва мақом назарияси асосларини ўргатишда мазкур тизимдан самарали фойдаланиш тақозо этилади. Мумтоз асарларни қуйлаш жараёнида улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни англаш бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг мақомга оид билимларини янада бойитади. Мақомни ўргатишни амалий тарзда олиб боришнинг самараси кўпроқ бўлади. Яъни устоз-шоғирдлик анъаналарига хос тарзда мақомни қуйлаб бериб, талабанин ҳам ижросини эшитиб, баҳолаб бориш ижрочининг тўғри амалга оширилишини таъминлайди.

**Маҳмуд ТОЖИБОЕВ,**  
**Ўзбекистон халқ ҳофизи,**  
**Шаҳзод ЖўРАЕВ,**

**Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси.**

## Millatlararo hamjihatlik yo'lida

Маълумки, Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида қадимдан алоқалар ўрнатилган. Ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизда Хитойга улкан салоҳиятга эга кўшни, жаҳон иқтисодиёти ва глобал муаммоларни ҳал қилишда ҳақли равишда ўзига хос ўрин тутадиган мамлакат сифатида қаралади. Хитой томони ҳам ўз навбатида Ўзбекистон — Хитой муносабатларини барқарор ва соғлом ривожлантириш жараёнини изчил давом эттириш тарафдори. Икки мамлакат барча даражалардаги фаол мулоқотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзаро ишонч мустаҳкамланмоқда.

1991 йил Хитой Ўзбекистон мустақиллигини тан олиб, 1992 йил дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар йўлга қўйилди. Ўтган йиллар давомида қатор расмий ҳужжатлар имзоланди. 1992 йил 15 октябрда Тошкентда Хитой элчихонаси, 1995 йил 6 майда Пекинда Ўзбекистон элчихонаси очилди.

Икки мамлакат ўртасида маданият, фан, техника ва таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. Хитой вакиллари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, Ўзбекистон фольклор жамоалари Пекинда ҳар йили ўтадиган халқаро маданият ва туризм фестивалида мунтазам иштирок этадилар.

2001 йилда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлгандан бери ушбу ташкилот доирасидаги муносабатлар ҳам ривожланмоқда.

2004 йилдан Ўзбекистон ва Хитойнинг Синцзян Уйғур телевидение компаниялари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Спорт соҳасида ҳам икки давлат ўртасидаги алоқалар мавжуд. Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишига 1998 йил 1 декабрда тузилган «Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда.

Яқинда Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 24 йиллигига бағишланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Ушбу дастурни Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Сун Лицзе очиб берди.

Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихга эга бўлган дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган буюк ҳиссасига юксак баҳо берар экан, жаноб элчи: «Хитой ва Ўзбекистон ўз қарашларига мос йўлдан қатъий юриш тамойилини ҳамиша қўллаб-қувватлаб, барча кучни икки давлат суверенитети, хавфсизлиги ва иқтисодиётини ривожлантиришга қаратади», дея таъкидлаб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар, Хитой компаниялари, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Конфуций институтининг хитойлик ўқитувчилари ҳамда талабалари, ўзбек ва чет эл маданият ва санъат арбоблари иштирок этишди. Концерт дастури икки мамлакатнинг давлат мадҳияси билан бошланиб, Хитой халқ куйи ва кўшиқлари, оркестр жўрлигида фортепиано учун концертлар, опералардан намуналар билан давом этди.

**Дилбар ҲАЙИТБОЕВА**



bir kulishtayev



## БИР КУНИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР...

*Устозлар ҳаёти, улар ҳақидаги хотиралар ҳаммаша қизиқ. Шундай воқеалар бўладики, уларни кўрганлар, иштирокчиси бўлганлар узоқ вақтгача эслаб, сўзлаб юришади. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги куйидаги ҳангомалар ёзувчи Носир Фозилов қаламига мансуб.*

### КЕЛАВЕРИНГЛАР, ТИШЛАМАЙДИ

Мен устоз Абдулла Қаҳҳорни уста мерганга менгзайман. Мерган шунинг учун мерганки, отган ўқи бекор кетмайди. Абдулла ака шунинг учун мерганга ўхшайдики, айтган гапи мўлжалга тегмай қолмайди. Бир куни ёзувчилар боғидаги чинор тағидаги каравотда оёқларимизни пастга осилтириб дам олиб ўтирардик. Ёнгинамда Матёқуб Қўшжонов. Бир маҳал Матёқуб ака биқинимга аста туртди:

– Юринг, Абдулла ака билан сўрашиб келамиз.

Ўрнимдан туриб, у кишига эргашдим. Ҳовлисига кирсак, Абдулла ака ариқда турибди. Шимининг почалари тиззаларигача шимарилган. Бир оёғи сувда, бир оёғи ариқ бўйида. Қўлида қайиш. Иккинчи қўли итининг бўйинбоғида. Важоҳати чатоқ. Биз аста яқинлашиб қолган эдик. Матёқуб ака минг истиҳола билан сўради:

– Э, Абдулла ака, нима қияпсиз? – Абдулла ака бизларга кўзи тушиб қолиб, сал жаҳлдан тушгандай бўлди. – Буни қаранг, айтганимни қилмайди, – деди салансираб. – Шунга жиндек жисмоний танқид қиялман. Ҳа, қани, келинглар.

Матёқуб ака итдан кўрқар экан. Сал тайсаллаб:

– Итингиз... – деди.

– Э, кўрқманглар, келаверинглар, – деди Абдулла ака қулиб. – Танқидчидан кўрқади, тишламайди.

### ҚИЁСНИ ҚАРАНГ

Шоир Мамарасул Бобоевнинг эллик йиллик тўйи бўлди. У кишининг дўстлари, яқинлари, мухлислари, ўқувчилари унинг шаънига ажойиб сўзларни тўкиб ташлашди, ижодига нисбатан мақтовлар ёғдиришди. У пайтларда тўрт кўз тугал, оқсоқоллар бажо: Ойбек домлаю Ғафур ака, Миртемир акаю Шайхзода домла, Абдулла акаю Ҳабибий домла. Тўй эгасининг тенгқур шоиру ёзувчи жўралари – ҳамма-ҳаммаси савлат тўкиб ўтиришибди. Абдулла аканинг бир одати бор эди. Бунақа йиғинларда биринчи бўлиб сўзга чиқмасди. Албатта, бир-икки нотик чиққач, уларнинг гап-сўзларидан бирон-бир илмоқ топиб, сўнг

сўз оларди-да, қийтиғини топиб, ўша нотикқа муносабат билдириб ўтарди. Абдулла ака ўша ўзи пойлаб ўтирган илмоқни Туроб Тўланинг гапидан топди. Маълумки, Туроб ака Мамарасул аканинг ошнаси, адабиётга бирга кириб келган сирдоши. У дўсти ҳақида талайгина чиройли гаплардан сўнг, ўзини унга яна ҳам яқин қилиб кўрсатмоқчи бўлди, шекилли:

– Мамарасулни мен жуда яхши кўраман, – деди гапининг пировардида. – Менда унинг ҳамма китоби бор. Яқин бўлганимиз учун ҳамма китобларига ўз қўли билан дастхат ёзиб берган...

Туроб акадан кейин Абдулла Қаҳҳор сўз олди. Ҳамманинг қулоғи динг, нима деркин, деб қимир этмай ўтиришибди. Абдулла ака анча ҳамду санодан сўнг:

– Мамарасулни мен ҳам яхши кўраман, – деди салмоқлаб. – Менда ҳам унинг ҳамма китоблари бор. Аммо бу китобларни шоир менга дастхат билан бермаган. Азбаройи яхши кўрганим учун ўзим сотиб олганман...

### ЛУҒАТГА ҚАРАЛСИН

Абдулла ака ҳам бир маҳаллар нашриётда муҳаррир бўлиб ишлаган экан. Ўша ишлаб юрган кезларида, нашриётнинг муҳаррирлик нормасини бажаролмай қоларкан. Ўзи билан бирга ишлаётганлар балодай норма бажариб, мўмайгина маош оларкан-у, қанча тиришмасин, Абдулла ака сира маошга ёлчимас экан. У киши билан бирга ишлайдиган муҳаррирлар беш-олти юз сўм олса-ю, инсоф билан ишлайдиган Абдулла ака зўрға икки юз эллик сўм олса! Кунлардан бир куни Абдулла ака қўлидаги қалин китобни таҳрир қилиб бўлиб, ишлаб чиқариш бўлимига топшириш ҳаракатида турганида ҳарбий хизматга чақириб қолишибди. Шунда Абдулла ака нима қилишини билмай, ҳамкасбидан илтимос қилибди:

– Мени ҳарбий хизматга чақириб қолишди, – дебди, Абдулла ака илтимос оҳангида. – Мана бу китоб тайёр. Фақат икки юз ўттиз тўртинчи бетдаги бир сўзни тушунолмадим. Ўша сўзни топиб, ўрнига қўйиб, топширсангиз. Мана ўша жойи, қавс ичида «луғатга қаралсин!» деб қўйибман.

Ҳамкасби:

– Гап йўқ, Абдуллажон, – деб, олиб қолибди.

Абдулла ака хотиржам бўлиб, ҳарбийга жўнабди. Хуллас, хизмат тугаб, Тошкентга қайтиб келибди. Нашриётга ўтибди. Ўша ўзи таҳрир қилиб, ҳамкасбига ташлаб кетган китоб чиққан экан, дарҳол ўша сўзни нима деб тузатдикин, деб қизиқиб қараса, ҳеч ҳам тузатилмабди, «луғатга қаралсин!» бўлиб чиқиб кетибди. Энди у кишини қойиш бефойда эканини сезган Абдулла ака индамай қўя қолибди-ю, аммо нима учун ўзининг бошқалардан кам маош олиши сирини билиб олибди. Сири шу эканки, шериклар қўлига тушган қўлёмани бош қотириб кўриб ўтирмай, ишлаб чиқариш бўлимига топшириб, нормани икки юз фоиз бажариб, мўмай маош олар экан.



## San'at sarhad bilmaydi

Глобаллашув бошқа соҳалар сингари ўзбек мусиқа санъатида ҳам сезиларли бўй кўрсатиб улгурди. Бунда маданиятлараро ҳамкорлик моҳияти ва шу жабҳада юзага келган бадиий ҳодисалар хусусияти бошқача аҳамият касб этмоқда. Адабиётшунослиқда вужудга келган интерматн назарияси муайян асарларнинг тарихий-мазмуний борлигини англашга, башарият маданияти халқларни бир-бирига боғлаб турувчи риштасини ҳис этишга имкон беради.

Интерматн назарияси айнан XX асрнинг сўнгги чорагида, мусиқада эса XXI аср арафасида юзага келганлиги тасодифий эмас. Шунгача мусиқашунослиқда ўзаро ҳамкорлик ёки айтиш мумкинки, маданий аънаналар синтези тушунчалари ҳукм сурар эди. Янги атаманинг юзага келиши янги ҳодисанинг, жумладан, маданиятлараро алоқаларнинг чинакам янги, замонавий турини акс эттирувчи интерматннинг табиий заруриятидир. Интерматнни анча олдинги тушунчалар билан чалкаштириш керак эмас. Чунки бундай ҳолда атама ўзининг мантиқий аниқлигини йўқотади. Синтездан фарқли ўлароқ, интерматн ўзга муҳитда мустақил аънаналарнинг чапишиб кетиши эмас, балки уларнинг ягона матнда яшаш учун тенг ҳуқуққа эга бўлиб, ўз мантиқий ва аънавий моҳиятини сақлаб қолишидир.

Интерматн маъносида И.Гёте «Ғарбу Шарқ девони» (1819) шеърий матнларига Д.Саидаминова басталаган янги мусиқий-саҳнавий композициясининг премьерасини кўриб чиқиш мумкин: уни Ф.Абдурахмонова раҳбарлиги остида «Сугдиёна» ўзбек халқ чолғу камер оркестри 2000 йилда ижро этган.

Республикамизда «Ғарбу Шарқ девони» биринчи марта Гёте институти директори Э.Латтаро ташаббуси билан 1999 йилда Ўзбек Давлат драма театрида немис актёрлари Йохен Штрибек ва Йовит Дермотлар томонидан ижро этилган. Ф.Абдурахмонован инг айтишча, ўшандаёқ ушбу машхур асарга куй басталаш кераклиги ҳақида фикр пайдо бўлган. Шундай қилиб, уч йиллик ижодий изланишлардан кейин, икки ижрочи ва халқ чолғулари камер оркестри учун мусиқий-саҳнавий композиция яратилган. У Шарқ ва Ғарб мусиқа маданиятлари ва аънаналарининг ўзаро бир-бирига таъсирига бағишланган.

И.Гётенинг қизиқиш доираси ва ғоялар теранлиги, ҳақиқатан, халқаро кўринишда. Шарққа қизиқиши унга замондош бўлган Европа шарқшунослиги тенденция-

ларидан бир асрдан кўпроққа ўзиб кетганди. Шарқ уни Европа санъатида нисбатан экзотик қўшимча сифатида қизиқтирибгина қолмаган, балки унинг ўзига хослиги ва ғоят теран фалсафаси шоир эътиборини жалб қилган. XIV аср шоири Ҳофиз шеърларининг немис тилидаги таржимаси сабаб бўлиб, Гёте кўнглида шарқ маданиятига қизиқиш пайдо бўлган. Гётенинг шарқ шеърляти билан шуғулланиши унинг ҳаёти ва ўз «мен»ига нисбатан қарашларини ўзгартириб юборган.

Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» жаҳон маданиятидаги энг қизиқарли ҳодисадир. Агар жаҳон адабиёти Гётегача ҳам, ундан кейин ҳам шарқона тимсол андозалар ўйинини ва Европа шеърлятининг шарқона оҳанглар, сюжетлар, рамзлар ва ниҳоят иқтибослар билан музайян этилишини билган бўлса-да, Гёте ўз ижоди, шоирона даҳосининг барча жилваси билан ҳар икки маданият ютуқларини ўзаро боғлашга муваффақ бўлди.

«Ғарбу Шарқ девони» – интерматн алоқаларига ёрқин мисол. Шарқ ва Ғарб оламини қиёслаб туриб, айтиш мумкинки, Гётенинг асари ўз замонидан камида 100-150 йил илгарилаб кетган. Бу шунчаки ўзга маданиятнинг гўзал тасвири эмас, балки юксак маданият, унинг асосий бадиий қиммати бирлигини исбот этишга уринишдир.

Шу тариқа «Ғарбу Шарқ девони»нинг мураккаб бадиий тузилиши дастурий фикрнинг фавқулудда мураккаб кўриниши бўлиб хизмат қилади. Д.Сайдаминованинг шеърий матнни диалог сифатида тушуниши шунга олиб келадикки, мусиқа ва матннинг аънавий тамойилдаги бевосита синтези йўқ. У мусиқа остида баён этиб борилади ёки у билан галма-гал алмашиб келади. Икки санъат турининг ҳар бири бу ерда ўз ҳаёти ва ўз интерматни алоқалари билан мавжуд. Мусиқий матн поэтик интерматн таъсири остида юзага келган ва турли мусиқий аънаналар мавжудлиги билан фарқ қилади.

Д.Сайдаминова мусиқий композициясининг ижро таркиби икки солист ва оркестрдан иборат. Иккала маданият дуодрамаси немис актёри ва режиссёри Д. Кирш тақдим этган шоир ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Л.Элтёева ижросидаги Зулайҳо ўртасида ривожланади. Қария шоирнинг образи, Гётенинг ўзи бўлса, Зулайҳода шоирнинг маъшуқаси Марианна фон Виллемер образи муҳрланган. Номалар алмашинуви «Девон»нинг каттагина қисмини ташкил этган. «Қизнинг ўзи шоира сифатида намоён бўлади ва ёшлик тароватидан ял-ял ёнганча оташин эҳтирос ичида кекса шоир билан мусобақа ўйнаётгандек бўлади...» Ҳофиз ғазалларидаги ишқ – илохий, ҳамма нарсдан устун келувчи, дунёни файласуфона идрок этишга ўтиб кетувчи олий лаззат. Ҳофизнинг айни мана шу аънарасини Гёте «Зулайҳо китоби»да ривожлантирган ва бу Ғарб ва Шарқнинг бир-бирини ўзаро тўлдириб келиши ғоясининг яна бир зухуридир.

Асарда Шарқ ўзбек қўшиқчилиги оҳанглари ва халқ чолғу асбоблари садолари билан ифода этилган бўлса, Ғарб магнит ёзувлари ёрдамида Бах, Гендель, Рахманинов асарларидан олинган парчалар билан тасвир этилган. Интертекстуал алоқаларни қўллаш асар охирида – барча тиллар ва халқлар дуоларининг битта бўлиб бирикувида энг ёрқин тарзда намоён бўлган.

# Bola tarbiyasida libos ham ahamiyatli

*Яқинда ёш дизайнерлар ўртасида ўтказилган бир неча танловлар иштирокчиси Нилуфар Умарова батик техникасидан фойдаланиб «Баҳор ифори» – қиз болалар баҳорги-ёзги кўйлақлар тўпلامي яратди. Биз истеъдодли дизайнер билан ана шу янги тўпламнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида суҳбатлашдик.*



– Нилуфархон, нима учун айнан қизалоқлар либослари тўпلامي яратдингиз?

– Ушбу ишимнинг долзарблиги шундаки, болалар либосларини яратиш доимо кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Негаки, болалар либосларини яратишда энг нозик жиҳатлар ҳам ҳамisha эътиборда бўлади. Устозларимиз таъкидлаганидек, уларни тўғри кийинтириш, ўзига мос либос яратиш ҳам тарбиянинг муҳим бир бўлагидир. Мен батик техникаси имкониятларидан фойдаланиб, қиз болалар кўйлақлари тўпلامي яратдим.

Ана шу маънода қизлар учун либос яратишда миллий ва замонавий услубларга таянган ҳолда минтақамиз иқлимни ҳисобга олиб, табиий матолардан фойдаландим. Либоснинг гўзал ва чиройли ҳамда боланинг эркин ҳаракат қилиши учун қулай бўлишига эришиш, либосга мос бичим ва дизайн танлаш, унда ранглар мутаносиблигини ҳисобга олиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Чунки либос, унда акс этган нафосат, гўзаллик нафақат болаларнинг ташқи кўриниши, балки уларнинг ички олами ҳам гўзал бўлишига, диди, дунёқарашининг ривожланиши, шаклланишига таъсир кўрсатади.

Болалар психологияси ниҳоятда нозик ва таъсирчан бўлади. Шу боис улар учун танланган кийимларнинг ранги, шакли, безаклари ҳам улар-

нинг кайфияти, руҳиятига таъсир кўрсатади.

– Бу тўпламни батик усулида яратибсиз. Унинг афзаллиги ва янгилиги ҳақида сўзлаб берсангиз?

– Аввало, ушбу либосларни яратишда болалар психологик-физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табиий матолардан фойдаланишни мақсад қилдим. Табиий матолар нафақат руҳий, балки тиббий жиҳатдан ҳам афзал эканлиги барчамизга маълум. Батик техникаси бизга табиий матога болалар руҳиятига мос, уларда кўтаринки кайфият уйғутувчи, баҳор нафаси уфуриб турган ёрқин рангларни ёшга мос равишда уйғунлаштириш имконини берди.

Батик тушунчаси «мум томчиси» деган маънони билдиради. Шу пайтгача батик техникасидан асосан картина, рўмол, шарфлар, ёстиқлар яратишда кўпроқ фойдаланилган. Миллий ва замонавий болалар либосларини яратишда бу техникага нисбатан кам мурожаат қилинган. Унда болалар учун миллий бичим, ёрқин ранглардан фойдаланилмаган.

– Бу либосларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз?

– Яратилган либослар ҳаво ўтказувчанлиги, болалар ҳаракати учун қулайлиги, тақилмасини ечиш ўнғайлиги билан ҳам ажралиб туради. Астари табиий матодан қилинган. Камзули

ўзбек миллий аёллар бичими асосида бўлиб, у болаларда кам қўлланилган. Бичими оддий, истиқболли мода йўналишида бўлиб, улар умумий тасвир ва гуллар жиҳатидан бир-бирига уйғун, шакл ва бичими жиҳатидан эса бугунги урфларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бирининг ўзига хос табиий кўринишида бўлишига интилдим.

Маълумки, батикнинг «иссиқ», «совуқ», «туғунли», «эркин» турлари бор. Мен улар орасидан «иссиқ» техникадаги батикни танладим. Бунда дастлаб расм матога туширилади. Иссиқ мум ёрдамида нақш контурлари юргизиб чиқилади. У қуригандан сўнг, буёқлар ёрдамида ранг берилади. Сўнг икки томони белгиланган кўрсатма асосида яхшилаб дазмолланади, буғланади, сўнгра совуқ сувда чайилади. Энг муҳими, қизалоқлар яйраб киядиган коллекция устида ишладим. Бу уларнинг саломатлиги, эркин ҳаракат қилиши, муҳими – тарбиявий жиҳатдан ҳам фойдалади. Бу тўпламга ота-оналар ҳам, устозлар ҳам, мутахассислар ҳам ижобий фикрлар билдиришди.

**Нигина ҚОДИРОВА суҳбатлашди**



# Ikir-fikrlar

\*\*\*

**Менимча, Google аёл киши бўлса керак. Гапингни тугатмасингдан мингта тахминни тахлаб қўяди.**

(Чойхонадаги гурунгдан)

\*\*\*

**Аёллар тўйга тўй эгасининг хурсандчилигига шерик бўлиш учун боришади... Тўй учун тиктирган кўйлақларига келсак, бу алоҳида масала.**

(Эркаклар ғийбатидан)

\*\*\*

**Кимни камроқ кўришни истасангиз, унга қарз бериб қўйинг.**

(Замонавий маслаҳат)

\*\*\*

**Камгап одамларда гап кўп бўлади.**

(Антиқа хулоса)

## Мусаҳҳиҳ дафтаридан

\*\*\*

**Бунча, ҳаммани уйғотиб, заҳарлаб (сахарлаб) ишга кетмасанг.**

\*\*\*

**Унинг гапларини тинглаб, ўпкам сўлиб (тўлиб), кўнглим узилиб (бузилиб) кетди.**

\*\*\*

**Қатиқ(қайиқ)да сузиш бўйича мусобақада қатнашдим.**

\*\*\*

**Кеча боксчилар занги (жанги) зўр бўлди-да.**

\*\*\*

**Унинг товуши(ковуши)ни тўғрилаб қўйишди.**

\*\*\*

**Салимахоннинг бахтига эри ёмон(омон) бўлсин.**


## ЎТГАН СОҶДАГИ СКАНВОРД — МУАММОНОМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ :

**Белгиланган хонадан соат мили йўналишида:** Кимё. Ипак. Далв. Овул. Пеле. Эзоп. Марс. Коса. Одоб. Очко. Чега. Гюго. Эрон. Сато. Бола. Бокс. Асар. Юмор. Неон. Бет. Асп. Соат. Ойна. Айб. Рим. Тўти. Твен. Ота. Мош. Отар. Сарв. Асос. Акс. Ака. Шона. Дори. Ҳадя. Дарс. Каср. Макр. Наср. Қадр. Яроғ. Сатр. Баст. Март. Қаср. Шарқ.

**МУАММОНОМА: Ҳазиллашганда ҳам ақлни ишлатиб ҳазиллашинг!**

## «ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

**Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Теурийлар тарихи Давлат музейи ташқи деворига битилган ёзувдаги илк сўз. 2. 1876 йилда «Тошкент музейи» номи билан Марказий Осиёда илк ташкил этилган йирик илмий маърифат муассасасининг ҳозирги номидан: «Ўзбекистон давлат ... музейи». 3. Навоий вилоятидаги «Қосим Шайх» мажмуа музейи жойлашган маскан. 4. Бирор шахс ёки воқеа-ҳодисани абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган ёдгорлик. 5. Қомусий аллома Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолиятини очиб берувчи музей ташкил этилган маскан. 6. «Очиқ осмон остидаги музей» – таърифини олган ватанимиздаги маскан. 7. Нурота туманидаги табиий-меъморий мажмуа музейи. 8. Зеб-зийнат буюми, тақинчоқ. 9. Когон шаҳридаги Ўлкашунослик халқ музейи. 10. Инсониятнинг ибтидоий жамоа ва илк ишлаб чиқариш хўжалиги шаклланган давр. 11. Турфа рангдаги мато кийқимларидан ҳосил қилинган каштадўзлик маҳсули. 12. Самарқанддаги буюк фалакиётшунос номи билан аталувчи ёдгорлик музейи. 13. Асосан нафис санъат ёдгорликлари жамланган музей. 14. Тошкентдаги атоқли ўзбек адиби яшаб ижод қилган уй музейи. 15. Масаллиқлар сақланадиган чуқур, қопқоқли, нақшлар билан безатилган дастали мис идиш. 16. Тош даврининг энг сўнгги даври. 17. Мис ёки чўндан ясалган, чой қайнатишда фойдаланилган идиш. 18. Қўқон шаҳридаги маърифатпарвар шоирга мансуб хужра-музейи. 19. Асосан қимматбаҳо матолардан тикилган устки либос. 20. Маълум уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчиллик билан акс эттирувчи манба.



## МУАММОНОМА

- Калит сўзлар:** 1. Музейлар фаолиятини ёритувчи даврий нашр – «11, 17, 7, 3,-13, 22, 5, 6. 21, 5, 22, 17».  
 2. Республикамиздаги «Очиқ осмон остидаги музей» таърифини олган масканлардан бири - 14, 2, 9, 17, 1, 17.  
 3. Томоша қилиш учун қўйилган нарсалар маскани - 19, 20, 1, 10, 5, 7, 11, 5.  
 4. Аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий, маданий бойлик - 11, 12, 1, 17, 21.  
 5. Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи бўлган, зийнатли бош кийими – 8, 17, 15.  
 6. Турфа рангдаги мато кийимларидан ҳосил қилинган каштадўзлик маҳсули - 18, 2, 1, 17, 18.  
 7. Буюм сиртига қимматбаҳо металллар кукуни бўёғидан берилган сайқал - 16, 5, 4.

Энди калит сўзлари жавоблари орқали шаклнинг ички қисмларидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириш билан унда яширилган ибратли сўзни билиб олинг.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**



Amir Temur  
jahon tarixida



Elchilar qabuli



Buyuk ajdodlarimiz

# Musavvir Alisher Aliqulov ijodidan namunalar




Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, rassom Алишер Алиқулов 1966 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1995 йили Камолиддин Бехзод номидаги Миллий rassomчилик ва дизайн институтини тамомлаган. У ранг-тасвир йўналишида ўз услубига эга.

Яратган асарларининг юқори колоритлилиги билан шуҳрат қозонган нозик истеъдод соҳиби. Ижодкор мўйқаламига мансуб ўнлаб асарлар республикамиз ҳамда қатор хорижий мамлакатлардаги нуфузли санъат кўргазмалари ва бадий галереяларда мунтазам намоиш этиб келинмоқда.






Sardoba



Jarayon



Xp8200



**O'ZBEK DAVLAT SIRKI**  
**1-IYUN - XALQARO BOLALARNI**  
**HIMOYA QILISH KUNI BILAN**  
**MAMLAKATIMIZDAGI BARCHA BOLALARNI**  
**QUTLAYDI HAMDA QIZIQARLI, QUVNOQ**  
**DASTURLARIGA TAKLIF ETADI!**



**ISSN 2091-5330**  
**OBUNA DAVOM ETMOQDA**

**Indeks: yakka obunachilar uchun - 820, tashkilotlar uchun - 806.**

Хизматлар лицензияланган